

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Ғанишер Раҳимов

**ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ**

5220100 – «Филология»; 5120201 – «Таржима назарияси
ва амалиёти (тиллар бўйича)» йўналишлари учун
ДАРСЛИК-МАЖМУА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент–2016

Масъул муҳаррир

Ш. Сафаров – филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

И. К. Мирзаев – филология фанлари доктори, профессор;

А. Кўчибоев – педагогика фанлари доктори, доцент.

Раҳимов, Ғанишер

Таржима назарияси ва амалиёти: дарслик-мажмуа / Муалл. Ғ. Раҳимов. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2016. – 176 б.

Мазкур дарслик-мажмуа талабаларда таржима жараёни ҳақидаги назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларни шакллантиришга доир мавзуларни камраб олган.

Дарслик-мажмуа олий ўқув юртларининг «5220100 – Филология» ҳамда «5120201 – Таржима назарияси ва амалиёти» йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаширининг 2016 йил 26 мартдаги 2-сон баённомасига мувофиқ нашр этишига рухсат этилган.

© Ғ. Раҳимов

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2016

КИРИШ

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-Бухорий

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида илм-фаннинг замонавий натижаларини ёритувчи дарсликларни яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимизда ўзбек тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи малакали мутахассисларни тайёрлашда ҳозирга қадар республикадаги олий ўқув юртларида таржима назарияси ва амалиётини ўқитишда маънавий жиҳатдан эскирган дарслик ва адабиётлардан фойдаланиб келинаётганлиги боис, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ҳамда нашр этириш эҳтиёжини юзага келтирди. Бинобарин, филология ва таржимонлик йўналишларида таҳсил олаётган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти фанидан дарслик яратиш» инновация лойиҳасининг (ИОТ–2012–1–32) давлат томонидан қўллаб-қувватланиши таржима назарияси ва амалиёти фанини ўқитишда юзага келган ана шундай муаммони ҳал қилишда қўйилган хайрли қадамлардан биридир.

Маълумки, таржима инсон фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз жамият тараққиёти тарихининг барча тафсилотларини очиқ-ойдин тасаввур этамиз. Таржима халқаро дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, халқлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилувчи қудратли қуролдир. У турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради. Таржима асарлари туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлади. Шу билан бирга, таржима тилларнинг

ривожланиш суръатини жадаллаштирувчи, луғат бойлигини оширувчи ва такомиллаштирувчи восита сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу жиҳатлар таржимани инсон маънавий ҳаётини бойитувчи, она тилининг бор бисотини рўёбга чиқарувчи, аини пайтда, унинг сержило бўлишини таъминловчи, китобхоннинг тафаккурини чархлаб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойитувчи хусусиятга эга эканини далиллайди. Шунингдек, таржима жамиятда янгича муносабатлар, қарашлар қарор топишига хизмат килади. Таржима туфайли миллий адабиётларга янги ғоявий йўналиш, янгича сюжет, жанр, янги образ ва бадиий тасвир воситалари кириб келади. Шу маънода, таржимани аслиятни қайта яратиш, талқин этиш санъати деб таърифлаш мумкин. Таржиманинг мақсади у ёки бу тилда яратилган матнни иккинчи бир тил воситасида қайта яратишдан иборат. Бунинг учун таржимондан, биринчи навбатда, аслият мазмун-моҳиятини тўла-тўқис идрок этиш, уни ўгирилайётган тилда бекам-қўст қайта ифодалашга эришиш талаб қилинади.

Кейинги йилларда амалга оширилайётган лингвистик тадқиқотларда таржима муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Таржимашунослик бўйича яратилаётган тадқиқотларда таржима назарияси ва амалиётининг жузъий масалалари билан бир қаторда, мазкур соҳанинг туб моҳиятини акс эттирадиган умумназарий муаммолар устида ҳам кенг қўламда изланишлар олиб борилмоқда ва таржимашунослик масалалари тадқиқотчиларни борган сари кўпроқ ўзига жалб қилмоқда.

Таржимага лингвистик нуқтаи назардан ёндашилса, таржимани бир тилда яратилган матнни унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ижодий жараён сифатида таърифлаш мумкин. Демак, таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яратилган асар таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта яратилади. Шу йўл билан аслият ва таржима матнларининг мазмуний-услубий муқобиллиги (адекватлиги) юзага келади. Мазкур жараён бевосита тиллараро ҳамкорликка алоқадор бўлиб, лингвистик

таржимашунослик фаолиятининг асосий вазифаси мазкур амалиёт билан боғлиқ.

Ушбу дарслик-мажмуа талабаларда юқорида баён этилган жараён ҳақидаги назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларни шакллантиришга доир мавзуларни қамраб олган. Дарсликнинг мақсади филология ва таржимонлик йўналишларида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабаларига таржима назарияси ва амалиёти фани бўйича ана шундай кўламдаги билимлар мажмуини тақдим этиш, бу орқали Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим давлат стандартларининг олий таълим босқичидаги «5220600–Таржима назарияси ва амалиёти» йўналиши бўйича бакалавр тайёргарлиги даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларга мос билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш имконини яратишдан иборат.

Дарсликда Европа, Россия ва Ўзбекистон олимларининг таржимашунослик соҳасидаги фикр ва назариялари қиёслаб ўрганилган.

Дарсликни яратишда устоз таржимашунослар А. Федоров, Л. Бархударов, В. Комиссаров, Д. Рецкер, Ғ. Саломов, Қ. Мусоев ва бошқалар томонидан яратилган ўқув адабиётлардан ҳам фойдаланилди. Хорижий таржимашунос олимлар Т. Сэвори, Ж. Кетфорд, Т. А. Казакова, Л. К. Латипов, Л. Виссон ва бошқаларнинг таржима амалиёти, таржима технологияси, синхрон таржимага оид қарашлари эътиборга олинди. Шунингдек, XXI асрда таржима мактабларининг олиб бораётган тадқиқот ишлари қиёслаб ўрганилди ва таржима назарияси бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Дарсликда таржима назарияси ва амалиётини ўргатишда замонавий илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хусусан, мазкур дарсликнинг электрон мультимедиали версияси яратилиб, муаллифлик гувоҳномаси олинди. Шу тариқа вербал ва виртуал кўринишдаги дарслик-мажмуа юзага келди. Дарсликнинг дастлабки тақдими республика инновацион ишланмалар кўргазмасида намойиш этилди¹.

¹ Муаллиф яратган электрон дарслик мазкур дарсликка илова қилинди.

1 - мавзу

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Таълимий мақсад: талабаларда таржима назарияси фанининг объекти ва предмети, унинг филология соҳасида тутган ўрни ҳақида назарий билимларни, шунингдек, таржима жараёнининг моҳияти ҳамда бу жараёнда қўлланиладиган методлардан фойдаланиши бўйича кўникмаларни шакллантириши.

Таянч сўз ва иборалар: таржима, ўғирши, ағдарши, аслият, аслият матни, таржима матни, таржима назарияси, таржима амалиёти, таржима методлари, луғавий маъно, бадий таржима, ижодкорлик, оғзаки таржима, компенсация, қиёсий тилишунослик.

Режа:

1. Таржима назарияси ва амалиёти ўқув курсининг предмети, мақсади ва вазибалари.
2. Таржима назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Умумий ва хусусий таржима назарияси ҳақида мухтасар маълумот.
4. Таржима назарияси ва амалиётининг таҳлил методлари.

Асосий маълумотлар

Таржима назариясининг фан сифатида шаклланиши ва ҳозирги даврда тутган ўрни. Таржима инсон фаолиятининг қадимий турларидан бири бўлиб, турли тилли халқларнинг мулоқотини амалга оширишга йўналтирилган. Узоқ тарихга ва ўзига хос ривожланиш босқичларига эга таржимонлик фаолияти фақат XX асрга келиб алоҳида фан, тилишунослик билимларининг бир соҳаси сифатида шакллантирилди.

XX асрда I ва II жаҳон урушлари сабабли бўлиб ўтган глобал ўзгаришлар, фан ва техниканинг ривожланиши, халқа-

ро алоқаларнинг жадаллашуви ва кўпгина социолингвистик омиллар таржима фаолиятининг фан сифатида ривожланишига турки бўлди. Таржимашуносликнинг ўзига хос назария сифатида ривожланишига таниқли тилшунос ва таржимашунос олимлар В. Комиссаров, А. Фёдоров, Л. Бархударов, Я. Рецкер, Ғ. Саломов, Қ. Мусаев, Ю. Найда, Ж. Кетфорд ва бошқалар катта ҳисса қўшди.

Таржима назарияси борасида ХХ асрда амалга оширилган илмий ишларнинг, яратилган таржима мактабларининг манتيқий давоми ХХІ асрда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Таржима назарияси борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилар эканмиз, Россия, Европа, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда яратилган илмий мактаблар, олиб борилган ишлар диққатга сазовор. Жумладан, инглиз таржимашунослари Т. Сэвори, Ж. Кетфорд тадқиқотлари эътиборга лойиқ.

Т. Сэвори умумий таржимашунослик тамойилларидан четга чиқмаган ҳолда замонавий таржимашуносликнинг муҳим омилларидан бири – таржима жараёнини батафсил ўрганиб чиққан. Т. Сэвори фикрича, таржима тури, асосан, китобхоннинг қайси тоифага мансублигидан келиб чиқади. Бу ҳодиса таржима прагматикасида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таржимашунос ўз тадқиқотида китобхонларни 4 тоифага бўлиб ўрганишни тавсия этади:

- 1) умуман чет тилини билмайдиган китобхон;
- 2) чет тилини таржима орқали ўрганган китобхон;
- 3) чет тилини билган, лекин унутиб юборган китобхон;
- 4) чет тилини жуда яхши биладиган китобхон.

Рецепторларнинг мазкур таснифи таржима назариясида бошқа кўтарилмаган бўлса-да, лекин таржима жараёнининг натижаси ким учун таржима қилинаётгани билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя замонавий таржима фаолиятининг концептуал аппаратига мустаҳкам ўрнашган. Замонавий таржимашуносликнинг шаклланишига ҳисса қўшган инглиз таржимашуноси Ж. Кетфорднинг «Таржимашуносликнинг тил назарияси» илмий тадқиқоти муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда асос солинган таржима мактаблари ҳам таҳсинга сазовор. Хусусан, профессор Ғайбулла Саломовнинг дастлабки тадқиқотлари у ҳали Самарқанд давлат университетида таҳсил олаётган йиллари бошланган эди. Унинг «Мақол, матал ва идиомалар таржимаси», «Бадиий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари», «Рус тилидан ўзбек тилига мақол-маталлар таржимаси» рисоалари чоп этилди, кўп ўтмай «Тил ва таржима» (1964) номли монографияси «Фан» нашриётида босилиб чиқди. Шу йиллари у луғатчилик ва қомусчилик масалаларига доир илмий ишлар ёзди. «Таржимон маҳорати», «Дўстлик кўприклари» (ҳаммуаллифликда), «Бадиий таржима ва адабий таҳрир проблемалари», «Таржима ташвишлари», «Адабий анъана ва бадиий таржима проблемалари», «Таржима назариясига кириш», «Таржима назарияси асослари» номли монография ва дарсликлари чоп этилди. Унинг бевосита раҳбарлигида «Таржима санъати» тўпламининг олти китоби чоп этилди. Бу ишларда бадиий таржима назарияси, қиёсий адабиётшунослик ва таржима, тил, адабиёт ва таржима, таржимон маҳорати ва таржима санъати, миллий колорит ва таржима аниқлиги, давр руҳи, услуб ва таржима борасида изчил назарий фикрлар баён этилган, бир неча тилда яратилган адабиётлар, таржималарни қиёслаб ўрганиш асосида долзарб илмий муаммолар ечилган.

Профессор Ғайбулла Саломов биринчилардан бўлиб бу икки йўналишни бириктирди, яъни таржима ҳам лисоний, ҳам бадиий ҳодиса эканини илмий жиҳатдан исботлади. «Таржима тарихи», «Таржимашуносликка кириш», «Умумий таржима назарияси асослари» деган курсларни ишлаб чиқиб, дастурлар тузди ва иккита дарслик ёзиб, нашр эттирди. Бу дарсликлардан ҳозир ҳам республика олий ўқув юртларида фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги даврда ХХI асрнинг замонавий таржимашунослигига жуда кўплаб ўзбек таржимонлари ва лингвистлари ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Булардан Хуршид Даврон, Муҳаммад Али, Иброҳим Ғафуров, Қудратхон Мусаев, Абдузукҳур Абдуазизов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ғафуров, Бегойим Холбековаларни айтиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда таржимага тобора ортиб бораётган кундалик эҳтиёж, ўз навбатида, малакали таржимонларга бўлган эҳтиёжнинг ўсишига олиб келмоқда. Олий ўқув юртлири ўқув базасини кучайтириш учун ранг-баранг дарслик ва ўқув қўлланмалар, луғатлар нашр этишга катта эътибор қаратилмоқда. Тузувчилар Шавкат Бўтаев ва Аббос Ирискуловнинг 70 минг сўз ва иборани жамлаган инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғати, А. Исмоилов, О. Мўминов, Н. Қамбаров сингари захматкаш олимларнинг дарсликлари талабаларнинг хорижий тилларни ва таржимонлик фаолитини ўрганишларида асосий қўлланмалардан бири сифатида хизмат қилмоқда. Абдузўхур Абдуазизов сингари жонкуяр олимларнинг яратган тилшунослик ва фонетикага доир дарсликлари янги давр талабаларига тил ўрганишларида ғоят қўл келмоқда.

Қудратилло Мусаевнинг «Таржима назарияси асослари» дарслиги ва, айниқса, унинг 240 босма табоқдан иборат уч жилдли инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий терминлар луғати – луғат ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш йўлидаги таҳсинга сазовор йирик ишлардан биридир.

Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида ўтказилаётган илмий конференциялар таржима назарияси ва унинг қиёсий, когнитив лингвистика билан узвий боғиқ муаммоларини ечиш устида олиб борилаётган тадқиқотлар илмий соҳанинг муҳим йўналишларини қамраб олаётганлигини яққол кўрсатди.

Таниқли таржимашунос олим Носир Қамбаров уларнинг айримлари ҳақида фикр билдириб, таржима таҳрири асослари ишлаб чиқилмаганлиги ва бунга мутлақо эътибор берилмаётгани, таржима таҳрири бўйича биронта ҳам қўлланма ёзилмаганлигига диққатни қаратади. Ҳақиқатан, ҳозирги кунда чиқаётган таржима асарларни ўқиганда ўта ғализ, пала-партиш таржима қилинган тушунарсиз жумлаларга дуч келиш мумкин. Бу таржимонларнинг лингвистика, стилистика, синтаксис услуб-қоидаларини пухта ўрганмасдан таржимага киришиб кетаётгани натижасидир.

Юқоридаги таржима назарияси соҳасида ютуқларни таҳлил қилар эканмиз, эътиборимизни Россияда яратилган таржима

мактаблари ва уларнинг ютуқлари, таржима назарияси соҳасига қўшиб келаётган ҳиссалари беихтиёр жалб этади. Сўнги йилларда яратилган адабиётларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги таржимашунос олимларнинг ишларини таҳсинга сазовор, десак муболаға бўлмайди.

В. В. Алимовнинг «Таржима назарияси. Профессинал мулоқот соҳасидаги таржима» ўқув қўлланмасида таржима назарияси, таржимоннинг назарий тайёрланиши учун муҳим бўлган лингвистик ҳолатлар; таржима тиллараро ва миллатлараро мулоқот воситаси сифатидаги аҳамияти; таржиманинг икки хиллиги, кўп хиллиги ва асоси; таржима тушунчаси; таржиманинг аниқлиги; интерференция ҳодисаси, тўғри ва эркин таржима; таржиманинг мундарижа бўйича муҳим турлари; таржиманинг қонуний тўғри келиши; таржимада грамматик қийинчиликлар, хорижий адабиётнинг аннотацияси ва уни рефератлаш, таржима нашрнинг асослари каби мавзулар жуда яхши ёритилиб, кўплаб саволларга жавоб берилган.

Линн Виссон «Рус тилидан инглиз тилига синхрон таржима» асарининг аудио қўлланмаси синхрон таржимага ўргатиш йўлида қўйилган биринчи қадам деб ҳисобланади. Инглиз тили грамматикасидан яхши билимига эга бўлган бошловчи таржимонга мўлжалланган ушбу йиғма ўз қамровига ёзма ва оғзаки таржима бирлигини олади. Уни 3 қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси 25 та рус тилидаги ёзма матнлардан иборат. Ўз жанри бўйича нотикларнинг БМТ кенгашларида ва бошқаларда сўзланган нутқлари, интервью саволларига жавоблар ва бошқа турли мавзулардаги материаллар сиёсат, иқтисод, экология, тиббиёт ва санъат соҳалари бўйича материаллар ҳисобланади.

Т. А. Казакованинг «Таржиманинг амалий асослари» ўқув қўлланмаси инглиз тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, таржима назарияси ва амалиётини ўргатувчи фанлар дарсликларига киради. Қўлланма инглиз тилидан рус тилига ва рус тилидан инглиз тилига таржима қилишга оид билимларни эгаллаш ва малакани оширишга йўналтирилган. Қўлланма яратилишининг асосий тамойили икки томонлама таржима мобайнидаги тил бирликларини ўзгартиришнинг усулларини ишлата билиш ҳисобланади. Қўлланма хорижий филология

факультетларида таҳсил олаётган бўлғуси таржимонлар, инглиз тили ўқитувчилари ва бошловчи таржимонларга мўлжалланган.

Л. К. Латишевнинг «Таржима технологияси» китоби ўқитувчилар, немис тилидан таржимонлар, филология факультетлари талабалари учун қўлланма сифатида тавсия этилади. Китобда рус ва немис тилларидаги мисоллар билан бирга, ҳар бир назарий билим аниқ мисоллар билан берилган. Ушбу қўлланмадан нафақат филология йўналишида, балки бошқа йўналишдаги олий таълим муассасаларининг таржимонлик соҳасини ўрганаётган ҳамда билимларини мустақил ривожлантириш мумкин бўлган талабалар ҳам фойдаланиши мумкин.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Таржима – бирор тилдан иккинчи бошқа бир тилга ағдарилган матн», – дея таърифланади. Ушбу таъриф «таржима» сўзи муайян фаолият натижаси эканлиги ҳамда бу сўз моҳияти замирида фақат натижа ётмаслигидан далолат беради. Чунки ҳар қандай натижа мантиқан маълум бир жараёнга хос маҳсулот ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, «таржима» сўзининг замирида яширинган иккинчи маъно «ўгириш жараёни» экани маълум бўлади. Бу таржима билан алоқадор фанларнинг умумий мақсади бир тилда яратилган матнни иккинчи тилга ўгириш жараёнини ўрганиш билан боғлиқлиги ва бу борада тўпланган билим ва кўникмалар сифатини таржима натижалари воситасида текшириб кўриш мумкинлигидан далолат беради.

Албатта, ушбу жараённинг физиологик ва психологик томонлари ҳам мавжуд. Аммо ушбу дарсликда таржиманинг лингвистик томонларини ёритиш мақсад қилиб қўйилди. Бошқача айтганда, асосий эътибор таржима жараёнини соф лингвистик маънода тушунишга, яъни бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ўгириш, трансформация қилиш масалаларига қаратилади. Шунга мувофиқ тарзда таржима назариясининг предметини аниқлашда бир тилдаги матнни бошқа тилга ўгириш жараёни тушунилади. Унинг ўрганиш объектини эса ёзма ва оғзаки нутқ ташкил қилади. Ушбу фаннинг вазифаси таржима жараёнига хос лисоний, адабий ҳамда социолингвистик қонуниятларни ўрганишдан иборат.

Ғ. Саломовнинг фикрига кўра, таржима атамаси форсча «тарзабон» сўзининг ўзгарган шаклидир. Тарзабон форс тилида «чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши» деган маъноларни англатади. Асли арабча бўлган ушбу сўз «таржумон» шаклида бўлиб, ундан «таржимон», «таржима» сўзлари ҳосил бўлган.

Таржима – бу тиллараро алоқа воситаси. Таржимон асл манба билан бир хил коммуникатив қийматга эга бўлган, таржима қилинган матн ёрдамида турли тилларда сўзлашувчи кишилар ўртасида ахборот алмашилиши имкониятини яратиб беради.

Таржима матн ва аслият матн ўртасидаги шаклий-мазмуний фарқлар сабабли, улар доимо ҳам муқобил матнлар бўлавермайди. Бироқ таржима матн (ТМ) истеъмолчилари уни аслият матн (АМ) билан вазифавий, таркибий ва мазмуний жиҳатдан бир хил ҳисоблайдилар. Функционал ўхшашликда ТМ АМ муаллифи асаридек қабул қилинади. Таржима худди аслият матндек нашр қилинади, танқид қилинади. Масалан, британиялик газетхон инглиз тилидаги газетада кўштирноқ ичидаги «Франция Президенти кеча қуйидагича баёнот берди» гапани кўради ва сўнгра баёнотни ўқийди. Франция Президенти баёнотини ўқиганига ишончи комил, аммо Франция Президенти француз тилида гапирган. Газетада келтирилган маълумот аслият матндан бироз бошқачароқ бўлса-да, инглиз уни тушунди. Демак, бу матн француз давлат арбобининг инглиз таржимони томонидан ўгирилган баёноти мақомига эга.

Ч. Диккенс асарини ўзбек тилида ўқиган китобхон, таржима аслият матнга қанчалик яқинлигидан қатъи назар, ушбу муаллифнинг асарини мутолаа қилаётганларига ишонади ва гўё бевосита муаллиф асари билан танишиб чиққандек, унинг афзалликлари борасида «Менга Диккенснинг асари ёқди», «Диккенснинг услуби сохта», «Диккенс асарларининг луғати жуда бой» деган хулосаларга келади.

Таржиманинг функционал мақоми аслиятнинг структурал ҳамда семантик бир хиллиги билан мустақамланади. Таржимон муаллифлик ҳуқуқини бузиши мумкин бўлган изоҳ ва иловаларни иложи борича ўз матнида қўлламасликка ҳаракат қилиши лозим.

Таржиманинг таркибий тузилишида асл манба матннинг куйидаги хусусиятларига эътибор қаратилиши лозим: а) баён қилиш кетма-кетлиги; б) матндаги алоҳида бўлақлар тартиби ўзгармаслиги. Булардан кўзланган мақсад таржимадаги ҳар бир бўлакнинг аслиятдаги тегишли қисми билан иложи борича ўхшашлигини таъминлаш ва ҳар қандай бир хилликнинг бузилиши аслиятда акс этган маънони аниқроқ кўчиришга бўлган эҳтиёж натижасидир. Таржимон томонидан баён қилиш ёки изоҳлаш тартибини ўзгартиришга фақат тўғридан-тўғри, бево-сита таржима имкони бўлмаганда йўл қўйилади.

Таркибий ўхшашлик таржима матннинг тегишли қисмида аслиятнинг қайси элементлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, қайси элемент қўшилганлиги ёки тушириб қолдирилганлиги ҳамда уларнинг мувофиқлигини аниқлаш имконини беради. Бошқача айтганда, таркибий ўхшашликлар аслият матнининг энг кичик бўлақларини ҳам таржимада тушириб қолдирилишига йўл қўймайди.

Асл манба матн таржимасидаги энг муҳим нарса – бу мазмуний ўхшашликдир. Унда таржима матн аслият матн билан бир хил мазмун касб этади деб ҳисобланади. Манба матн орқали узатилган маълумот билан таржима матн сифатида қабул қилинган маълумот ўртасида фарқ мавжудлиги тўлиқ маълумот алмашиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлади. Манба ва таржима матн ўртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Таржимон, одатда, асл манба матнга яқин бирликлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки таржима амалиёти аслият матнни бошқа тилга кўчиришда содир бўладиган ҳаракатлар мажмуидир. Бунга ўз касбининг устаси бўлган, малакали ёки шу ишга туғма иқтидори бўлган таржимонларгина эришади. Шоҳ таржима асарлар улкан сўз санъаткорлари саъй-ҳаракатлари ҳосиласи ўлароқ юзага келади.

Таҳлилга тортилган воқеа-ҳодиса каби таржима ҳам бирор ҳодиса табиати, таркибий қисмлари ва уларнинг ички алоқаларини тушунишга қаратилган илмий машғулот объекти бўла олади.

Таржима жараёнини ва шу жараён ҳосиласи бўлган асарларни назарий жиҳатдан ўрганиб бориш таржима назариясининг вазифасидир. Назарий изланиш – бу таржима нималигини аниқлаш, таржимон ички сезгилари асосини ташкил этувчи объектив омилларни топиш, манба ва унинг таржима матни коммуникатив қийматидаги ўхшашликларни намоён қилувчи йўл ва услубларни тасвирлашдир. Таржима назарияси таржимонни таҳлил ва умумлаштириш учун зарур бўлган қоида, усул ҳамда воситалар билан таъминлайди, манба матнда нимани излаш кераклигини ўргатади, таржима қилинган матн қандай бўлиши ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради. Энг муҳими, у таржимоннинг хунари, санъатига айланади.

Таржима – лисоний, психологик, маданий, адабий омилларни қамраб олган мураккаб ҳодиса. Таржиманинг турли кўринишлари тегишли фан усуллари ёрдамида ўрганилади. Ҳозирги кунгача тилшунослик тизимида таржима назариясига оид кўплаб ишлар қилинди. Лисоний таржима назарияси турли тилларда сўзлашувчи кишилар орасида мулоқот ўрнатувчи нутқ шакли бўлган таржима тури билан шуғулланади. Ушбу назариянинг асосларини макролингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, матн тилшунослиги фанлари ўрганади. Мулоқот имконини берувчи тил эса инсоният фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Умуман олганда, таржима матн манба матн билан бир хил қийматга эга бўлиб, унинг ўрнини босиши мумкин, чунки ҳар икки матн бир хил қонун-қоидаларга бўйсунувчи инсон нутқи воситалари орқали юзага келади. Умумий таржима назарияси таржиманинг умумий масалалари билан шуғулланади ва шу соҳага доир фанлар асосини ташкил қилади. Умумий таржима назариясининг муҳим қисми манба ва унинг таржима матни орасидаги семантик муносабатларни ўрганувчи муқобиллик назариясидир. Айни вақтда, шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай таржимада тушириб қолдиришлар, қўшимчалар ёки узатилаётган маълумот ўзгариши муқаррарлиги сабаб, бундай бир хиллик йўқлигини исботлаш қийин эмас. Масалан, инглизча *My brother has done the homework* гапининг ўзбек тилидаги таржимаси *Акам уй вазифасини бажариб бўлди* гапи инглизча

гапнинг муқобили ҳисобланади. Аммо вазифавий, таркибий ва мазмуний жиҳатдан бу гапларни бир хил деб бўлмайди. Чунки ўзбекча таржимада артикль тушириб қолдирилган, яъни аниқ *уй вазифаси* ҳақидаги маълумотни олмаяпмиз. Шунингдек, ўзбек тилидаги таржимада аслият матнда бўлмаган қўшимча маълумот келтирилган. Ундан иш бажарувчининг сўзловчига нисбатан *катта ёш* далигини билишимиз мумкин. Аслият матнда у сўзловчидан ёш бўлиши ҳам мумкин. Таржима матнда аслият матнда мавжуд *келишик* категорияси келтирилмаган. Шунингдек, таржима матнда акс этган *эғалик қўшимчаси* аслиятда йўқ. Таржима жараёнида тушириб қолдириш ёки қўшимча қилиш ахборот учун аҳамиятсиз бўлса-да, таржима муқобили матнларнинг тўлиқ мазмуний ўхшашлигини назарда тутмайди. Мувофиқлик назарияси бир хилликни таъминловчи омилларни ўрганади ва таржимада матнлар қанчалик ўхшашлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Умумий таржима назарияси ҳар бир таржима ҳодисаси учун мос бўлган асосий тамойилларни тасвирлайди.

Таржимон таржима матнда манба матнда мавжуд турли лисоний унсурларни: услубий бетараф ва ҳис-ҳаяжон сўзлар, архаик сўзлар, истиора, ўхшатиш, шева, жаргон, баландпарвоз иборалар, жаргон ва арголар, мақол, иқтибос, нуқсонли нутқ шакли билан ифодаланган шакл ва сўзлар маъносини сақлаши ҳамда таржима қилинаётган тилдаги муқобилига мослаб бериши керак. Манба матн фалсафа фанидан тортиб замонавий соҳасларга оид бўлиши мумкин. Таржимон бу ўринда ихтисослашган баён тасвирларига ечим топиши ҳамда тегишли атамалари ҳали таржима қилинмаган янги ихтиролар ҳақида тегишли иловалар бериши керак. Унинг вазифаси – дипломатик музокараларни, сиёсий баёнотларни, илмий диссертацияларни, ёрқин ҳажвий асарларни, ижодий дастурларни адекват таржима қилишдир.

Саҳна асарларини таржима қилаётган таржимон драматик асарнинг театр саҳнасидаги ижросини тасавурида гавдалантира олиши, фильмга овоз бераётганда унинг таржимаси фильм қаҳрамонининг лаб ҳаракатларига мос бўлиши керак. Синхрон шарҳда таржимон тез гапирувчи нотик нутқини бир

хил суръатда таржима қилиши, эшитилаётган жумладаги шева ва нуқсонли талаффузларни тушуниши ёки сўзловчи тил талабига жавоб бермайдиган ҳолда гапирса-да, унинг нима демоқчилигини фаҳмлаши керак.

Кетма-кет шарҳлашда таржимон узундан-узоқ нутқ тинглайди, унинг муҳим жойларини ёзиб олади, сўнгра тўлиқ ёки қисқа шаклда, яъни барча тафсилотлар ёки асосий мазмунни таржима қилиб беради. Кўп ҳолларда истеъмолчилар ҳатто асл маънонинг асосий қисми таржимаси билан қониқадилар, бошқа ҳолларда таржимонлар фаолиятида арзимас тушириб қолдириш ёки кичик хатолар кузатилиши мумкин.

Ҳар бир таржима турининг таржима жараёнига таъсир этиб турувчи омиллар мажмуи мавжуд. Умумий таржима назарияси таржимонлик фаолиятининг кўплаб турларини ўрганувчи, ҳар бир турнинг ўзига хос устувор томонларини тасвирловчи бир нечта махсус таржима назариялари билан тўлдирилади.

Таржима назариясининг бошқа бир муҳим соҳаси таржима жараёнида бир-бирини тўлдирувчи манба матн ва таржима матн бирликларини ўрганиш билан шуғулланади. Мувофиқ матнларнинг яратилиши икки матндаги ўзаро алоқа бўлган тил мувофиқлигини келтириб чиқаради. Ҳар қандай таржимада бир-бирининг ўрнини босувчи айнан бир хил ёки ўхшаш жуфт бирликлар мавжуд. Тил унсурининг коммуникатив қиймати унинг семантикаси (маъно моҳияти) ва нутқда қўлланилиш усулига боғлиқ. Шунинг учун таржима мувофиқлиги (тенг маънолилиқ) тегишли тил тизимида бирликларнинг ўзаро ўхшамаган жойларни эгаллаши билан яратилади. Таржима қилинган матнни манба матн билан солиштирмасак, уларнинг тенг қийматли бирликларини аниқлай олмаймиз. Бундан ташқари, икки тилли таржима назарияси манба тил ва таржима тил деб ҳисобланган тиллар билан биргаликда алоҳида икки-та тенг қийматли сўзлар мажмуини ўрганади. Шундай бўлса ҳам, икки тилли барча таржима назариялари эквивалентларни таснифлайди ва уларнинг таржима жараёнида тутган ўрнини тадқиқ қилади. Таржима назарияси учун таржимон ўз фаолиятида қандай усул ишлатганлигини, қандай қилиб манба матн ва таржима матнда бир хил коммуникатив қийматга эришишини

аниқлаш жуда мушкул. Тўғри, бу жараёнларни бевосита назорат қилиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, улар турли усуллар билан ўрганилиши керак. Таржима назариясининг бу йўналишида манба матн ҳамда таржима матн орасидаги мувофиқликни таъминлашда таржимон фойдаланадиган методларни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Таржима жараёнини ўрганиш таржиманинг умумий стратегияси ҳамда унинг ўзига хос муаммоларига ечим топишда ишлатиладиган муайян услубларни аниқлашга хизмат қилади.

Таржима жараёнининг амалий жиҳатларини ўрганувчи тадқиқотларга алоҳида тўхталиш жоиз. Турли тилларда мулоқотга киришадиган сўзловчилар ҳар хил маданиятга мансуб бўлиб, турли билим, ижтимоий ва тарихий ўтмишга эга бўлишади. Бу эса таржимоннинг асосий мақсадига сезиларли таъсир кўрсатади. Чунки манба матндаги айрим сўз ва тушунчалар таржима матн ўқувчиларига қисман ёки умуман тушунарсиз бўлиши мумкин. Шунинг учун таржимон таржима жараёнида аслиятдаги тушунчаларни аниқ таҳлил қилиб бериши лозим. Бу эса таржима тили соҳибларига манба матндаги ахборотни таржима қилиб етказиш заруратини келтириб чиқаради. Агар таржима қилинган матн муайян ижтимоий гуруҳ ёки касб эгалари томонидан қабул қилинаётган бўлса, таржимоннинг амалий кўникмалари аҳамияти кескин тус олади. Бундай ҳолларда таржиманинг амалий қиймати таржимон фаолияти сифатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Таржима назариясининг барча бўлимлари таржимон фаолиятини муҳим тамойиллар асосида тадқиқ этади ҳамда таржима амалиёти тажрибалари асосида назарий фаразларни илгарига суради.

Юқорида биз таржима жараёнини бирор тилдаги матнни иккинчи бир тилдаги матнга трансформация қилиш, ўзгартириш деб таърифлагандик. Таржима жараёнида, албатта, иккита матн (А. И. Смирницкий фикрига кўра, «нутқий маҳсулотлар») юзага келади. Булардан биттаси бошланғич, дастлабки матн ҳисобланади. Иккинчи матн эса биринчи матн асосида маълум услубий-лисоний амалиётларни бажариш йўли билан вужудга келади. Биринчи матн аслият матн ёки манба матн (ММ) деб

аталса, иккинчи матн таржима матн (ТМ) ёки таржима деб аталади («таржима» сўзининг биринчи маъносида). Аслият матн қайси тилда баён қилинган бўлса, ўша тилни аслият тили (АТ) деб атаймиз. Таржима матн қайси тилда яратилган бўлса, ўша тилни таржима тили (ТТ) деб номлаймиз. Таржима моҳиятини аниқлашда қуйидаги саволга жавоб бериш ўта муҳим ҳисобланади: нимага асосланиб биз таржима матнни аслият матнга муқобил деб топамиз? Масалан, нима учун *Акам уй вазифасини бажариб бўлди* гапи инглизча *My brother has done the homework* гапининг таржимаси деб айта оламиз-у, *Мен бугун Самарқандга бораман* гапи юқорида келтирилган инглизча гапнинг таржимаси деб айта олмаймиз?

Маълумки, таржима жараёнида бир тилдаги матнни иккинчи тилда исталган матн билан алмаштириб бўлмайди. Таржима жараёни ихтиёрий равишда эмас, балки маълум қоидалар асосида содир бўлади. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, таржима ҳақида гапиришга ўрин қолмайди.

Аслият тилидаги матнни таржима тилидаги матнга алмаштиришда маълум бир инвариант сақланиб қолиши шарт. Ушбу инвариантнинг сақланиб қолиш даражаси таржима матннинг аслият матнга нисбатан муқобиллик ёки адекватлик даражасини аниқлаб беради. Таржима жараёнида нима инвариант бўлиб сақланиб қолади? Бу муаммони ечишда ҳар бир белгининг икки томони: шакл ва мазмун (маъно) мавжудлигини инобатга олиш керак. Тил ўзига хос белгилар тизими бўлганлиги сабабли, унинг бирликлари ҳам шакл ва маъно хусусиятларига эга бўлади. Бу борада таржима учун турли тилларнинг шакл жиҳатидан фарқли, мазмунан бир хил (ёки ўхшаш) бўлган тил бирликларига эгаллиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, юқорида келтирилган гапларда инглизча «brother» сўзи ўзбекча «ака» сўзидан шакл жиҳатидан фарқ қилади-ю, аммо маъно жиҳатидан унга ўхшаш. Бу ҳолатда биз турли тилларга оид бирликларнинг маъно жиҳатдан, одатда, қисман ўхшаш бўлишини инобатга олмаяпмиз. Масалан, инглизча *brother* сўзи *ака* маъносидан ташқари, *ука* маъносига ҳам эга. Бундай ҳодиса, яъни турли тилларга мансуб бирликлар маъноларининг қисман

ўхшашлиги таржима жараёнини қийинлаштиради ҳам, аммо унинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Шу асосда қуйидагини таъкидлаб ўтишимиз мумкин: инглизча *brother* сўзини ўзбекча *ака* сўзи билан алмаштирганимизда шакл жиҳатидан фарқ қиладиган бу сўзлар маъно жиҳатидан ўхшаш ёки муқобилдир. Аслида эса, энг кичик матн сифатида гап хизмат қилганлиги сабабли, таржима жараёни битта ёки бир неча гап доирасида содир бўлади. Турли тилларга мансуб бирликлар маъноларининг бир-бирига тўғри келмаслиги, кўпинча, гап сатҳида бартараф этилади.

Юқоридаги мисолдан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, таржимада биз фақат инглизча *brother* сўзини ўзбекча *ака* сўзига ёки инглизча *has done* бирикмасини ўзбекча *бажариб бўлди* бирикмасига алмаштириб қўймасдан, балки инглизча *My brother has done the homework* гапини ўзбекча *Акам уй вазифасини бажариб бўлди* гапига алмаштирамиз. Бу ўринда *бажариб бўлди* бирикмасини *қилиб тугатди* бирикмасига алмаштириш ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ўзбекча гап асл инглизча гапдан шакл жиҳатидан фарқ қилиб, маъно жиҳатидан унга тўла ўхшаш бўлади.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, таржимага қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Таржима деб, бир тилдаги нутқий фаолият маҳсулини иккинчи тилга ўгириш, ўзгартириш жараёнига айтилади.

Таржима жараёни, юқорида бир неча марта қайд этилганидек, бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ўгиришдир. Демак, ана шу жараёни тилшунослик нуқтаи назаридан таржима жараёни деб аташ мумкин. Шунингдек, таржимани трансформацияларнинг ўзига хос бир тури деб аташ ҳам мумкин. Бошқача айтганда, таржима назарияси тиллараро трансформацияларга, яъни таржима жараёнига бўлган илмий қарашларнинг ўрганилиши, ёритилиши саналса, яратилган таржима намуналари унинг тадқиқот объекти сифатида хизмат қилади.

Таржимашуносликнинг 4 асосий жабҳаси (аспектлари) бор:

- 1) таржимашуносликка кириш;
- 2) таржима тарихи;
- 3) таржима назарияси;
- 4) таржима танқиди.

Бу аспектлар таржимашуносликнинг ўзига хос йўналишлари бўлиб, ҳар бири бугунги кунда алоҳида фан сифатида ўрганилади. Таржимашунослик фан сифатида, Л. С. Бархударов фикрига кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) қиёсий метод (чунки таржима икки тилни қиёслаш асосида амалга оширилади);

2) таркибий қисмларга ажратиш (componential method) ёки семаларга ажратиб таҳлил қилиш методи (componential method semes);

3) трансформация методи (икки тил турлари ва воситаларига хос хусусиятларни аниқлаб, натижаларни таҳлил қилувчи метод). Лексик, грамматик трансформациялар);

4) статистик таҳлил методи;

5) оппозицияли (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш) метод (boy-boys, came-did not come).

Ушбу методлардан ташқари таржима усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш (керакли жойларини қисқа қайд этиш) ва уларга таяниб ўгириш усули (масалан, оғзаки таржимада);

2) таржимада асл нусха материални маъноли бўлакларга ажратиб ўгириш усули (барча таржима турларида);

3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усуллари:

а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш усули;

б) ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

г) антонимик воситалар орқали ўгириш усули;

д) синонимик воситалар орқали ўгириш усули;

е) транскрипция орқали ўгириш усули;

ё) транслитерация орқали ўгириш усули;

ж) калька орқали ўгириш усули;

з) компенсация усули;

и) умумлаштириш усули;

й) конкретлаштириш усули;

к) ихчамлаштириш усули;

Ушбу усуллар дарсликнинг «Таржимада лексик ва грамматик трансформациялар» бўлимида батафсил шарҳланади.

Хулоса

Таржима – тиллар орасидаги воситачиликка йўналтирилган ўзига хос адабий фаолият, яъни тилларнинг ранг-баранглик хусусияти асосида пайдо бўладиган маданиятлараро мулоқот тўсиқни енгиб ўтиш жараёнидир. Таржима фаолияти шу қадар серқирраки, усиз ҳаётимизнинг бирон жабҳасини ҳам тасаввур қила олмаймиз. Таржимонлик фаолияти ўзининг бой тарихига эга бўлиб, фақат XX асрга келиб фан сифатида олимлар томонидан тан олинди ва тадқиқ қилина бошланди.

Ҳозирги пайтда таржима назарияси бир неча бўлимга бўлиб ўрганилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган методлардан ўрни билан фойдаланилади.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржима сўзининг маъноси нимани англатади?*
2. *Таржима назарияси нимани ўрганади?*
3. *Таржима назариясининг объектини нима ташкил этади?*
4. *Таржима назариясининг предмети нима?*
5. *Таржимашунослик фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?*
5. *Қайси жиҳатлар таржимашуносликни мустақил фан сифатида тадқиқ этишига имкон беради?*
6. *Таржимашунослик фани қандай фанлар билан ўзаро алоқада?*
8. *Таржима неча турга бўлинади?*
9. *Таржима турларининг асосий фарқларини изоҳланг.*
10. *Таржимон фаолиятининг асосини ташкил этувчи қисмлар нималардан иборат?*
11. *Таржима билан шугулланиш учун лингвистик билимнинг ўзи кифоя қиладими?*

2 - м а в з у

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING ШАКЛЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Таълим мақсади: талабаларда таржима жараёни шаклланишининг тарихий босқичлари, турлари ҳақида назарий билимларни шакллантириши.

Таянч сўз ва иборалар: таржима назарияси, таржиманинг ривожланиш босқичлари, таржима мактаблари, моҳир таржимонлар, таржима турлари, адаптация, сўзма-сўз таржима, эркин таржима, трансформацион таржима, бадиий таржима, ёзма таржима, таржиманинг грамматик масалалари, Европада таржиманинг шаклланиши, Осиёда таржиманинг шаклланиши.

Режа:

1. Ўрта Осиёда таржимашуносликнинг шаклланиши.
2. Таржиманинг шакл ва мазмунга кўра турлари.

Асосий маълумотлар

Маълумки, Маъмун академияси Дор ул-Ҳикматда Шарқ таржимонлик мактаби фаолият кўрсатган. Унда марказий осиелик олимлар билан араб, форс, ҳинд, яхудий, турк, юнон олимлари биргаликда фаолият кўрсатиб, шу жумладан, таржимонлик ишларига ҳам раҳбарлик қилганлар. Мазкур таржимонлик мактаби саъй-ҳаракатлари туфайли антик маданият намуналари араб тилига ўгирилиб, бутун Шарқда кенг ёйилган. Хусусан, Аристотель ва Афлотун асарлари Ибн Сино, Фарғоний таржималари орқали бизгача етиб келган. Бундан минг йиллар илгари Ибн Рушд, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Абу Райҳон Беруний ва шу каби улуғ олимларимиз дунёга машҳур асарла-

рини яратиш билан бирга, таржима ишлари билан ҳам шуғулланишган. Беқиёс полиглот бўлган ватандошимиз Беруний бир қанча китобларни хинд тилидан араб тилига таржима қилган. Унинг мақсади ўз халқини илмга, маданиятга, маърифатга чорлаш, бошқа халқлар дурдона асарлари билан таништириш эди. Беруний асл нусхани бузиб таржима қилганларни танқид қилди ва уни ўзининг «Ҳиндистон» номли китобида бир неча бор уқтириб ўтади.

XIX–XX асрларда яшаб ижод қилган ватандошларимиз Мунис, Ҳайдар Хоразмий, Огаҳий, Ойбек, М. Шайхзода, Ғ. Ғуллом, Миртемир ва бошқалар ижодкор бўлишлари баробарида моҳир таржимонлар ҳам бўлган.

Таржиманинг тарихий ривожланишини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борган олимлар талайгина. Европа ва Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда фаолият олиб борган таржима мактаблари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари орасида Россияда яратилган ишлардан Е. О. Семенец ва А. Н. Панаевнинг «История перевода [Средневековая Азия, Восточная Европа (XV–XVIII века)]» (1991), Н. К. Гарбовскийнинг «Теория перевода» (2004), И. С. Алексееванинг «Введение в переводоведение» (2004), С. Б. Велединскаянинг «Курс общей теории перевода» (2010), Ўзбекистонда яратилган илмий-тадқиқот ишлардан О. Мўминовнинг «History of translation» (2005), Европа олимлари томонидан яратилган Savory T. «The Art of Translation» (1968), Nida A. «Towards a science of translating» (1964), Johnston D. «Stages of Translation» (1996), Newmark P. «About translation» (1991) каби таржима тарихига бағишланган китоблар таржимонлик фаолияти ривожланишининг босқичларини, ушбу фаолиятнинг инсоният ривожланишида тутган ўрнини яққол кўрсатиб беради.

Таржима амалиёти пайдо бўлибдики, таржимонлар олдига аслиятни она тилига қандай ўгириш лозим: сўзма-сўзми ёки эркин тарзда деган савол кўндаланг туради. Ўрта асрлар таржимонлари диний асарлар таъсирида «барча манба матнлар сўзма-сўз таржима қилиниши лозим» деган консерватив қоидага риоя қилганлар. Бу анъана XX асрнинг бошларида ижод

қилган баъзи таржимонларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Улар сўзма-сўз таржимани ёқлаб, амалий фаолиятларида шу усулдан кўпроқ фойдаланиб келган бўлсалар, кўпчилик ижодкорлар эркин таржимани афзал кўриб, таржимон аслиятнинг ҳарфини эмас – руҳини, сўзини эмас – мазмунини, шаклини эмас – ахборотни бера олиши керак деган нуқтаи назарни олға сурганлар. Аммо масалани назарий ҳал қилиш лозимлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Таржиманинг савияси ва диди, матн тури каби қатор масалалар кун тартибига қўйилмаган. Назарий асоснинг яратилмаганлиги таржима жараёнига турлича ёндашувларни келтириб чиқарган ва қатор таржима турларининг вужудга келишига сабаб бўлганки, уларнинг айримлари ижодий-илмий, бошқалари эса камчиликларга эга деб тан олинган. Таржиманинг назарий аспектда ўрганилиши уни турларга бўлиб таҳлил қилишни тақозо этади. Таржима турларини умумлашган ҳолда шакли ва мазмунига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳар қандай тил оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланади. Таржима, шаклига кўра, *ёзма таржима* ва *оғзаки таржима*га бўлинади. Ёзма таржима деганда, ҳар қандай матн (ёзма ёки оғзаки материал)нинг ёзма шаклдаги таржимаси тушунилади. Оғзаки таржима эса, ҳар қандай материал (ёзма ёки оғзаки матн асар)нинг оғзаки шаклда ўгирилишидир. Манба тили ва таржима тили материалининг қай шаклда ўгирилишига кўра, таржимани бир неча турларга ажратиш мумкин. Бунда таржимага манба тили ва таржима тили материалларининг моҳияти, тури, шакли асос қилиб олинади. Манба тили ва таржима тилининг ўрнига кўра таржимани кейинги босқичда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

– *оғзаки* (МТ) – *оғзаки* (ТТ) – оғзаки эшитилган ахборотнинг оғзаки таржимаси;

– *ёзма* (МТ) – *ёзма* (ТТ) – ёзма матннинг ёзма таржимаси;

– *ёзма* (МТ) – *оғзаки* (ТТ) – ёзма матннинг оғзаки таржимаси;

– *оғзаки* (МТ) – *ёзма* (ТТ) – оғзаки эшитилган матннинг ёзма таржимаси.

Оғзаки–оғзаки таржима, ўз навбатида, икки турга бўлинади:

- 1) изчил (кетма-кет) таржима;
- 2) синхрон таржима.

Оғзаки таржиманинг бу икки тури ўзига хос хусусиятларга эга. Изчил таржимани амалга оширишда таржимон учун муайян имкониятлар мавжуд бўлса, синхрон таржимада бундай эмас: мавжуд чекловлар ушбу таржима турининг мураккаб фаолият шакли эканлигидан далолат беради.

Изчил таржима имкониятлари:

- 1) вақтнинг етарлилиги;
- 2) пауза (оралиқ вақт) берилиши;
- 3) ўйлаб, пухта таржима бериш имкониятининг мавжудлиги;
- 4) лозим бўлса, аниқлаштириш имкониятига эгаллиги.

Синхрон таржима имкониятларининг чегараланганлиги:

- 1) нотик билан бир вақтда нутқини тенг таржима қилиш;
- 2) вақтнинг зиклиги (паузалар йўқ);
- 3) пухта, атрофлича ўйлаб, таржима қилиш имкониятининг йўқлиги;
- 4) қайта сўраш, аниқлаштириш имконияти йўқлиги;
- 5) ҳам эшитиб улгуриш, ҳам таржима қилиш, ҳам вазиятни ҳушёр баҳолаш каби масъулиятлар.

Таржимашуносликда таржима турларининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар иккала тилдаги матнларнинг шакли эмас, балки уларнинг мазмуни ёки моҳиятига таяниб таснифланади. Мазмунан таржима *информатив* (ахборот хактеридаги) ва *бадий* таржима турларига бўлинади.

Таржимани мазмуний турларга ажратишда таржимашунослар турлича қарашларни олға сурганларини таъкидлаб ўтиш зарур. Хусусан, таржимашунос олим Н. Комиссаров таржиманинг семантик турларини дастлаб қуйидагича таснифлайди: 1) бадий таржима; 2) информатив таржима. Ушбу таснифнинг асоси сифатида таржима материалининг мазмуни ва моҳияти ҳисобга олинади. В. Н. Комиссаров ўзининг кейинги изланишларида таржиманинг қуйидаги турлари ҳақида сўз юритади: 1) адаптациялаштирилган (соддалаштирилган) таржима; 2) муқобил таржима; 3) антономик таржима; 4) ҳижжалаб таржима; 5) информатив таржима; 6) бадий таржима; 7) яқин-

лаштирилган таржима; 8) эркин таржима; 9) қисқартирилган таржима; 10) аниқ таржима; 11) трансформацион таржима; 12) хомаки таржима; 13) эквивалент таржима; 14) дастлабки ишланма шаклидаги таржима.

Г. М. Ҳошимов эса таржималарни фақат икки гуруҳга ажратади: 1) бадий таржима; 2) нобадий таржима.

Р. К. Миньяр-Белоручев таснифига кўра, куйидаги таржима турлари мавжуд: 1) ёзма таржима; 2) синхрон таржима; 3) изчил таржима; 4) қоғоздан таржима.

Бу таснифда изчил таржима, Миньяр-Белоручев фикрича, тўрт хил бўлиши мумкин: 1) бир томонлама таржима; 2) икки томонлама таржима; 3) хатбошидан-фразага таржима; 4) қайдлар орқали таржима.

Ушбу муаллифнинг фикрича, қандай матн таржима қилинаётганлигига қараб таржимани куйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) бадий таржима; 2) ижтимоий-сиёсий таржима; 3) илмий-техникавий таржима.

Ушбу таснифни яна куйидагича давом эттириш мумкин: 1) диний матнлар таржимаси; 2) спортга доир матнлар таржимаси; 3) ҳарбий соҳага доир матнлар таржимаси; 4) иқтисодиёт ва тадбиркорлик матнлари таржимаси.

Таржимада асл нусхадан ўгирилаётган материал маъносининг қай даражада акс этганлигига қараб, Р. К. Миньяр-Белоручев куйидаги таржима турлари ҳақида ҳам фикр юритади: 1) муқобил (тўлақонли) таржима; 2) антонимик таржима; 3) ҳижжалаб қилинган таржима; 4) икки томонлама таржима (икки суҳбатдош мулоқотининг бир вақтнинг ўзида икки таржимон ёрдамида амалга ошириладиган таржимаси); 5) қайта таржима (матнни аслият тилига қайта таржима қилиш); 6) махсус таржима.

Юқорида айтиб ўтилган таржима турлари ва соҳаларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таржима жараёнида уларнинг бетакрорлиги намоён бўлади. Акс ҳолда, таржиманинг алоҳида турлари ва соҳаларини таснифлаш бесамар кетади.

Қайд этилган таржима турларидан ёзма таржима кенг омалашган бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам муҳим ва аҳамият-

ли. Чунки улар бир-бирини тўлдиради, рад этмайди. Таржима турлари бири-бирининг ўрнини боса олмайди, масалан, оғзаки таржима лозим бўлган жойда ёзма таржимадан фойдаланиб бўлмайди ёки аксинча.

Бугунги кунда таржиманинг бошқа турлари билан бир қаторда, оғзаки таржиманинг изчил ва синхрон турлари катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бунга сабаб, жаҳонда кўплаб дипломатик, савдо-сотик, маданий ва илмий-техникавий алоқаларга катта эҳтиёж борлигидир.

Оғзаки таржимада таржимон айтилаётган нутқ мазмуни тез уқиб олиши, олдиндан тайёрланиб, тез таҳлил қилиш кўникмасини ва тўхтамай таржима қилиш усуллари ишлаб чиққан бўлиши керак. Бу жараёнда таржимон таржима қилаётган матнни тузатиш ёки қайтадан таққослаш имкониятига эга эмас. Оғзаки таржиманинг характерли хусусияти шундаки, таржимон матнни, аввало, акустик шаклда, яъни эшитганларини таржима қилади. Оғзаки таржиманинг иккинчи асосий характерли хусусияти унинг нутқни эшитиб, кейин амалга оширилишидир. Айрим ҳолларда шундай вазиятлар бўлиб қоладикки, таржимон нотик гапнинг эга ва кесимини айтишини кутиб, кейин таржима қилишга киришади. Таржима жараёндаги бундай муаммо тилларнинг типологик жиҳатдан турли гуруҳларга мансублиги сабабли рўй беради.

Масалан, инглиз тилида сўз тартиби қуйидагича схемада бўлиши шарт:

Субъект–предикат–объект (SPO – Subject–predicate–object).

Ўзбек тилида эса сўз тартиби қуйидагича шаклланади:

Субъект–объект–предикат (SOP – Subject–object–predicate).

Шу боис, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда ўзбек тилида предикатнинг айтилишини кутиш лозим бўлади.

Мисол: *Минглаб кишилар нейтрон бомбасига қарши уюштирилган митингда қатнашдилар.* – *Thousands of people participated in the meeting of against N-bombs.*

Оғзаки таржиманинг бир тури бўлган синхрон таржимада таржимон сўзловчининг нутқини эшитиб, шу заҳотиёқ таржима қилиши керак. Одатда, синхрон таржима техник воситаларни қўллаш йўли билан амалга оширилади. Бунда сўзловчининг

нутқи махсус кабинада ўтирган таржимонга «эшитгичлар» орқали етказилади ва таржимоннинг микрофонга узатган таржимаси тингловчиларга етказилади. Синхрон таржима жараёнида таржимон жуда катта руҳий ва жисмоний қийинчиликларга дуч келади, чунки синхрон таржима ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Таржимон сўзловчи нутқи тезлигидан орқада қолмасдан таржима қилиши зарур. Шунинг учун синхрон таржимонлар 20–30 дақиқа ишлаб, кейин бошқа таржимонлар билан ўрин алмашади. Синхрон таржиманинг яна бир тури борки, бунда таржимон рецептор ёнида туриб ёки ўтириб, паст овозда (шивирлаб) нотиқнинг нутқини таржима қилади. Бу ҳолда рецептор таржимани бевосита ёки эшитгич орқали қабул қилади.

Кетма-кет қилинадиган изчил таржимада таржимон сўзловчи нутқининг бирор-бир қисмини нутқ тугаганидан сўнг таржима қилади. Таржиманинг бу турида таржимон сўзловчи нутқидаги асосий бўғинларни илғаб олиши, агар нутқ узунроқ бўлса, унинг энг муҳим жойларини ёзиб бориши керак. Бу эса таржимонга эшитганини эсга олишини таъминлайди. Кетма-кет қилинадиган изчил таржима таржимоннинг фикрлаш ва эсда сақлаш қобилиятига боғлиқ. Француз таржима назариясининг асосчиси Эдмон Кари «La traduction dans le monde» китобида француз дипломати Андре Франсуа Понсенинг «Миллатлар Иттифоқида» сарлавҳали икки ярим соат давом этган нутқининг кетма-кет қилинган изчил таржимаси хусусида гапиради. Кетма-кет қилинадиган изчил таржима Жан Эрбер, Роббер Конфино, ака-ука Каминкер, Жорж Матъе номлари билан бевосита боғлиқ. Антуан Веллемана Женева университети қошидаги таржимонлар мактаби асосчиларидан бири ҳисобланади. Ғарбда бу мактаб ўз мавқеига эга бўлган. Оғзаки таржиманинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ёзма матнни оғзаки таржима қилишда матн мазмунини тез уқиб олиш, таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишдир. Масалан, 1800 босма белгидан иборат матнни ўн дақиқа ичида таржима қилиш керак бўлади. Бу турдаги таржима *at sight* таржима дейилади.

Ёзма таржимада таржимон кўлида аслият матни бўлиб, таржима жараёнида унга бевосита таяниш ва таржимани қай-

та кўриб чиқиб, аслият билан солиштириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, бундай таржима жараёнида у мутахассислардан маслаҳат олиши ҳам мумкин. Бу эса таржиманинг ҳар томонлама мукамал чиқишига ёрдам беради. Оғзаки таржимада эса бундай имкониятлар бўлмайди. Ёзма таржимани оғзаки таржималардан фарқлайдиган омиллардан бири – вақтдир.

Оғзаки таржимада нутқнинг бир қатор характерли хусусиятлари кўзга ташланиб туради. Масалан, синхрон таржимада таржимон нутқи баланд овозда ва тез айтилади. Таржиманинг бу турида сўзларнинг сони таржима қилинаётган нутқ ҳажмига боғлиқ. Кетма-кет қилинадиган изчил таржимада нутқ темпи пасаяди, чунки таржимон кўлёзмага эътибор бериши ва хорижий тилда айтилган фикрни аввал тушуниб, кейин тингловчига етказиши лозим.

Оғзаки таржима назарияси таржимон олдида қуйидаги талабларни қўяди:

- 1) аниқ талаффуз қилиш;
- 2) нутқ маромини бир хил сақлаш;
- 3) жумлаларнинг мазмуний боғлиқлигига эътибор бериш.

Оғзаки таржиманинг характерли хусусияти – унга ёзма таржимадан фарқли ўлароқ, махсус таржима деб қараш керак. Оғзаки таржима назарияси билан шуғулланувчи мутахассислар таржиманинг бу кўринишида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан характерли хусусиятларни кўрсатиб ўтади.

Ёзма ва оғзаки таржима характери унда иштирок этувчи кишилар савияси билан ҳам белгиланади. Масалан, ёзма таржимада коммуникант «матн» ҳисобланади, шунинг учун таржимоннинг диққат марказида таржима қилинадиган матн туради ва таржима сифатига фақат таржима тугаганидан кейин баҳо берилади.

Оғзаки таржимада таржимон коммуникант билан бевосита алоқада бўлади. Таржимон сўзловчининг нутқи қандай бўлишидан қатъи назар, уни таржима қилиши лозим. Шунинг учун таржимон билан сўзловчининг ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш омили ҳам ётади.

Таржимашунос олим А. Ф. Фёдоров ёзма таржиманинг қуйидаги кўринишларини кўрсатиб ўтади:

1) газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнлар таржимаси;

2) оммавий-сиёсий ҳамда публицистик асарлар таржимаси;

3) бадиий асар таржимаси.

Оғзаки таржиманинг яна қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1) ёзма матнни оғзаки таржима қилиш. Бунда таржимон аслият матнни аввал ичида ёки хатбоши билан ўқиб, кейин оғзаки таржима қилади;

2) оғзаки матнни ёзма шаклда таржима қилиш. Таржиманинг бу тури амалиётда жуда кам ишлатилади. Оғзаки айтилган сўзлар стенография (яъни шартли белгилар асосида ёзиш) ёрдамида ёзиб олиниб, кейин стенографик матн таржима қилинади. Бунда оғзаки таржима ёзма таржиманинг алоҳида кўриниши ҳисобланади: Масалан:

? – ер юзи, дунё; земный шар, мир.

х – инсоният; человечество.

! – қомус; закон; конституция.

°°° – бойлик, капитал; капитал, богатство.

« – буйрук, қарор; приказ, постановление (Р. К. Минъяр-Белоручев. Пособие по устному переводу. – М.: 1969. С. 184–189).

Таъкидлаш жоизки, чет тили фанларини ўрганишда дарсларда қўлланиладиган диктант таржималар ҳам бор. Бу қуйидагича амалга оширилади: Чет тили ўқитувчиси секинлик билан ўқиган матнни ўқувчилар она тилига таржима қилишлари керак.

Матннинг жанр хусусиятларига кўра таржимаси:

1. Газета-ахборот, ҳужжат, сиёсий-ижтимоий адабиётларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади.

2. Сиёсий-ижтимоий соҳага оид материалларни таржима қилишда ишлатиладиган лексик бирликларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1-гуруҳга кирувчи материаллар мавзу мазмунига доир бўлади.

2-гуруҳни ташкил этувчи сўзлар умумистеъмолдаги сўзлар бўлиб, улар турли хил мавзуларда ишлатилади.

A delegation of American businessmen arrived in Tashkent yesterday for talks with Uzbek trade organizations. – Кеча Аме-

рика ишбилармонларидан иборат делегация Ўзбекистондаги савдо ташиқлотлари билан музокаралар олиб бориши учун Тошкентга таширф буюрди.

Сиёсий-ижтимоий хужжатларни таржима қилишда сўзнинг аҳамияти жуда катта. Бунда муқобил лексика муҳим роль ўйнайди. Улар қуйидагилар:

1) муқобил сўзлар: *Жаҳон Касаба Уюшмалари Федерацияси – Всемирная Федерация Профсоюзов – La Federation Syndicale Mondiale – Organization of Trade Union Federation. Бирлашган Миллатлар Ташиқлоту (БМТ.) – Organization des Nations Unies (O. N. U.) – United Nations Organizations (UNO.)*

Муқобилларга хос сўзлар, газета тилига оид турли фразеологик бирликлар киради.

2) иккинчи ҳолатда таржимон зиммасига жуда кўп эквивалентлар ичидан матнга монанд муқобил вариант топиш вазифаси юкланади.

3) учинчи ҳолатда таржимоннинг ўзи эквивалент топиши лозим. Бундай ҳолатда у неологизмларга, хос сўзларга (луғатларда кўп қайд этилмаган сўзларга) мурожаат этади. Масалан: *clanique* сўзининг ўзаги *clan* – «қабилла» маъносини беради. Бунда *ique* суффикси нисбий сифат ясашда қўлланилади. *Clanique* сўзини «қабиллавий, қабиллага оид, қабилла... шаклларида» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ.

Газета-ахборот, сиёсий-ижтимоий хужжатларни таржима қилишда сўзларнинг кўп маъноли эканлигига катта аҳамият берилади. Бунда, энг аввало, сўзнинг контекстдаги маъносини тўғри таржима қилиш керак. Масалан, *engager* феъли ўзининг асосий маъноси *жалб қилмоқдан* ташқари, *тортмоқ, гирифтор қилмоқ* каби маъноларда ҳам ишлатилади.

1. *Il engage son ami dans une mauvaise affaire.* – У дўстини хатарли ишга тортди.

2. *Il m'a fallu plus d'un effort pour engager mon ami dans cette entreprise.* – Дўстимни бу муассасага жалб қилиш менга жуда қийин бўлди.

Инглиз тилида ҳам *engage* сўзи бир неча маънода ишлатилади ва унинг қандай маънода ишлатилганини матн белгилайди. Масалан:

He is engaged in research work. – У тадқиқот ишлари билан банд.

She is engaged. – У унаштирилган (унинг боши боғланган).

She engaged my attention. – У менинг диққатимни ўзига жалб этди.

Тил ва таржима масаласи ҳақида гап кетганда, аввало, жаҳонда 1981 йил маълумотларига қараганда, 3 500 га яқин тил мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Хўш, шунча тиллардан таржимани қандай амалга ошириш мумкин? Бунинг устига уларнинг ҳар бири ўзининг морфологик ва синтактик қурилиши, луғавий ва услубий ранг-барангликка, фразеологик нозикликларига эга. Баъзи тиллар ҳали ўзининг ёзилган грамматикасига ёки норматив курсига ҳам эга эмас (масалан, Америка ҳиндуларининг митти экзотик тиллари). Бу муаммолар ҳам таржимада муайян қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий.

Типологлар дунё тилларининг шаклига кўра қуйидаги турларини ажратиб кўрсатишади:

SOV – (туркий тиллар).

SVO – (ҳинд-европа тиллари).

OVS – дунёнинг бошқа тиллари (Африка халқлари тиллари).

Объект (O), кесим (V)нинг чап ёки ўнг томонида жойлашувига қараб, тилларнинг ўзаро узоқ-яқинлигини аниқлаш мумкин.

Таржима бир-бирига типологик жиҳатдан яқин бўлган тиллар орасида нисбатан осон амалга оширилади. Типологик жиҳатдан бир-биридан узоқ тиллардан эса таржима қилиш бироз муаммоли кечади.

Лекин қандай бўлмасин, таржима исталган тилдан бошқа тилга амалга оширилиши мумкин. Гап айни ҳолатда таржиманинг осон ёки қийин кечиши ҳақида кетяпти, чунки сўз ва конструкцияларнинг ўзаро яқинлиги таржиманинг тўлақонли ёки нисбатан осон кечишига ёрдам беради.

Масалан, рус тилидан инглиз ёки немис тилига таржима қилиш анча осон кечади, чунки бу тиллар SVO қолипидagi тиллар бўлиб, ҳинд-европа тилларига мансубдир. Шунинг учун рус таржимони учун рус тилидан инглиз тилига ёки инг-

лиз тилидан рус тилига таржима қилиш унчалик қийин эмас. Лекин ўзбек таржимони учун бу анча муаммоларни келтириб чиқаради, сабаби ўзбек тили туркий тиллардан бири бўлганлиги, SOV қолипли эканлигидир, шунинг учун ўзбек тилидан инглиз тилига ёки, аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш нисбатан оғир кечади.

Лекин бу қийинчиликларни бартараф қилиш таржимоннинг билими, маҳорати ва савиясига боғлиқ. Тилларнинг қардош ёки қардош эмаслиги эса таржимани амалга оширишда тўсиқ бўла олмайди.

Таржима назарияси ва амалиётида бадий таржима алоҳида ўрин тутади. Ва у ҳам шаклан, ҳам мазмунан бир қатор турларга бўлинади.

И ж о д и й т а р ж и м а. Бу таржима турида аслиятнинг лисоний воситалари, контекстуал маънолари ва услубий ранг-барангликлари умумхалқ тили грамматик коидалари билан ҳамоҳангликда қайта яратилади. Лисоний воситаларнинг миллий-тарихий, ижтимоий ва образли-ҳиссий хусусиятлари аслиятга хос ва мос тарзда талқин этилади. Асар саҳифаларида муайян услубий мақсадлар учун қўлланилган фонетик-орфоэпик ҳамда лексик-грамматик чекинишлар ўз вазифаларига мувофиқ тарзда муқобил лисоний воситалар ёрдамида тикланади. Буларнинг барчаси муаллиф мақсадининг китобхонга тўлиқ етиб бориши учун имкон яратади.

С ў з м а - с ў з т а р ж и м а. Бу таржима турида аслият таркибидаги сўз бирикмалари, барқарор иборалар, грамматик қурилиш, сўз тартиби аксарият ҳолларда таржима тили қонуниятларига мослаштирилмайди. Кўплаб лисоний воситалар матний ҳолатларга, вазифавий жиҳатларга, даврий ва миллий хусусиятларга қараб эмас, балки луғавий маънолари асосида ўгирилади. Бу ҳол миллий-тарихий ва ҳиссий-услубий воситаларнинг қўшимча хусусиятлардан ҳоли услубий бетараф, нурсиз сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида талқин этилишига олиб келади. Бинобарин, сўзма-сўз таржима таржимонлар назарда тутган мақсадни – асарнинг мазмуний-ғоявий хусусиятини китобхонга тўла-тўқис етказиб бериш вазифасини ўтай олмайди. Чунки ўқувчи олдида бадий асарнинг бошқа бир шахс томо-

нидан нурсиз лисоний воситалар ёрдамида амалга оширилган баёни туради.

Турли мамлакатларда бадий таржима муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақавий кенгаш ва симпозиумларда сўзма-сўз таржима амалиёти қаттиқ қоралаб келинди, танқидий фикрлар билдирилди. Жумладан, А. Шариф ўз маърузасида сўзма-сўз таржима амалиётини иллатли усул деб ҳисоблаган бўлса, Т. Гнедич унинг ижодий иш эмас, балки «цирк томошасига ўхшаш масхарабозлик» эканлигини қайд этди. Х. Хантемированинг фикрича, «энг яхши сўзма-сўз таржима» ҳам аслият бойлиги ва ўзига хослигини тўла-тўқис талқин этишга ожизлик қилади.

1975 йили таржимон ва таржимашуносларнинг Морис Торез номидаги Москва чет тиллар институтида бўлиб ўтган «Таржима назарияси ва таржимонлар тайёрлашнинг илмий асослари» номли конференциясида М. Л. Гаспаров «Сўзма-сўз таржима ва тўлақонлилик даражаси» деб аталган маърузасида амалий фаолиятнинг айна турини пуч ва самарасиз деб баҳолаб, унинг бадий ёдгорлик шакл ва мазмунининг диалектик бирлиги ва бутунлигини қайта яратиб беришга ожиз эканлигини амалий далиллар мисолида илмий асослаб берди. Дарҳақиқат, сўзма-сўз амалга оширилган таржима адабий асар миллийлиги ва бадийлигини ташкил этадиган барча унсурларни жуда хира талқин этади: асар яратилган давр бўёғи, унинг муסיқийлиги ва ритми, ҳиссий-образли воситалари, персонажлар нутқи тасвири, ифоданинг жозиба кучини оширадиган янги тил бирликлари, ёзувчининг индивидуал-ижодий услуби – буларнинг ҳаммаси деярли йўққа чиқарилади. Таржимоннинг бундай услубдаги таржимасида муаллиф услубидан кўра таржимон қалами кўпроқ кўзга ташланиб туради. Демак, илгари мамлакатимизда хорижий тилларни пухта эгаллаган зиёлиларнинг етишмаганлиги туфайли сўзма-сўз таржимага ноилож мурожаат қилинган. Ҳозир эса чет тилларни мукамал эгаллаган ижодкорларнинг кўплаб етишиб чиқаётганлиги туфайли сўзма-сўз таржимага амалий фаолиятдан бемалол сиқиб чиқарилиши лозим бўлган иллатли усул сифатида қаралади.

Сўзма-сўз таржима китобхонни асар мазмуни билан умумий тарзда таништиргани ҳолда, мукамал бадий таржима яратиш учун хомаки матн сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда атайлаб тайёрланадиган сўзма-сўз таржимани илмий адабиётда «таглама» деб аташади. Бу таржима усули ёрдамида собиқ иттифоқ даврида кўпгина иттифоқдош республикалар муаллифлари ижод намуналари, шу қаторда, ўзбек қаламкашлари асарлари ҳам рус тилига ўгирилар эди.

Гоҳо тагламадан асарни таржима қилишда ҳам фойдаланилган. Жумладан, Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст» фожиасини ўзбек тилига Борис Пастернакнинг русча таржимасидан ўтирганида шу асарнинг Н. Холодковский рус тилига ағдарган русча таржимасидан таглама ўрнида фойдалангани ва бу матннинг унга сўзсиз ёрдами теккани ҳақида гапирган.

Қайд қилиш лозимки, таглама бадий нутққа хос хусусиятлардан бирортасини ҳам ўзида мужассам этолмаслиги туфайли ҳеч қачон назарий умумлаштириш материали сифатида хизмат қила олмайди.

Сўзма-сўз таржимани ҳарфма-ҳарф таржимадан фарқлаш керак, чунки улар бир хил тушунчалар эмас. Сўзма-сўз таржима (дословный перевод) ҳарфма-ҳарф (ҳижжалаб қилинган) таржимадан фарқли ўлароқ, аслиятнинг синтактик қурилишини ўзгартирмаган ва сўз тартиби тузилишига жиддий путур етказмаган ҳолда амалга оширилган таржимадир. Бундай таржима, кўпинча, аслиятнинг мазмуний-вазифавий уйғунлигини сохталаштиради, унинг услубий-прагматик хусусиятини сайқалаштиради, ўзга тилга хос унсурларни таржима тилига олиб келади ва пировард-натижада уларнинг кишилараро мулоқот воситаси сифатидаги мақомига путур еткази.

Бироқ синтактик тузилиши бир-бирига яқин тиллардан, масалан, рус ва инглиз, ўзбек ва уйғур (ёки бошқа туркий) тиллардан қилинадиган таржималарда ўрни билан сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланиш мумкин. Қиёсланг:

Poverty is not vice. (Аслият) – *Бедность не порок.* (Русча таржимаси).

First World War had far-reaching economic, political, and consequences in all the capitalist countries of the New World. (Аслият) – *Камбағаллик айб эмас.* (Ўзбекча таржимаси).

Первая мировая война имела далеко идущие экономические, политические и социальные последствия во всех капиталистических странах. (Аслият). – Биринчи жаҳон уруши барча капиталистик мамлакатларда узоқ мақсадни кўзлаган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий оқибатларга эга эди. (Ўзбекча таржимаси).

Ҳижжа (ҳарфма-ҳарф) таржима аслият тили билан таржима тили орасида кузатиладиган ташқи ўхшашлик (этимологик ҳижжалаш) ва сўз маъносини гап маъносига боғламасдан таржима қилиш (мазмуний ҳижжалаш)га асосланади. Таржиманинг бу тури, асосан, ёш таржимонларда ёки аслият матнининг маъно нозикликларидан ҳоли таржималарда учрайди. Қиёсланг:

Аслият	Асл маъноси	Таржимаси
<i>complexion</i>	<i>юз ранги</i>	<i>комплексия</i>
<i>compositor</i>	<i>терувчи</i>	<i>комполитор</i>
<i>лунатик</i>	<i>лунатик</i>	<i>савдойи</i>

Имловий ва фонетик ўхшашликлар, кўпинча, қардош тилларда учрайди ва таржимон учун қатор қийинчиликлар туғдиради. Улар илмий манбаларда «таржимоннинг сохта дўстлари» («ложные друзья переводчика») деб аталади. Бундай «сохта дўстлар» луғатлари, масалан, инглиз ва рус тиллари материали асосида тузилган (масалан: Англо-русский и русско-английский словарь, под общим руководством В. В. Акуленко. – М.: 1963. – С. 384).

Агар сўзма-сўз таржимадан, юқорида айтилганидек, тегишли ўринларда фойдаланиш мумкин бўлса, ҳижжалаб таржимадан фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Чунки бундай таржима ўқувчига, шунингдек, таржима тили софлигига ўта салбий таъсир кўрсатади.

Э р к и н т а р ж и м а. Таржима амалиётининг бу турига ХХ асрнинг ўрталаригача тез-тез мурожаат қилиб турилган. Бунда таржимон аслиятнинг шаклини тўла эътибордан соқит этгани ҳолда, мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа хикоя қи-

либ берган. Онда-сонда диалогик нутқ намуналари таржимада берилган бўлса-да, персонажлар нутқи тасвирини тиклашга эътибор қилинмаган. Бу усул қўлланилганида, бадиий-тасвирий воситаларни қайта яратишга деярли эътибор қилинмаган. Натижада муаллиф яратган сиқик, образли, ҳиссий-таъсирчан ифодалар нурсиз баён даражасига тушиб қолган. Гоҳо таржима шу даражага етганки, таржимонлар парчалар мазмунини, персонажлар хусусиятларини ўзларича ўзгартирганлар, бутун бошли тасвирларни ўзларидан қўшганлар, асардаги айрим тасвирларни таржимадан тушириб қолдирганлар. Ҳатто асар персонажлари номларини баъзан ўз ватандошлари номлари билан алмаштиришгача борганлар. Оқибатда муаллиф асари таржимада таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Бу билан китобхонлар асарни муаллиф яратган зарурий шаклда эмас, балки соддалаштирилган, қисқартирилган тарзда ўқиган ва ўзга миллат китобхони муаллиф ижоди ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлган.

Аслият тилидан бевосита таржима қила оладиган уста санъаткорлар деярли бўлмаган ҳолатда халқларига эркин ўгириш йўли билан бўлса-да, асарни етказиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган таржимонни қайсидир маънода тушуниш мумкин. Аммо юртимизда қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ тилларини мукамал билладиган зуллисонан адибларни истаганча топиш мумкин бўлган бир пайтда, Габит Мусреповнинг «Қозоқ солдати», Хидир Деряевнинг «Қисмат» романларининг ҳамда А. Бекимбетовнинг «Оғир қисматни енгувчилар» повестининг ўзбек тилига эркин таржима қилинишини қандай баҳолаш лозим?!

Мақсади аслиятнинг мазмун ва шакл бирлигини айнан сақлашдан иборат бўлган таржимон ўз ишига ҳалол муносабатда бўлганида, араб афсоналари туркуми «Минг бир кеча» таркибига кирувчи «Бир соатлик халифа» асарининг ўзбекча таржимасида берилган таржимон изохида қуйидаги сатрларни ўқимаган бўлардиқ: «Мен... таржимада русча нусхага қаттиқ риоя қилмадим, китобхонга қулай бўлсин учун қатма-қат жумлаларни сиқиштирдим, такрорларни қисқартирдим, ўқувчини шубҳага соладиган жойларини олиб ташладим». Ёки В. Смир-

нова-Ракитинанинг «Абу Али ибн Сино қиссаси»ни ўзбекчага ўғирган таржимон изоҳидаги ушбу ҳолга йўл қўйилмас эди: «Таржимада имкон борича ўзимизни эркин тутдик. Китоб яна ҳам яхши, яна ҳам ўқимишли бўлсин деб кераксиз тафсилотларни қисқартирдик, айрим ўринларнинг яна ҳам мантиқлироқ бўлишини кўзда тутиб ўзгартирдик». Таржимонлар «ортиқча ташвишлар» билан ўзларини «банд қилиб» юрмасдан, асарлар қандай яратилган бўлса, уларни ўз тилларига шундайлигича талқин қилишлари, шу йўл билан китобхонларда асл нусхалар ҳақида ҳолисона тасаввур ҳосил бўлишига эришишлари лозим эди. Зеро, таржимоннинг ижодкорлиги унинг ҳаммуаллифлигида эмас, балки аслиятнинг барча таркибий унсурларини айнан ўзидай қайта яратишида намоён бўлиши даркор.

Адекватликка эришиш борасида давом этиб келаётган узлуксиз ижодий жараён сўнгги ўн йилликлар мобайнида эркин таржима амалиёти томирига сезиларли даражада болта уриб келдики, натижада кейинги 60–70 йил ичида амалга ошириб келинган таржималар аслият руҳини имкон қадар акс эттира бошлади. Яъни таржималарда ҳозирги китобхон нуқтаи назаридан нима қайта яратилиши лозим бўлса, ҳаммасини тиклаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда, амалга оширилаётган таржималар адекватлик сари интилмоқда.

Образлаштирилган (идиомалаштирилган) таржима. Бу таржима турида муаллифнинг индивидуал ижодига хос тарздаги тасвирни юзага келтирган лисоний воситалар асоссиз образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади. Натижада муаллиф тасвиридаги меъёр бузилиб, муддаога зид ўзгача услубли матн юзага келади.

Тўғри, муаллиф ижоди ҳам ўз-ўзидан ҳиссий-таъсирчан сўз ва иборалар, образли ташбеҳлар билан тўлиб-тошган бўлиши мумкин. Бу ёзувчининг воқеликни бадиий-эстетик жиҳатдан баркамол тасвирлашга интилиши билан боғлиқ бўлиб, айни саъй-ҳаракат ҳеч қачон меъёрдан ошиб кетмайди. Образлаштирилган таржимада эса барча ҳаракатлар асар образлилигини кучайтириш учун атайлаб амалга оширилиши туфайли умумий образлилик ҳаддан зиёд тус олиб, ғайритабиий хусусият касб

этади. Натижада китобхоннинг ғашига тегадиган бундай таржима матн сохта эстетик тасаввур ҳосил қилади.

М о с л а м а т а р ж и м а. Бу таржима турида аслиятга ўта эркин муносабатда бўлинади. Кўпроқ комедия жанрига мансуб сахна асарлари ҳамда шеърят намуналари таржимасида мавзу, персонажлар таркиби, мазмуний хусусият, одатда, сақланса-да, аслиятда мужассамлашган миллий ўзига хослик, урф-одатлар, руҳий ҳолатлар таржима тили соҳибларига хос шундай жиҳатлар билан алмаштирилади. Натижада ўзига хос тасвирий воситалар силсиласидан иборат муаллиф матни таржима тили мансуб бўлган халқ либосига бурканади. Бундай таржима аслиятни имкон қадар таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мослаштирилган таржима усулига кўпроқ XX асрнинг 30–40-йилларида мурожаат қилинган. Бунда муаммо шу даражага бориб етганки, кўп ҳолларда сахна асарлари персонажлари номлари маҳаллий халқ вакиллари номлари билан алмаштирилган, сахнада намоиш қилинган тўй-томоша ва бошқа тадбирлар ўзбекона усулга яқинлаштириб талқин этилган.

Мослаштирилган таржиманинг пайдо бўлиш сабабларидан бири ижодкорнинг ўз асарини китобхон қўлида тезроқ кўриш орзуси билан боғлиқ. Иккинчи сабаб: таржимоннинг ўзга халқ ҳаётининг ўзига хос тарздаги тасвирига бағишланган бадий ёдгорликни ўз китобхонига мақбул ва манзур тарзда етказиб бериш истагидан иборат. Учинчи сабаб: муаллиф ва таржимон таржима асари ўқувчиларининг эстетик диди, савиясини ҳисобга олган.

М у а л л и ф л а ш т и р и л г а н т а р ж и м а. Бундай таржима муаллиф розилиги ва иштирокида амалга оширилади. Ўз асарининг юқори бадий-эстетик қийматга эга эмаслигини ҳис этган, бинобарин, унинг ўзга тил китобхони томонидан юқори баҳоланишига кўзи етмаган, шуҳратпараст муаллиф асари тақдирини ўзига нисбатан талантлироқ туюлган адиб-таржимон қўлига топширади. Натижада таржима асл нусхага нисбатан мукамаллик касб этади. Бунда таржимон асар мазмунини, асосан, сақлаб қолса-да, адекват таржима яратиш тамойилига зид тарзда ўз олдига қўйилган талабларни эътибордан соқит

қилиб, асарнинг айрим ўринларини олиб ташлаш, уни қисқартириш ёки унга ўзидан янги парча ёки бутун бошли боблар қўшиш, муаллифнинг ўзига хос тили ва услубини эътиборсиз қолдириб, асарни ўз услубига бўйсундириш йўли билан таржима қилади, оқибатда, янги, аслиятдан тубдан фарқ қиладиган асар вужудга келади. Аслият ва унинг таржимаси билан алоҳида-алоҳида танишган икки тил билимдони уларни бир мавзуга бағишланган икки асар экан-да деган хулосага келиши табиий.

Муаллифлаштирилган таржима – аслият муаллифи томонидан ўқиб чиқилган ва ижодий баҳоланган таржима. Бундай ҳолатда муаллиф зуллисонайн бўлиши, таржима тилини яхши билиши ва таржима матнига муайян тузатишлар кирита олиши лозим. Таржимон шундагина таржима қилинаётган асарнинг ўзига хос «ҳаммуаллифи» бўлиши мумкин. К. Сименовнинг уруш йилларида ёзилган «Жди меня и я вернусь» – «Мени кутгил ва мен қайтарман» қўшиғининг Ҳамид Олимжон томонидан қилинган таржимаси муаллифлаштирилган таржиманинг гўзал намуналаридан ҳисобланади. Бунда аслият муаллифи ҳам, таржима муаллифи ҳам муштарак поэтик-ижодий туйғулар билан таниш, замондош ва ҳамфикр бўлишлари шарт. Ўртамиёна истеъдод соҳиби ўз асарини талантлироқ адиб (шоир) – таржимон қўлига топширади.

Т а д б и л т а р ж и м а. Таржима ҳамма вақт ҳам аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини тўла-тўқис сақлаган ҳолда амалга оширилавермайди. Гоҳо таржимонлар таълим мақсадини назарда тутган ҳолда, талабалар савиясидан келиб чиқиб, одатда, мумтоз адабиёт намуналарини ҳозирги замон тилига қисқа, содда ва тушунарли тарзда, аксарият назмни насрий йўл билан баён этиб беради. Демак, таржима бир тил доирасида амалга оширилади. Чунончи, Алишер Навоий қаламига мансуб «Фарҳод ва Ширин» достонининг қуйи синф ўқувчиларига мўлжаллаб амалга оширилган таржимаси бунга мисол бўла олади.

Хорижий тиллар таҳсили билан шуғулланувчи талабалар учун тили ўрганилаётган мамлакатлар адиблари асарлари ҳам тадбил қилиб нашрдан чиқариб берилади. Китобхон тадбилни асарнинг тўла шакли сифатида қабул қилмаслиги учун китоб-

нинг номи тагида «адаптация (тадбил қилинган, мослаштирилган)» деб ёзиб қўйилади.

Ушбу таржима турига ўзга тилда битилган асар мазмунини кўпроқ таълим мақсадида она тилига қисқа ва содда шаклда ҳикоя қилиб бериш ҳам киради. Бу хорижий тилдан она тилига тадбил қилиб ўгиришдир.

Академик таржима. Аслиятни илмий тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилган таржима академик таржима дейилади. Бунда аслиятнинг фақат мазмуни сақлангани ҳолда, шакли эътибордан деярли четда қолади. Шеъринг асарга хос қофия, туроқ каби ҳодисалар алоҳида эътибор билан тикланмайди. Таржимавий матн аслиятнинг тағламасига ўхшашлиги сабабли, китобхонга бадиий таржимадек тўлақонли эстетик завқ бахш эта олмайди.

Бундай таржимада аслиятнинг мазмуни тўла тикланса-да, унинг шакли, баён услуби, оҳангдорлиги, бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида ҳосил қилинган образлиги, ҳиссий таъсирчанлиги йўқолади. Демак, диалектик нуқтаи назардан етакчи ҳисобланмиш мазмун шаклини қурбон қилади. Оқибатда иккаласи асосида вужудга келиши лозим бўлган диалектик бирлик, яхлитлик бузилиб, номуносиблик юзага келади.

Билвосита таржима. Кенг китобхон оммасини турли халқларнинг нодир асарлари билан таништириш, уларни инсоният заковати маҳсули бўлмиш юксак даражадаги пурмаъно фикрлар дунёсидан баҳраманд қилиш маъсулияти республикамизда бадиий таржима ишига катта эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Фуқароларимиз адабий захираларини ўз ватандошлари асарлари ҳисобигагина эмас, балки жуда кўп ёндош, қардош халқлар, ҳатто узоқ хорижлик муаллифлар яратган дурдоналар ҳисобига ҳам бойитмоқдалар. Ҳозирги кунда ўзбек таржимачилиги ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан гуркираб ўсиш, камолот чўққиси сари интилиш жараёнида.

Аммо қайд қилиш лозимки, таржима қилинаётган асарларнинг ҳаммаси ҳам тўғридан-тўғри аслиятдан исталган тилга таржима қилинган деб бўлмайди, уларнинг кўпчилиги иккинчи, ҳатто баъзан учинчи воситачи тил орқали ўгириляпти. Ўзбек тилига қилинаётган таржималарга келсак, қатор ҳамдўст-

лик республикалари ва кўпчилик хорижий халқлар тилларидан ўгирилаётган асарларнинг аксарияти, асосан, рус тили орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўзбек адабиёти намояндalarининг асарлари ҳам жаҳоннинг кўпчилик тилларига воситачи тил – кўпроқ рус тили орқали таржима қилинмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳозирги пайтда аслиятдан таржима қилиш билан бир қаторда, воситачи тил орқали ўгириш амалиёти ҳам кенг қўламда амалга оширилаётган бир пайтда, таржимашунос олимлар асл нусхадан бевосита таржима қилиш ишига тўла хайрихоҳ бўлсалар, билвосита таржима амалиётига нисбатан улар орасида турли-туман қарашлар ҳукм сурмоқда. Баъзи тадқиқотчилар воситачи тил орқали таржимани бутунлай қораласа, айримлари бу усулни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилади. Масалан, Н. Чуковский «Ўнинчи санъат илоҳаси» номли мақоласида мазкур усулга тиш-тирноғи билан қарши чиқади: «... Мопассанни рус тилидан таржима қилиш қанчалик бемаънилик бўлса, Лев Толстойни озарбайжончадан ўгириш ҳам шунчалик беҳуда иш».

Таниқли адиб Абдулла Қаҳҳор эса Н. Чуковский мақоласига жавоб тариқасида ёзган «Таржимачилик ташвишлари» номли мақоласида танқидчининг мазкур фикрига қарши чиқиб, воситачи тил орқали таржима амалиётини қаттиқ туриб ҳимоя қилади: «Ҳақиқатгўй бўлиш керак! Агар биз кўпчилик миллий республикалардаги ҳамма ёзувчиларни ва барча адабиёт ихлосмандларини тилларни ҳамда қардош ва хорижий халқлар адабиётини ўрганишга сафарбар қилганимизда ҳам бевосита асл нусхадан таржима қилиш ишларини йўлга қўя олмас эдик. Биз асл нусхадан тўғридан-тўғри таржима қиладиган санъаткорни ҳамма вақт эъзозлаймиз, албатта. Аммо бунақа таржимонлар бизда ҳозирча жуда кам. Нега энди биз миллий адабиётларни рус тили орқали қўлга киритилиши мумкин бўлган қувончдан маҳрум этишимиз керак?! Лопе де Вега, Мольер, Шекспир, Гольдони асарлари сахналаримиз беагаги ҳисобланади; китобхонларимиз В. Гюго, Р. Тагор, Т. Драйзер, Ж. Верн, Ж. Лондон, Э. Золя, Лу Син, Г. Флобер, Р. Роллан, Э. Ҳемингуэй, Ю. Фучик асарларини ўз она тилида ўқишга муяссардирлар. Уларнинг барчаси ўзбекчага рус тилидан таржима қилинган.

Грек ёзувчиси Костос Франческос ўзбек ёзувчиси асарини (Абдулла Қаҳҳор ўзининг «Синчалак» қиссасини назарда тутмоқда. – Қ. М.) таржима қилди. Наҳотки, биз унинг бу олижаноб ишини икки барабар бемаънилик деймиз? Ахир у асарни нафақат аслиятдан, ҳатто рус тилидан ҳам эмас, балки французчадан таржима қилган».

Кўриниб турибдики, икки мақола муаллифи ҳам масалани жуда кескин кўяди. Бири воситачи тил орқали амалга оширилладиган таржимани иллатли ҳисоблаб, ундан бутунлай воз кечишни тавсия этса, иккинчиси бу усулни оқлаб чиқади. Фикримизча, мазкур нуқтаи назарларнинг иккаласи ҳам баҳсли. Н. Чуковский фикрининг нотўғри, бинобарин, Абдулла Қаҳҳор фикрининг тўғри томони шундаки, бир тилдан иккинчи тилга бевосита таржима қилишнинг имкони бўлмаганда, бир халқ адабиёти намуналари билан иккинчи халқ вакиллари билвосита таржима орқали бўлса ҳам таништиравишига нима етсин?! Муайян хорижий тилдан бевосита таржима қиладиган санъаткорнинг пайдо бўлишини кўл қовуштириб кутиб ўтириш, наҳотки, тўғри бўлса?! Бизнингча, кўпчилик хорижий тиллардан бевосита таржима қиладиган мутахассислар етиштиришга қаттиқ киришган ҳолда, ҳозирча, воситачи тил орқали бўлса ҳам, зарур асарларни таржима қилавериш фойдадан холи эмас.

Воситачи тил орқали бажарилган таржима ҳам, агар у яхши таржима нусхадан яхши таржимон томонидан ўгирилган бўлса, китобхонни маълум даражада қониқтиради, унга асарнинг ғоявий-бадиий қиймати ҳақида ҳаққоний тасаввур бера олади.

Кўпчилик хорижий адабиёт намояндалари асарлари ҳозирги пайтда ўзбекчага, асосан, рус тили орқали ўгирилаётган экан, бу таржималар ўзбек китобхонларининг хорижий мамлакатлар адиблари ва уларнинг асарлари ҳақида кўп ҳолларда тўғри тасаввур ҳосил қилишларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек тилига муваффақиятли ўгирилган асарлар қаторига, масалан, машҳур инглиз адибаси Войничнинг «Сўна» романи, Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта», «Юлий Цезарь» ва бошқа қатор пьесалари кирадик, уларнинг ҳаммаси ўзбекчага рус тили орқали таржима қилинган.

Ўзбек саҳна усталари Шекспир қаҳрамонлари образларини маҳорат билан талқин этаётган экан, бунинг сабаби, биринчи навбатда, пьесалардаги образларнинг ўзбек актёрлари кўз олдига ҳаққоний гавдаланишидир.

Аброр Ҳидоятлов – Отелло, Олим Ҳўжаев – Ҳамлет, Сора Эшонтўраева – Дездемона ва Офелия, Наби Раҳимов – Яго, Шукур Бурҳонов – Брут образларини зўр маҳорат билан яратган экан, бу мазкур актёрларнинг пьесаларнинг воситачи тил орқали ўтирилган таржималари асосида илҳомланганлиги оқибатидир. Бу ерда театр танқидчиси Жавод Обидовнинг «Аброр – Отелло» мақоласида айтилган қуйидаги сўзларни келтириш ўринли: «Инглиз парламент делегацияси буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг Аброр талқинидаги Отеллони кўргач, унинг юксак даражасини қайд қилиш билан баравар Аброрни Шекспирнинг ватани Лондон саҳнасида кўришни орзу қилганини айтди».

Демак, давр, шароит тақозоси билан билвосита таржима усули халқимизга ҳалол хизмат қилди: ўзбек китобхонларининг хорижий адабиёт намояндалари асарлари билан танишишига, шу билан бирга, ўзбек адабиёти ва маданияти вакилларининг дунёнинг қатор халқлари адабиёти ва санъати намуналари билан ошно бўлишига сабабчи бўлди. Шу маънода билвосита таржима амалиёти тарихига ижобий жараён сифатида қарашимиз ва машҳур адиб ва таржимон Абдулла Қаҳҳорнинг юқоридаги фикрларига қўшилишимиз мумкин. Бироқ гап шундаки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда илм-фан ва маданиятнинг тезкор суръатда раванқ топиши, хорижий тиллардан ҳам бевосита таржима қилишга қодир мутахассисларнинг етишиб чиқаётгани ва шу туфайли юқори самараларга эришилаётгани, мустақил республикамиз билан кўпгина хорижий мамлакатлар ўртасида илмий-маданий ва техникавий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бундан буён билвосита таржима амалиётини ҳимоя қилишни тақозо этмайди.

Шарқ тилларидан бевосита таржима қилиш амалиёти кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бевосита таржима, асосан, Шарқшунослик институтида ўқиган мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда.

Фразеологик иборалар ёрдамида қилинган сўз ўйинига дуч келинганда уларнинг луғавий-мантиқий ҳамда образли-кўчма маънолари бир пайтнинг ўзида жонланади. Шунинг учун уларни лексик таркиб жиҳатидан қисман фарқ қиладиган эквивалентлар ёки муқобил вариантлари орқали таржима қилишдан кўра, калька ёрдамида бериш маъқулроқ. Чунки бунда ифоданинг лексик таркиби моддий жиҳатдан сақланади ва сўз ўйинини қайта тиклаш учун қулайроқ имконият вужудга келади.

Хуллас, воситачи тил орқали ўгирилган асарлар таржимасида кўзга ташланадиган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги воситачи таржималар туфайли содир этилмоқда. Рус таржимонлари ёдда тутиши керакки, уларнинг таржималари нафақат рус тилида бадиий асар мутолаа қиладиган китобхонлар, балки ўз мухлисларини мазкур асарлар билан русча таржималар воситасида таништирадиган ўзга халқлар таржимонларига ҳам мўлжалланади.

Бевосита таржима масалалари илмий муаммо сифатида олимлар томонидан ҳал қилинаётган экан, бу, албатта, қилинажак таржималар сифатининг борган сари яхшиланишига замин ҳозирлайди. Бундай таржимани билвосита таржимага қарши қўйган ҳолда, уни узлуксиз тарзда ташвиқот қилиб бориш зарур.

Айрим олимларнинг билвосита таржима амалиётини умумлаштиришга ҳаракат қилиши, бу масалани илмий муаммо сифатида илмий жамоатчилик муқокамасига ҳавола этишга интилиши уларнинг бу хил таржимани ёқлаб чиқишга ҳамда тарғиб қилишга мойиллигини кўрсатади. Кўплаб тадқиқотчилар билвосита таржима масаласини ёритиш зарур деган фикрни билдиради. Бир қарашда бу фикрда жон бордек, чунки замон ижобий натижа бераётган ҳар бир амалий фаолиятни умумлаштиришни, тарғиб ва ташвиқ қилишни, шу асосда илмий хулосалар чиқаришни тақозо этади. Аммо масалага бугунги таржима амалиёти олдига қўйилаётган талаб нуктаи назаридан ёндашиладиган бўлса, таржимадан таржима қилишнинг истиқболи йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз: таржимадан таржима қилиш масаласига илмий муаммо сифатида қараш амалий жиҳатдан ўзини оқламайди.

Аслида, масалага бутунлай бошқача ёндашиш зарур. Ягона ижобий усул сифатида бевосита таржимани қаттиқ туриб химоя қиладиган, уни ташвиқ ва тарғиб этадиган ҳамда назарий жиҳатдан умумлаштира оладиган таржимонларни тайёрлаш пировард-натижада воситачи тил орқали амалга ошириладиган таржима амалиётига чек қўйиши шубҳасиз.

Таржима санъати ниҳоятда оғир ва, айни пайтда, шарафли ишдир. Бадиий асарни таржима қилиш учун таржимонда ижодкорлик иқтидори ва таржима қилиш санъати бўлиши керак. Таржимон ўз она тилини ҳам, аслият тилини ҳам жуда яхши билиши, уларнинг нозик томонларини тез илғай олиши лозим. Таржимон умумий билим доираси кенг, турмуш тажрибаси бой, илғор маданиятни эгаллаган шахс бўлиши керак. У, шунингдек, қайси халқнинг тилидан таржима қилаётган бўлса, ўша халқнинг ҳаёти ва турмуш тарзини ҳам чуқур билмоғи лозим.

Адабиётшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти шуни кўрсатадики, бир халқ адабиётини бошқа халқ адабиётидан ажратиб, алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Чунки жаҳон адабиёти яхлит тизим бўлиб, миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири натижасида таркиб топади. Кишилар ер юзининг турли минтақаларида яшашидан қатъи назар, яратилган маънавий бойликларини ўзаро баҳам кўришга интилмоқда, бир-бирининг санъатидан, бадиий кашфиётларидан завқланиб, қалбан ва руҳан яқинлашиб бормоқда. Чунки «Кундалик алоқа воситаси бўлган тилга нисбатан бадиий адабиёт тили – бу сўз усталари томонидан қайта ишланган тилдир» [Фёдоров 1963].

Таржима – миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа қилиш қуроли. Чунки у маданий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик эзгу ниятлари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказди, халқнинг кўнгил дафтларини намойиш этади.

Турли тилларда ёзилган бадиий асарлари катта таржима йўлида айирбош қилинади. Таржимасиз, фақат ўз ички ресурслари ҳисобигагина ривожланадиган, узоқ ва яқин бошқа халқлар бунёд этган маданий бойликлардан баҳраманд бўлмаган соф

миллий маданият ҳам, адабий ўзгармас «тоза» тил ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги пайтларда юртимизда илмий таржима ҳам кенг қулоч ёймоқда. Бу борада мутахассисларнинг, айниқса, филологларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Таржима – умумбашарий ва халқлар дўстлиги қуроли. Таржима йўли билан миллий маданиятлар бир-бирларини бойитади ва бу тилда, тафаккурда, маданий-адабий ҳаётда, санъатда – ҳамма жойда намоён бўлади, таъсири сезилиб туради.

Қардош халқлар ва жаҳон адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги бизда таржима илми ва амалиёти муваффақият билан ривожланаётганидан далолат беради. Миллий маданиятимизнинг жаҳон халқлари маданиятининг энг яхши анъаналари билан яқинлашувига, халқлар ўртасида дўстликнинг кучайишига ва ўзбек китобхонларининг жаҳон прогрессив адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Зотан, фан, маданият ва техника соҳасида рўй бераётган аксарият оламшумул ҳодисалар бевосита таржима туфайли оммалашади. Бадиий таржиманинг тарбиявий, сиёсий, ғоявий ва эстетик аҳамияти ҳамда маърифатпарварлик ролининг бундан кейин ҳам тобора ошиб боравериши давр, замон талабидан келиб чиқади.

Халқимизни жаҳон фани, техникаси, маданияти ва ижтимоий фикр тараққиётининг буюк ютуқларидан баҳраманд қилиш, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш каби муқаддас вазифани амалга оширишда ҳам таржима ғоят катта аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори меъёрий-ҳуқуқий асос вазифасини ўташи муқаррардир. Бунда, жумладан, етук таржимонларни етказиб, таржима ишларини юқори савияга кўтариш хусусида ҳам сўз боради.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда замонавий ижтимоий-иқтисодий ва жамиятдаги ўзгаришлар билан бир қаторда олий таълим тизими жараёнини такомиллаштиришда ва хорижий тилларни ўрганишда ҳам юксалишлар кузатилмоқда. Ҳозирги пайтда кузатилаётган таржима соҳасидаги кенгайи-

шлар ҳамда таржима жараёни ва унинг натижасига бўлган талабларнинг кучайиши турли хил миллатлараро алоқаларнинг самарали ишлашига ва амалга оширилишига бўлган қизиқишларнинг кучайишига олиб келди.

Назаримизда хорижий тилни мукаммал эгаллаш хориж маданияти билимларига эгалик даражасига боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, хориж маданиятини ўзлаштириш бериладиган материалга боғлиқ, бу эса, ўз навбатида, хорижий тилни ўрганишга бўлган қизиқишнинг юксак даражасини кўрсатади. Таржимоннинг келажакдаги профессионал иш жараёни маданий характерга эга бўлган билимларга таянади. Хорижий тил билими таржимоннинг келажакдаги профессионал даражасини кўтаради деган хато фикр мавжуд. Албатта бундай эмас, чунки таржимоннинг иш жараёни бу фақат юзаки илм эмас, балки она тилини юксалтириб боришни талаб қиладиган жараёндир. Шунинг учун таржимондан ўз устида тинмай иш олиб бориш, ҳам ўзини, ҳам хорижий адабиётни ўзлаштириш, таржима асослари бўйича семинарларга қатнашиш, замонавий компьютер технологияларини ўрганиш, таржимашуносликдаги технологиялар билан танишиш, тил бирликларини ёдда сақлашга ёрдам берадиган лойиҳалардан бохабар бўлиш, фақат ўқув жараёни билан чекланиб қолмасдан, кўшимча курсларга қатнаш талаб қилинади.

Сўнги ўн йилликларда инфорацион ва педагогик технологияларни илм-фанда жорий этишда олға силжиш кузатилмоқда. Таълим тизимидаги ривожланишнинг ҳозирги босқичида таржима назарияси ва амалиёти фанида изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги даврда таржимашунос олимлар ўз олди-га илғор ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб, таржима жараёнини осонлаштириш ва савиясини янада ошириш каби мақсадларни кўйишган. Ҳақиқатан ҳам, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш нафақат таржима соҳаси бўйича ўқитишда ва таржимонларни тайёрлашда, шунингдек, таржима жараёни осон кечишида ҳам кўл келади.

Замонавий педагогик технологиялар талабага ўз-ўзини ўрганиш ва билим фаолиятини амалга ошириш, мустақил ишлаш қобилиятини янада ривожлантириш каби кўникмаларни бера

олади. Ҳолатли таълим амалда шу муаммони ҳал қилиш учун имконият беради. Бундан ташқари, модулли таълим моҳияти талабанинг таълим ва информацион фаолиятини ўз олдига мақсад қилиб, талабаларнинг шахсий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришни ҳам эътиборга олади.

Ҳозирги даврда таржима соҳасида бир қанча замонавий методлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Булардан Shadowing методини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Shadowing методи 40 дан ортиқ тилларни билувчи, лингвист ва профессор Александр Аргюейс томонидан ишлаб чиқарилган. Мазкур метод чет тилларни ўрганиш ва ўқитиш соҳасида энг самарали методлар қаторида туради. Shadowing бир вақтнинг ўзида эшитиш, ўқиш, тинглаш, талаффуз қилиш, тезлик, сўзлар захираси ва грамматикани шакллантиришга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси ёзма ва оғзаки таржима соҳасида катта ўрин тутаяди.

Ҳозирги вақтда Shadowing (соя/таклид) технологияси нафақат таълим соҳасида, балки Ғарб мамлакатларида, аниқроғи, Буюк Британиянинг 70 % дан ортиқ турли корхоналарида қўлланилмоқда. Shadowing сўзи «бирор-бир нарсанинг, кишининг сояси бўлмоқ» ёки «бирор нарса, кишига таклид қилмоқ» деб таржима қилинади. Бу таълим технологиясининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у турли даражадаги тажриба ва маҳоратга эга ҳар қандай соҳа вакиллари нисбатида қўлланиши мумкин деб ҳисобланади. Бу технология ҳар куни қўлланиладиган технологиялардан ҳисобланиб, ҳар қандай соҳа вакилининг билим даражасини оширишга хизмат қилади.

Таржима соҳаси вакиллари ҳар доим ўз билим ва кўникмаларини ошириб туриши шарт ва зарур. Айнан Shadowing технологияси таржиманинг адекват чиқишига қаратилган бўлиб, таржимон асл нусханинг, таржимоннинг сояси сифатида намоён бўлиши, таржима самарасини оширади.

Shadowing технологияси бир неча жараёнга бўлинади. Буларни қуйида мисоллар орқали кўриб чиқамиз:

1. Blind shadowing (кўр-кўрона таклид) – бу жараён оғзаки нутқ, талаффуз ва тинглаш каби тил аспектларини ривожлан-

тиришга қаратилган. Тингловчи матннинг бир қисмини бир неча марта тинглаб, уни иложи борича тақлид қилиши керак, яъни тингловчи ҳар бир сўз талаффузи, гаплар тезлиги ва сўзларнинг урғусигача такрорлаши шарт.

2. *Comprehensible shadowing* – бунда матнни биринчи жараёндаги каби такрорлаб, шу билан бирга, матннинг таржимасини таққослаш керак. Бу жараён оғзаки нутқ, тинглаш, талаффуз қилиш ҳамда тушуниш кўникмаларини ривожлантиради.

3. *Proper shadowing* – бунда тингловчи биринчи ва икинчи жараёндаги каби иш тутиб, аслият матн билан ишлай бошлайди.

4. *Independent work* (мустикал иш) – бу жараён тингловчининг зехнини, эслаб қолиш қобилияти ҳамда олган билимларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, тингловчи асл нусха матнини ўзи талқин қилиши керак.

5. *Scriptorium* (ёзма иш) – бунда тингловчи ҳар бир гапни баланд овозда ўқиши, кейин эса дафтарга ёзиши керак. Бу жараён хорижий тилнинг ҳамма аспектларини ўз ичига олиб, барча ўрганган билимларини амалда синаб кўради.

Shadowing технологияси таржимонларнинг ўқув жараёни янада қизиқарли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Хулоса

Таржима миллатлараро дўстлик кўприги эканлигидан ташқари, маданият ва маърифат сари очилган кенг йўл ҳамдир. Ёзма таржиманинг кенг кўламда тарқалиши ўзга халқларнинг маданиятига кенг йўл очиб бериши билан бирга, ўзбек адабиёти, маданияти ва санъатининг ривожланишига, уларнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлди. Таржима қийин, аммо мароқли санъат, ўзга тилда яратилган бадиий асарни ўз тилимизга ўгириш ва ўқиш нақадар завқли. Бинобарин, у ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди, ижод маҳсули сифатида яшайди, унга монелик қиладиган, уни рад этадиган, ман қиладиган куч топилмайди. Инсоният яшар экан, таржима санъати ўзига хос маҳорат мактаби сифатида яшаб қолаверади.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржима назариясининг шаклланиши борасида олимларнинг фикрларини изоҳланг.*
2. *Нима сабабдан таржимашунослик қадимдан фан сифатида ривожланмаган?*
3. *Инсоният томонидан амалга оширилган энг биринчи таржима асарни эслайсизми?*
4. *Жаҳонда қачондан бошлаб таржимашунослик мустақил фан сифатида шаклланди?*
5. *Ўзбекистонда таржима қачондан бошлаб фан сифатида шаклланди?*
6. *Ўзбекистонда таржимашуносликнинг шаклланишига катта таъсир ўтказган омилларни санаб беринг.*
7. *Оғзаки таржима ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?*
8. *Оғзаки таржима жараёнида таржимонларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?*
9. *Синхрон таржима нима?*
10. *Кетма-кет изчил таржима жараёнини тушунтиринг.*
11. *Ёзма таржиманинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?*
12. *Ёзма таржиманинг кўринишлари тўғрисида гапиринг.*
13. *Газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнларнинг таржимаси тўғрисида фикрингизни баён этинг.*
14. *Матнни махсус белгилар (символлар) асосида яратиш деганда нимани тушунасиз?*
15. *Таржиманинг энг асосий шакллари ҳақида гапиринг!*
16. *Бадиий таржима таржиманинг қайси турига мансуб?*

3 - м а в з у

ТАРЖИМАДА МУҚОБИЛЛИК МУАММОСИ

Таълимий мақсад: талабаларга таржима назариясининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланган муқобиллик (эквивалентлик) ва унинг турлари бўйича маълумот бериш ва таржима амалиёти жараёнида тегишли муқобилликни аниқлаш бўйича уларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш

Таянч сўз ва иборалар: муқобиллик тушунчаси, таржимада муқобиллик, муқобиллик турлари, муқобиллик даражалари, таржимада муқобилликка эришиш, шакл ва мазмунни сақлаш, тасвирий ифода, мулоқот мақсади, адекват таржима.

Режа:

1. Таржимада муқобиллик тушунчаси.
2. Таржима матнининг аслият матнга муқобил келиши масалалари.
3. Таржимада муқобиллик турлари.
4. Таржимада муқобиллик даражалари.
5. Муқобил таржима яратиш усуллари.

Асосий маълумотлар

Дарсликнинг ушбу бўлими манба матн билан таржима матн орасида семантик ўхшашликнинг ўлчови ҳисобланган таржиманинг муқобиллиги (эквивалентлиги) муаммосига бағишланган.

Манба тил билан таржима тили ўртасида мазмуний, таркибий ва вазифавий жиҳатдан ўхшашлик муқобиллик ҳисобланади. Манба матн маъно-мазмунини етказиб берувчи таржима матн тил бирликлари функционал жиҳатдан муқобиллар (мос

бирликлар) сифатида манба матн бирликлари ўрнида ишлатилади. Тил бирликлари меъёрий маънода ишлатилгани учун манба тили бирликларининг таржима тилида маълум муқобиллари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил таржима матнларида ўша бирликларнинг ўрин алмаштирувчилари бўлиб қўлланилади.

Агар биз бир неча манба матн билан таржима матнларни солиштирсак, улар орасидаги мазмуний ўхшашлик таржима жараёнида ўзгариши мумкинлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, манба матн билан таржима матн орасидаги муқобиллик манба матн контекстининг турли қисмларида қайта ишлаб чиқишига асосланган бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ тарзда, таржима муқобилликларини бир неча турга бўлиш мумкин.

Дастлаб манба матн билан семантик ўхшашлик даражаси энг паст бўлган таржималарни кўриб чиқамиз. Бундай муқобиллик турлари қуйидаги мисолларда намоён бўлади:

1) *Maybe there is some chemistry between us that does not mix.* – Баъзан одамларнинг характерлари бир-бирига тўғри келмайди.

2) *A rolling stone gathers no moss.* – Саёқ юрсанг, таёқ ейсан.

3) *That is a pretty thing to say.* – Уялмайсанми?

Ушбу манба матнлар ва уларнинг таржималари ўртасида умумий сема ёки ўхшаш қурилмаларга дуч келмаймиз. Манба матн ва унинг таржимасида тил бирликларининг мутлақ ўхшаш эмаслиги уларнинг бир нарса эканлиги ҳақидаги хулосанинг ёхуд айнан бир вазият тасвирланаётганлигини ифодаловчи аниқ мантиқий боғлиқликнинг йўқлигидадир. Шунга қарамай, аслият ва таржима гаплар орасида мазмун жиҳатдан қандайдир умумийлик борлиги аён. Бундан ташқари, таржима жараёнида йўқолиб кетиши мумкин бўлган ахборотнинг каттароқ қисмларини ҳам контекст сақлаб қолади. Мисоллардан кўришимиз мумкинки, манба матн ва унинг таржимаси жараёнида ахборотнинг умумий мақсадидан, кўзда тутилган ёки кўчирма фикрдан четга чиқиш – оддий ҳол. Бошқача айтганда, ахборот қабул қилувчининг хулосалари бутун контекстдан, контекстни ўқишда ҳосил бўладиган мулоҳазалардан, ахборотнинг ўзига хос маъно кўлаמידан четга чиқиши мумкин. Демак, муқобилликнинг биринчи турида таржимада манба матн ёки

унда нима дейилганлиги, қандай айтилганлиги кўрсатилмайди. Бунда асосий эътибор матндаги коммуникатив мақсадни биринчи ўринга чиқаришга қаратилган.

Ахборотнинг умумий мазмуни ҳақида маълумот берадиган, муайян коммуникатив ҳаракатга қаратилган қисми алоқа мазмуни деб аталади.

Муқобилликнинг иккинчи турига таҳлил учун мисоллар келтирамиз:

1) *He answered the telephone. – У гўшакни кўтарди.*

2) *You see one bear, you have seen them all. – Ҳамма айиқлар бир-бирига ўхшайди.*

3) *It was late in the day. – Кеч тушиб қолди.*

Бу гуруҳ мисоллар биринчи гуруҳ мисолларига ўхшаш бўлиб, муқобиллик ҳеч қандай луғавий ёки таркибий параллелизм ҳосил қилмайди. Манба матннинг кўпгина сўзлари ёки синтактик структураларнинг таржима матнда муқобил шакли йўқ. Шу билан бирга, олдинги гуруҳдан кўра бу гуруҳ контекстга кўпроқ яқин. Бундан ташқари, ахборот мазмунида қўшимча маълумот бўлиб, у манба матнида сақланиб қолган. Агар биз икки гуруҳ мисолларни солиштирсак, бу фактни осонлик билан исботлаш мумкин. Яна мисоллар келтирамиз:

Maybe there is some chemistry between us that does not mix. – Баъзан одамларнинг характерлари бир-бирига тўғри келмайди.

He answered the telephone. – У гўшакни кўтарди.

Кўринадики, биринчи мисолда сўзлар алоҳида олинганда бошқа-бошқа маънони англатади. Шунинг учун манба ва таржима гапларнинг орасида мантикий боғлиқлик йўқ. Манба гап ва таржима гап орасида ўхшашлик шундай факт билан чекланганки, ҳар иккала ҳолатда ҳам сўзловчининг ҳиссиётига боғлиқ хулоса келиб чиқади: ўзаро келишишга тўсқинлик қиладиган қандайдир руҳий чегара бор.

Иккинчи мисолда таққослаб бўлмайдиган тил бирликлари аслият ва таржима матнда бир хил воқеликни ифодаловчи жараённи тасвирлайди, яъни гўшак кўтарилмаса, кўнғирокка жавоб берилмайди. Иккала гап ҳам бир воқелик ҳақида, бир фикрни бошқа сўзлар билан ифода этмоқда. Бу муқобиллик-

нинг шундай бир турики, уни вазият назарияси нуқтаи назаридан яхши тушунтириб бериш мумкин. Биз ушбу мисоллар ҳар хил лисоний воситалар билан шаклланган бўлса-да, бир хил вазиятни тасвирлаб беради деб ҳисоблашимиз мумкин. Демак, таржиманинг бу гуруҳида манба матндаги икки хил маълумот, яъни мулоқот моҳияти ва вазият белгиси сақланиб қолади.

Таржиманинг кейинги турида сақланиши лозим бўлган мазмун қисми кўпроқ. Бу гуруҳдаги муқобилликни қуйидаги мисоллар билан таҳлил қилиш мумкин.

1) *Scrubbing makes me bad-tempered.* – *Бош ювиш гашимга мегади.* – *Бош ювиш мен учун ташвишли юмуш.*

2) *London saw a cold winter last year.* – *Ўтган йил қиш Лондонга совуқ келди.*

3) *You are not serious?* – *Ҳазиллашяпсизми?*

Муқобилликнинг бу турида тасвирлаш усули ҳам, ахборот кўлами ҳам сақланиб қолган. Бошқача айтганда, таржиманинг бу тури манба матннинг умумий мазмунини тўлиқ беради. Таржима – бу асосий семалари сақлаб қолинган ва гапнинг муайян жойлари ўзгартириб берилган манба матннинг ўзгача семантик шаклланишидир. Демак, бу ҳолатни семантик назария томонидан тушунтириб бериш мумкин. Таржималар қиёсий таҳлил қилинганида, бу гуруҳдаги умумий семаларни осон аниқлашимиз мумкин. Юқорида берилган биринчи мисолда манба матн ва таржимада «сабаб–натижа» қолипидида тасвирланган воқеаларни бир хил семаларнинг бошқа воситалар ёрдамида тасвирланиши деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Манба матнда: *A (scrubbing) causes B(I) to have C (temper) characterized by the property D (bad).* *In translation: C (temper) belonging to B(I) acquires the property D (bad) because of A (scrubbing).* (Манба матнда Д билан ифода этилган С нинг бўлиши А Б ни келтириб чиқаради. Таржимада: А сабабли Б га қарашли бўлган С Д нинг бўлиши талаб қилинади).

Иккала матнда бир хил тушунчанинг ифодаланиши узатилган ахборотнинг яхлит ҳолда қолганини билдиради. Агар олдинги муқобиллик турларида таржима манба матнда маълумот нима учун ва нима ҳақидалиги тўғрисида маълумот берган бўл-

са, бу гуруҳда манба матнда нима дейилганлиги кўрсатилади, яъни тасвирланган воқеанинг муайян кўриниши ифодаланади.

Учинчи гуруҳ таржима мисолида берилган учинчи тур муқобиллиги манба матннинг уч қисмини – мулоқот моҳияти, воқеани аниқлаштириш ва тасвирлаш усулини таржимада сақлаб қолишни назарда тутди.

Таржиманинг тўртинчи гуруҳини қуйидаги мисоллар билан таҳлил қилиш мумкин:

1) *He was never tired of old songs.* – *Эски қўшиқлар ҳеч қачон унинг жонига тегмас эди.*

2) *I don't see that I need to convince You.* – *Буни сизга исботлаш заруриятини кўрмаймман.*

3) *He was standing with his arms crossed and his bare head bent.* – *У қўлларини кўксига қўйган, чалиштирган ва яланг бошини эгган ҳолда турарди.*

Бу гуруҳда муқобилликнинг олдинги ўхшашлиги манба матн ва таржимада синтактик структуранинг ўзгармас маъноси билан мустаҳкамланган. Бундай таржималарда синтактик структура тўғридан-тўғри ёки тескари трансформация орқали манба матндан келиб чиққан деб ҳисоблаш мумкин. Бунда таржима ўхшаш ёки параллел структураларни қўллаш ҳолларини ҳам ўз ичига олади. Бу турдаги муқобилликнинг асосий хусусияти шундаки, у луғавий маънонинг тасдиқ шаклини назарда тутди. Масалан, ахборотнинг мазмун планида ахборот ашёвий ёки таркибий унсурлар ёрдамида ҳосил қилинган. Қайд этиш жоизки, таржиманинг бу тури манба матндаги нафақат *нима учун?*, *нима ҳақида?* ва *нима деган?* саволларга жавоб беради, балки манба матн қай тарзда берилганлигини ҳам очиб беради. Манба матндаги бўлақлар маъноси бутун контекст маъносидек муҳим бўлиб, таржимон уни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Демак, тўртинчи тур муқобиллик манба матннинг қуйидаги тўртта маъноли компонентини сақлаб қолади: 1) мулоқот маъноси; 2) вазиятни аниқлаштириш; 3) тасвирлаш усуллари; 4) синтактик структуранинг яхлитлиги.

Охирги гуруҳга тегишли бешинчи таг гуруҳ таржима муқобиллиги манба матндаги барча сўзлар маъносини сақлашга ҳаракат қилади. Буларни қуйидаги мисолларда кўрамыз:

1) *I saw him at the theater. – Мен уни театрда кўрдим.*

2) *The house was sold for 10 thousand dollars. – Уй 10 минг долларга сотилди.*

3) *The organization is based on the principles of sovereign equality of all its members. – Ташкилот барча аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилига асосланган.*

Бу гуруҳда манба матн ва таржима сўзлари орасидаги синтактик структуранинг маъно жиҳатдан параллеллигини энг юқори даражада кўрсата оладиган семалар муқобиллигида кўришимиз мумкин. Маъно категорияларининг ўхшашлиги, вазиятни тасвирлаш методи, вазиятнинг айнан ўхшашлиги, манбанинг ўхшаш вазифа-мақсади мулоқот мазмунида ўз ифодасини топади. Икки матн контексти ўхшашлигининг яқинлик даражаси асосий сўзлар маъносини қай шаклда беришга боғлиқ.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биз аслият матн ва таржима матн орасидаги беш хил муқобиллик, яъни семантик алоқа борлигини аниқладик. Барча таржималар берилган маълумот ҳажми ва хусусиятига қараб, таржиманинг беш хил муқобиллик нуқтаи назаридан таснифланиши мумкин. Ҳар бир муқобиллик тури ўзида ундан олдинги турни қамраб олган манба матнга хос хусусиятнинг бир қисмини сақлаб қолади.

Ҳар бир таржима муайян муқобилликлардан бирига боғлиқ бўлади. Муқобилликнинг охириги тури жуда юқори даражадаги семантик ўхшашликни берса-да, ҳар қандай таржима муқобилликнинг бир неча босқичларида яратилади дейишимиз мумкин. Ҳар бир босқичда таржима олдинги босқичдаги маълумотни сақлаш хусусияти билан ажралиб туради. Таржима турлари бўйича хусусиятлар сақланиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади: мулоқот мақсади, вазиятни аниқлаштириш, тасвирлаш усуллари, синтактик структуранинг яхлитлиги ва семантик маъно.

Турли босқичлар хусусиятини ифодалаётган маълумот нутқ узвларига боғлиқ эмас. Аксинча, нутқ узвлари уларга боғлиқ бўлади ва аниқ вазиятни белгилайди, мазмуний структурани

камраб олади ва сўзлар қаторининг синтактик моделини ҳосил қилади. Муқобилликлар таржиманинг муайян босқичида тугалланган бўлса-да, таржимага поғонали ёндашувни маъқуллаш ёки маъқулламаслик фикрини билдирмайди.

Баъзи манба тили бирликларининг таржима тилида доимий муқобиллари мавжуд. Бошқача айтганда, бундай бирликлар ва уларнинг муқобиллари ўртасида ўзига хос мослашув бўлади. Шунинг учун инглиз тилидаги *London* сўзи ўзбек тилига *Лондон*, *hydrogen* сўзи *водород* деб таржима қилинади. Бундай мослашувлар, одатда, маъноси асосий контекстдан маълум даражада мустақил бўлган илм-фан ва техникага оид атамаларда, атоқли от, жуғрофий номлар ва шунга ўхшаш аниқ хусусиятларга эга сўзларда учрайди.

Манба тили ва таржима тили бирликларининг бир неча мос муқобил бирликлари бўлиши энг кўп учрайдиган ҳолатдир. Манба тилида доимий бўлмаган ҳар хил муқобилликларнинг мавжуд бўлиши унда лисоний бирликлар қандай ишлатилганлигини, бу бирликларнинг таржима тилидаги муқобиллари билан фарқларини ҳисобга олган ҳолда улардан бирини танлаб, мос жойда ишлатиш заруриятини тақозо қилади. Тил бирликларининг турига қараб, муқобилликлар лексик, фразеологик ёки грамматик даражада таснифланиши мумкин.

Икки тилдаги муайян унсурларнинг (сўз, сўз бирикмаси, грамматик категория) бир ёки ундан ортиқ компонентлари бир-бирига қисман мос келиши мумкин, аммо ҳеч қачон тўлиқ мос келиши учрамайди. Мос муқобилликни танлаш маълум бир семантик элементнинг коммуникация пайтидаги муайян маънога тегишлилигига боғлиқ бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *ambitious* (*шуҳратпараст*, *интилувчан*) сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам мақтовга сазовор, ҳам нотўғри, ёмон мақсад ва ниятларни амалга оширишга интилишни билдириши мумкин. Бу сўзнинг таржимаси айтиб ўтилган маъноларнинг қайси бирига тўғри келишига боғлиқ. Шунинг учун *the ambitious plans of conquerors* ўзбек тилига *босқинчиларнинг амалга оширадиган режалари* деб таржима қилинса, *the ambitious goals set by United Nations* гапи ўзбек тилига *БМТ томонидан қўйилган буюк мақсадлар* деб таржима қилинади.

Манба тилига тегишли битта тушунча таржима тилида бир-бири билан боғланмаган муқобилликларга мос келиши ҳам кўп учрайдиган ҳолатдир. Масалан, инглиз тилидаги *attitude* сўзи ўзбек тилига муайян бир мулоқот ҳолатида танлаб ишлатилишига кўра *муносабат*, *тарафдорлик*, *сийosat* деб таржима қилинади. Бу таржима тилида мавжуд муқобилликлар орасидан мосини танлаб олиш учун асос бўлади.

Манба тили бирликларининг муқобиллари таржима тилида мавжуд бўлса-да, уларни доимий тарзда таржима матнда ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Муқобиллик жуда муқим «ўринбосар» алмаштирувчи ҳисобланиб, кўп жиҳатдан таржимоннинг муқобил бирликни танлай олиши ва манба матнидаги бирликларнинг контекстдаги ўрнига боғлиқ бўлади.

Маълумки, контекстнинг икки тури мавжуд: а) лингвистик (лисоний); 2) ситуатив (вазият) контекст. Лингвистик контекст манба матндаги бошқа тил бирликлари орқали ясалса, ситуатив контекст манба матн юзага келган замон ва макон шароитларини ҳамда етказилаётган хабарни рецептор қониқарли даражада тушуниб олиши учун билиши керак бўлган фактларни ўз ичига олади.

Таржимон манба тили бирликларига тегишли лингвистик ва ситуатив контекстларнинг тўғри таҳлилини амалга ошириш орқалигина таржима тилига мос муқобиллик танлай олади ҳамда ушбу бирликларнинг мос маъносини ўз ўрнига қўяди. Масалан, таржимон қуйида келтирилган учта мисолда лингвистик контекст ёрдамида инглиз тилидаги *attitude* отига ўзбек тилида мос келадиган муқобилни тўғри танлаб ишлатади:

- 1) *I don't like your attitude to your work.*
- 2) *There is no sign of changes in the attitude of the two sides.*
- 3) *He stood there in a threatening attitude.*

Юқоридаги мисоллардан биринчисида *attitude* сўзини ўзбек тилига *муносабат* (ишга), иккинчисида *позицияси* (томонларнинг), учинчи мисолда эса *ҳолат* (таҳдид солувчи) деб таржима қилиниши мақсадга мувофиқ.

Вазият (ситуатив) контексти аниқ ифодаланмагунга қадар, кўпинча, муносиб муқобил топа олмаймиз. Агар манба матнда бирон кишига нисбатан *an abolitionist* (*бирор ҳолат ёки*

нарсага чек қўйиши тарафдори) атамаси ишлатилса, таржимада ушбу атама ўрнига муқобил танлаш талаблари замон ва маконга қараб турлича бўлиши мумкин. Аболиционистлар ҳар хил тарихий давлатлар ва даврларда қулдорлик, таъқиқловчи қонунлар ҳамда ўлим жазосини чеклаш тарафдорлари бўлишган. Шунга кўра, контекстдан келиб чиқиб, *аболиционист* атамаси ўзбек тилида *муайян қонун ёки ўлим жазосини бекор қилиш тарафдори* деб таржима қилиниши мумкин.

Манба тилида кўп миқдорда аниқ муқобилликлар мавжуд деган тушунча улардан бири, албатта, қандайдир конкрет ҳолатда ишлатилади деган маънони билдирмайди. Тўғри, кўп ҳолларда бу муқобилликлар орасидан энг мосини танлаб ишлата олиш қобилияти орқали таржимоннинг малакаси тўлиқ намоён бўлади. Лекин контекст таржимонга ҳамиша ҳам муайян муқобил бирликни олиб ишлатишга ёрдам беравермайди. Бунда бирликларнинг маъносини тўғрироқ етказиб бера оладиган таржимон ўша даврнинг ўзида яратилган муқобилларни ишлатиб, таржима қилиш усулини қўллайди. Манба тили бирликларининг аниқ бир контекстга мос келадиган бундай таржимаси вазиятга кўра муқобиллик ёки контекстга боғлиқ муқобиллик деб таърифланиши мумкин.

Муайян контекстдаги ҳолат таржимонни доимий муқобилликни ишлатмасликка ҳам мажбур қилиши мумкин. Жуғрофий номларнинг шундай муқобиллари борки, улар чет тилига хос номнинг таржима тилида бир хил транскрипция қилиниши орқали келиб чиққан. Масалан, АҚШнинг Коннектикут штати *New Haven* шаҳри ўзбек тилига ўзгаришсиз, *Нью Хейвен* деб таржима қилинади. Бироқ *He graduated from New Haven in 1975* доимий муқобиллик билан таржима қилинмайди, чунки ўзбек ўқувчиси Нью Хейвен шаҳри ўзининг Йейл (Yale) университети билан машҳурлигини билмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Таржимон вазиятдан келиб чиқиб, унга *университет* сўзини қўшишга мажбур, акс ҳолда, у китобхон томонидан тўғри англамайди: *У 1975 йилда Йейл университетини тугатган.*

Шубҳасиз, муайян муқобилликлар тайёр ҳолда қийинчиликсиз ишлатилади, лекин вазиятдан келиб чиқиб, муқобил топши таржимондан маҳорат ва билимни талаб қилади.

Фразеологик муқобилликларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Масалан, инглиз тилидаги *To put the iron when it is hot* мақоли ўзбек тилига *Темирни қизигида бос* шаклида таржима қилинади. Бу муқобил мақол инглизча идиоманинг барча семантик жиҳатларини очиб беради. Бошқа турғун муқобилликларнинг кўчма маъноси аниқ бўлишига қарамай, ҳар хил тасвирий маъноларга боғлиқ бўлганлиги туфайли кўшимча маънолари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *to get up upon the wrong side of the bed* идиомаси *чан томони билан турмоқ* шаклида таржима қилинади.

Таржима матнда грамматик бирликларни танлаш кўп жиҳатдан шу бирликларнинг семантикаси ва бошқа элементлар билан бирика олиш имкониятларига боғлиқ. Шунинг учун тилда доимий грамматик муқобилликлар қарийб йўқ дейиш мумкин. Таржима тилидаги грамматик унсурлар шаклан ҳар хил, лекин маъно жиҳатдан ўхшаш бўлиши мумкин. Бундай муқобилликлар ҳар доим ҳам бир-бири билан алмаштирилавермайди ва таржимон улар орасидан мосини бемалол танлай олади. Инглиз тилидаги *He was given a guest of honor at a reception given by the British government* гапида *given* сифатдошига ўзбек тилида қуйидаги икки муқобил сифатдош мос келади: *берилган* ва *ташқил этилган*. Лексик ва фразеологик бирликларга қараганда, вазиятга боғлиқ муқобиллар кўпроқ грамматик бирликларга хос.

Манба ва таржима тилларидаги таркибан бир хил бирликларнинг маъно жиҳатдан фарқ қилиши ҳам таржима тилида манба тили структураларининг бир қанча муқобиллари мавжуд бўлишини келтириб чиқаради. Масалан, инглиз ва ўзбек тилида аниқловчи гуруҳи бир хил: *a green tree – яшил дарахт*. Лекин инглиз тилида бу гуруҳлар ўртасида семантик алоқа кенгроқ бўлиб, бу кенглик гуруҳларни ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилишда қийинчилик туғдиради. Кўп ҳолларда инглиз тилида аниқловчи ва аниқланмиш мақсад, сабаб, ўрин ва ҳол маъноларини бериши мумкин. Буни инглиз тилидаги қуйидаги гаплар мисолида кўриб чиқамиз: *Madrid trial – Мадрид суди* (ўрин-жой); *profit driven – фойдага эришиш* учун қилинган ҳаракат (мақсад); *war suffering – уруш туфайли*

қийналиши (сабаб). Қуйидаги гуруҳлар ҳам ҳаракат ва объект муносабатини билдириши мумкин: *labor movement* – ишчилар ҳаракати; *labor raids* – ишчиларга қарши қутилмаган ҳужум; *labor spies* – ишчилар орасидаги жосуслар.

Аниқловчи гуруҳида келган сўз баъзан ўз маъносини ўзгартириши мумкин. Шунга кўра, *war rehabilitation* аниқловчи гуруҳи, аслида, *урушдан кейин иқтисоднинг қайта тикланиши* деган маънони билдиради. Унинг *post-war rehabilitatitaiion* (*урушдан кейинги тикланиши*) кўриниши ҳам ишлатилиши мумкин.

Катта ҳажмдаги аниқловчи гуруҳлари кўп маъноли бўлиб, турли контекстларда турлича таржима қилинади. Мисол учун, *war prosperity* аниқловчи гуруҳини олсак, у ҳам *уруш давомида қўлга киритилган бойлик* ҳамда *уруш орқали ҳамда урушдан кейинги даврда қўлга киритилган бойлик* деган маъноларда кела олади. Ёки *Berlin proposals* – *Берлин таклифлари* деган аниқловчи қаторини олсак, у бевосита *Берлинда* (анжуманда) *ўртага ташланган таклифлар*, *Берлин* (яъни ГФР) *томонидан ўртага ташланган таклифлар* ва *Берлин учун* (иқтисодий, сиёсий ёки бошқа соҳадаги) *таклифлар* деган маъноларни ифодалайди.

Кўпгина манба тили бирликларининг таржима тилида доимий муқобиллари мавжуд эмас. Манба тилидаги *crooner* – *Қиролчицага тегишли мол-мулкларга жавобгар киши*, *condominium* – *бирор штатнинг ишларини бошқа штатлар томонидан биргаликда бошқарилиши* ва шунга ўхшаш аниқ миллий характерга эга хос сўзларда муқобилликнинг камлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги ҳоллари учрайди. Бироқ таржима тилида умуман лексик муқобили бўлмаган «оддий» сўзлар ҳам бор: *fliud* – *шаклини сақлай олмайдиган* (нарса); *bidder* – *аукционда пул таклиф қилувчи шахс*; *qualifier* – *малакали ва тажрибали инсон*; *conservationist* – *табиат ва табиий бойликларни асраш тарафдори* ва бошқалар. Баъзи грамматик шакл ва категорияларнинг ҳам муқобиллари кам бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги герундий, артикль ёки ўзбек тилида умуман учрамайдиган сифатдош конструкциялар шулар жумласидандир.

Доимий муқобилларнинг мавжуд эмаслиги манба тилидаги эквивалентсиз бирликларнинг маъноси таржимада очиб берилмади ёки бу таржима тўғри бўлиши шарт эмас деган хулосага олиб келмайди. Юқорида кўриб чиқилганидек, тил бирликларининг доимий муқобиллари мавжуд бўлса ҳам, уларнинг таржимаси, кўпинча, контекстдаги ҳолатдан келиб чиққан муқобиллар ёрдамида таржима қилинади. Шунингдек, таржимон муқобили йўқ сўзларга дуч келганида контекстдаги ҳолатга таяниб яратилган муқобилларга қайта мурожаат қилади. Бундай муқобиллар қуйидаги усуллар ёрдамида яратилади:

1. Манба тилидаги сўз ёки сўз бирикмасининг таржима тилида ҳеч қандай ўзгаришга учрамай, тақлид қилиш орқали ишлатилиш усули. Масалан: *tribalism* – *трайбализм* (қавмларнинг бошқалар томонидан тан олинishi); *impeachment* – *импичмент* (давлат ишида ишлайдиган шахс ёки Президентни ноқонуний ишлари учун жазолаш ёки ишдан кетишга мажбурлаш); *brain-drain* – *мутахассисларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши*. Бундай ҳолатлар билан боғлиқ ясама муқобиллар, кўпинча, таржима қилинган тил фойдаланувчилари томонидан доимий муқобил сифатида қабул қилинмайди.

2. Маъноси яқин муқобилларни ишлатиш усули, яъни таржима тилида маъноси яқин бўлган сўзлар қўшимча маънони ифодалаши учун, зарур бўлса, матн шу сўз ҳақида қисқа маълумот бериб ўтиш ёрдамида кенгайтирилган бўлади. Масалан: *drugstore* – дорихона; *afternoon* – кечқурун. Инглиз тилидаги *drugstore* сўзига танланган *дорихона* муқобили тилдаги аслий маънони бермаяпти, чунки *drugstore* сўзи нафақат дори сотиладиган, балки журнал, тоза ичимлик, музқаймоқ ва бошқа нарсалар сотиладиган жой номини ҳам билдиради. Лекин баъзи бир ҳолларда худди шу муқобиллик энг яқин маънога эга бўлиши ва шу боис бемалол ишлатилиши мумкин.

3. Манба тилидаги сўзнинг маъносини алмаштирувчи ҳар хил лексик трансформацияларни ишлатиш усули. Масалан: инглиз тилидаги *He died from the exposure* гапи ўзбек тилига *У шамоллашдан вафот этди* деб ёки *У қуёш уриши натижасида вафот этди* тарзида таржима қилиниши мумкин.

4. Манба тилидаги бирликнинг маъносини етказиб бериш учун изоҳлар бериш усули. Масалан: *landslide – сайловларда катта фарқ билан кўпчилик овоз олиб золиб бўлиш*.

Муқобили бўлмаган ҳамда тақлид сўзлар орқали ўгирилган сўзнинг маъноси ҳавола (сноска) орқали ёритилганида, охириги усул биринчи усул билан боғлиқ ҳолда ишлатилади. Бу усулларни ишлатгандан сўнг таржимон бемалол янги ҳосил қилинган муқобилни амалда қўллаши мумкин.

Тилда муқобили бўлмаган идиомалар ҳам кўп. Инглиз тилидаги *You cannot eat your cake and have it – Бир вақтнинг ўзида икки ишни бажаришга ҳаракат қилиш; to send smb. to Coventry – кимнидир жазолаш мақсадида унга гапиришдан бош тортиш* идиомаларининг ўзбек тилида доимий муқобили йўқ. Бундай идиомалар сўзма-сўз таржима қилиш ёки уларнинг кўчма маъносини изоҳлаб бериш орқали ўгирилади. Масалан: *People who live in glass houses should not throw stones. – Ойнага уйларда яшовчи кишилар тош отмаслиги керак* (яъни одамлар ўзлари қилган хато учун бошқаларни танқид қилмаслиги керак); *to see eye-to-eye with smb – бир хил қарашларга эга бўлмоқ*.

Грамматик шаклларда муқобиллик қуйидаги учта йўналиш остида таснифланади:

1. Бир грамматик бирлик бошқа бирликнинг маъносига бироз яқин бўлиб, бу бирлик таржима қилинмаса, «ноль» таржима деб аталади ва бу бирлик бемалол ташлаб кетилиши мумкин. Инглиз тилидаги *By that time he had left Britain* гапи *Бу вақтда у аллақачон Британияни тарк этиб улгургани* деб таржима қилинади. Таржима матнида тугалланган ўтган замон (*The Past Perfect Tense*) алоҳида таржима қилиниши шарт эмас, чунки *by that time (бу вақтда)* ва *already (аллақачон)* сўзлари бу замонни ифодалаб турибди.

2. Тахминий таржима усулида аслият тилидаги муқобили бўлмаган бирликка таржима тилидаги муайян шакл қисман муқобил сифатида ишлатилади. Масалан: *I saw him enter the room. – Мен унинг хонага кирганини кўрдим*. Ўзбекча таржимада мураккаб тўлдирувчи йўқ.

3. Трансформацион таржима усулида грамматик трансформацияларнинг бирига қайта муружаат қилинади. Масалан:

Your presence at the meeting is not obligatory. Nor is it desirable. – Сизнинг йиғилишида қатнашишингиз мажбурий ҳам, шарт ҳам эмас.

Илгари таъкидланганидек, муқобиллар манба тили бирликлари учун тўғридан-тўғри ўрин алмаштирувчи бўла олмайди, лекин улар қоникарли таржима вариантини топишда қўл келади. Агар таржимон муайян сўз ёки бирикманинг кўпгина турғун муқобилларини билса, улар орасидан мосини танлай олса ва контекст маъноларини ҳисобга олган ҳолда иш тутса, билими етарли бўлса, у таржимада адашмайди.

Маданиятлараро мулоқотнинг хусусиятлари бадиий асарлар микёсида олиб қаралганда оддий қийматга эга муаммо эмас, балки мулоқот муаммоси ва бир маданиятдан иккинчи маданиятга ўтиш коди билан баҳоланади.

Ҳатто оддий сўзлашувда ишлатиладиган ибораларни бошқа тилдаги иборалар билан ҳеч қачон тенг ҳисоблаб бўлмайди. Бу каби муаммо Б. Уорф томонидан муаллиф ва тингловчи лингвистикаси доирасида кўп марта муҳокама қилинган.

Маданиятларнинг хилма-хиллигини ҳатто бир хил расмий гапларнинг таржимада бошқача берилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳатто оддий иборалар бир ёки ундан ортиқ маънога эга. Масалан: *Менга фақат шу бош оғриғи етмай турувди* гапидаги *бош оғриғи* иборасига *Бугун ўзи қийин кун, аксига олгандек, бошим ҳам оғрияпти* ёки *Ишим жуда кўплигига қарамай, яна шу муаммолар билан шуғулланишим қолувди. Турмуш ўртоғимнинг боши оғриб қолди. Энди ёмон кайфиятига чидашга ва қиладиган ишларимни ўзгартиришига тўғри келади. Беморга ташҳис қўйиш учун фақат бош оғриғи етмай турувди. Энди керакли ташҳисни қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади* каби таржима вариантларидан ташқари вазиятга кўра яна бошқа турлича маъноларни беришимиз мумкин. Шунинг учун берилган гаплар маъноси рўйхати тўлиқ эмас.

Агар матн муаллифини М, матнни М, хабар қабул қилувчини – рецепторни Р ва матн таркибидаги маънони ТМ ҳарфлари билан белгиласак, мулоқотнинг юзага келадиган график схемасини қуйидагича беришимиз мумкин:

Таржимон қуйидаги вазиятларга тайёр бўлиши керак: а) қай даражада гапнинг кўп маънолигини англай олгани; б) таржима жараёнида қай ҳолатни танлаб таржима қилганлиги; в) қай даражада матн таркибидаги гапларни таржима тилида бериши; г) қай даражада тингловчи матнни идрок қилишга тайёр каби.

Шундай қилиб, агар маънони вазиятга қараб танлаш ҳуқуқи хабар қабул қилувчи рецепторга топширилса, таржима жараёнида муаллиф ва рецептор ўртасида ахборот фильтри, яъни таржимон орқали янги матн юзага келади.

Агар чизмада таржимонни Т ҳарфи билан берадиган бўлсак, қуйидаги схема келиб чиқади:

Ҳақиқатан ҳам, бадиий асар муаллифи ва рецептор томонидан матн маъноси турлича қабул қилиниши мумкин. Бу маданиятларнинг хилма-хиллиги, миллий маданиятда мужассам бўлган гап шаклларининг анъанавий тузилишлари, ҳатто қофияларнинг турлича бўлиши рецептор томонидан аслият матнни қабул қилиш жараёнида таржимоннинг ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Берилган жараённи схема орқали берадиган бўлсак, яна бир тушунчани, яъни маданият М ҳарфини беришимиз мақсадга мувофиқ. Айнан маданият ахборот фильтрида таржимонни икки маданият вакили сифатида намоён қилади.

Матннинг бадиий образлилиги даражаси қанчалик юқори бўлса, бу матннинг миллий маданиятга боғлиқлик даражаси шунчалик юқори. Бир маданий муҳитдаги бадиий матннинг таржимаси турли йўллар билан амалга оширилиб, бу таржимоннинг ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ. Энг оддий мақсад бадиий асарнинг сюжетини қайта қуришдир. Бундай таржима асарнинг бадиий моҳиятига деярли таъсир қилмайди, бироқ худди шу энг паст миқёсда маданиятлараро фарқ пайдо бўлиб, асл нусхани ўқиётган китобхонларнинг асарнинг сюжетли ҳодисалар асосини тушунишига халақит беради.

Аслият асарни ўқиётган китобхон учун аслиятдаги ва таржима қилинаётган мамлакатлардаги урф-одатлар, турли ижтимоий қатламларнинг маданий бойлиги, қабул қилинган кадр-қийматлари, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари баъзида тушунарсиз бўлиши мумкин, чунки таржимон воқеаларни фақат механик қайта тиклаб чиқади.

Бадий асарни бошқа одамлар ҳаёти, унинг тарихи, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий менталитети хусусиятлари билан ўқувчиларни таништириш учун таржима қилиш мумкин.

Бу ҳолда таржимон матнни миллий-маданий мослаштиришдан деярли бутунлай воз кечиб, матндаги ҳақиқатни имкон қадар саклаб, турғун бирикма (ибора)ларни калька усулида бериб, таржимани кенг тушунтириб, илова-изоҳ билан таъминлашга тўғри келади. Бундай таржима шундай вазифани бажарса, уни минтақавий – географик тасвир деб аташ мумкин, аммо асл нусхадаги бадий тасвирни қайта яратишни деярли йўқ қилади.

Ниҳоят, бадий матн асл нусхани ўқий олмайдиган китобхоннинг тил билмаслиги сабабли уни ёзувчининг асарлари билан таништириш мақсадида таржима қилинади. Бу ҳолда бадий асарнинг қайта яратилиши учун, биринчи навбатда, матннинг бадий аспекти қайта яратилиши талаб қилинади.

Айнан шундай ҳолатда матннинг миллий-маданий мазмуни шу ўринда намоён этилмоқда. Сабаби, бадий тасвир ҳар доим бир тарзда, муаллиф ва ўқувчи учун умумий бўлган ғоялар, адабий, тарихий, маданий тушунчалар, маълум бир қадриятлар тизими (улар буни қабул қила оладими, олмайдими, лекин, барибир, бу уларнинг онгида мавжуд). Таржима жараёнида сўзлар эмас, тушунчалар таржима қилинади. Бу асос бузилиши оқибатида тасвир вайрон этилади. Фақат муҳим аҳамиятга эга тушунча ва сўзларнинг боғлиқлиги вузуал ёки окказионал тасвири маънони рамзий акс эттиради. Буларнинг ҳаммаси таржимада жиддий муаммоларни юзага келтиради, чунки таржимани ўқиётган ўқувчи бошқа бир маданият эгаси бўлиб, у бошқа муҳитдаги билимлар тизимига, бошқа бир тушунчага таянади. Умуман олганда, бадий асар таржимасини ўқиётган китобхон билан асл матнни ўқиётган ўқувчининг фикри тўғри келмайди. Агарда бадий асар муаллифи, одатда, онгли ёки онгсиз равишда ўз асарини айнан бир аудиторияга қаратса, бунда таржима алоқаларининг йўқолиши бундан мустаснодир, мадомики, бундай ўқувчилар бошқа маданиятдан бўлиши мумкин эмас. Тасвирий тизимнинг бир маданиятдан бошқасига

ўтказилиши таржимада қарама-қарши натижаларга олиб келиши мумкин. Шундай воқеалар борки, ёзувчи ва унинг ижодий усули ва услуби бир маданиятга асосланган бўлса, кейинчалик у бошқа маданият вакиллари учун бошқа тилда ёза бошлаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Агар ёзувчида икки тилда ёзиш имкони бўлса, иккинчи тилда бадиий асар ёза оладиган даражага эга бўлса-да, лекин у ёзма ва ижодий фикрлаш тизимини сақлаб, чет тилида ўқувчи нотаниш услубни муаллифнинг индивидуал усули деб ҳисоблаши мумкин. Бунга асос қилиб, айнан шу сабаб юзасидан В. Набоковнинг америкалик танқидчилар томонидан юқори баҳоланган инглиз тилидаги насрий асари ҳозирда Россия тизимида дунёни образли акс эттирган. Инглиз тилидаги ўқувчилар учун тасвирланган воқеалар одатдан ташқари ҳисобланиб, тушунчалар йиғиндиси рус тилининг ва бадиий фикрнинг акс этирилиши эмас, балки В. Набоковнинг ўзига хос услуби сифатида танилди. Бошқа томонга назар соладиган бўлсак, бундай матнлар муаллифлар томонидан қўлланилган сўзларнинг денотатив маъноси тасвири бутунлигича очиб бера олмаслиги туфайли ўқувчилар буни қабул қила олмайди, чунки шу тил эгалари учун бутунлай бошқа тушунча уйғонади. Бу тушунмовчиликлар, асосан, шеърини матнларни бошқа тилга таржима қилиш жараёнида юзага келади. Биринчидан, шеърини матнда таъсир ўтказиш функцияси хабар бериш функциясидан муҳим ҳисобланади. Иккинчидан, шеърини бир неча бор тил формасининг роли кенгайди. Ниҳоят, В. М. Россельс таъкидлаганидек, шеърини сўз «вазни» кучлироқ. Шеърини матнлар (асосан, кичик шеърлар) ҳар бир сўзида маъноларнинг юқори даражада мослашувининг пайдо бўлиши маъно ва мазмундан ташқари, ҳар бир сўз, матннинг ички ва ташқи маъноларининг бир-бири билан алоқаси, бир сўзнинг нотўғри таржимада қўлланилиши бутун бир шеърининг маъносини бузишга олиб келади.

Шунинг учун шеърини таржима мукамал бўлмайди. Бизнинг чет эл шоирлари ҳақидаги фикримиз, асосан, ўзимизнинг шахсий таржима истеъдодимиз орқали намоён бўлади. Кўпинча, китобхон муаллифнинг ижоди хусусида маълум бир тушунчага эга бўлмай туриб, нафақат унинг шахсий ижодий ус-

лубини, балки таржима соҳасидаги ижодий услубини ҳам англайди. Бу, ўз навбатида, таржимоннинг жиддий, лекин руҳан мутлақо тўғри таърифини тасдиқлайди: «таржима учун берилиши лозим бўлган барчаси таржимадир». Асл асарни ўқий олмаган ўқувчи таржима қилинган асарда худди ўзи берилганига ишонади ва шу таржима орқали муаллифни танқидга олишга мажбур. Ҳатто истеъдодли таржимон таржимаси ҳам шоирнинг тасвиридан ўзгача бўлади. Муаммонинг асл моҳияти ҳам шунда.

Юқорида айтилганидек, бадий таржимада асл муаллифдан то таржимани қабул қилувчиларгача йўл узоқ ва мураккаб. Шунинг учун таржима мазмуни ҳақиқий муаллифнинг фикри билан асл нусхани ўқиган ўқувчининг фикридан фарқ қилади, шу омиллар оригинал ва таржима қилинган асарни ўқиётган китобхонлар ўртасидаги алоқалар бузилишига олиб келади. Аксар танқидчилар бундай муваффақиятсизликни таржимон муаллифнинг фикрини очиб беришга қодир эмаслигида деб билади ёки таржимон у даражада эркин таржима қила олмаслигини таъкидлашади. Шу билан бирга, баъзан учраб турадиган ўзаро маданий алоқаларнинг асосий тури – авто таржималар, асосан, икки тилда ёзувчи-муаллифнинг ишлари бу моделни анча осонлаштиради, шу йўналишда таржимоннинг тил ваколатлари муаммоларини осонлаштириши мумкин. Бу ҳолда, асосан, нима сабабдан тўлиқ алоқалар бўлмаганини аниқлаш лозим.

Хулоса

Таржиманинг сифатини баҳолаш жараёнида кўп ҳолларда муқобиллик даражасига катта аҳамият берилади. Таржима назариясида муқобиллик даражаларини аниқлаш борасида кўп-лаб олимлар, жумладан, А. Фёдоров, Рецкер, Кетфорд, Гак, Егер ва бошқаларнинг қарашлари мавжуд.

Таржима матн аслият матннинг ўрнини боса оладиган матн бўлиши керак. Аслият ва таржима матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, таржима матннинг баъзи ўринлари мазмунан асл

матндан турли даражада йироқ бўлади. Шу сабабли тадқиқотчилар муқобиллик тушунчасининг вариантларига, уларнинг турли даражаларига таянади.

Ушбу маърузада муқобил ва адекват таржиманинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқилди, лексемаларнинг луғавий, грамматик ва фразеологик муқобилликлари даражалари таҳлил қилинди.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржиманинг асосий мақсади нима?*
2. *Таржима назариясида «муқобиллик» нима?*
3. *Таржима матннинг аслият матнга муқобил келиши қандай тамойиллар ёрдамида ўрганилади?*
4. *Муқобил таржима нима?*
5. *Таржима муқобиллигининг нечта тури мавжуд?*
6. *Таржимадаги муқобиллик муаммоси нимадан иборат?*
7. *Таржимада муқобилликнинг энг юқори даражаси қайсилар?*
8. *Муқобил таржима яратиш учун қандай усуллардан фойдаланиш керак эмас?*
9. *Адекват таржима нима?*
10. *Адекват ва муқобил таржиманинг ўзаро фарқи ва ўхшаши томонларини кўрсатинг.*
11. *Таржима муқобили ҳар бир таржима бирлиги ўзининг манба тилидаги муқобилига семантик жиҳатдан яқинми? Муқобилликнинг ҳар хил турлари қандай қилиб бир-биридан ажратилади?*
12. *Манба тили ва таржима тили ўртасидаги энг кичик семантик бир хиллик нима? Муқобилликнинг биринчи тури қандай қилиб аниқланади?*
13. *Муқобилликнинг иккинчи тури қандай хусусиятларга эга? Иккинчи тур биринчи турдан қандай фарқланади? Муқобилликнинг иккинчи турида ҳам ўша бир хилликдан фойдаланиладими? Ҳолат муқобиллиги нима?*
14. *Манбанинг қайси қисми ўз хусусиятини муқобилликнинг учинчи турида сақлайди? Бундай вазиятларда тасвирлаш ҳолатнинг ўзига хос методими?*

15. *Матн тизимида тил бирлиги мазмунининг ўрни нимада? Муқобилликнинг тўртинчи тури нима? Таржимада манба тили семантик структурасининг мазмунини қандай усул ёрдамида сақлаш мумкин?*
16. *Муқобилликнинг бешинчи тури қандай таърифланади? Сўз семантикасининг асосий таркибий қисми нима? Ҳар хил тил бирликлари маънолари бир хил бўлиши мумкинми?*
17. *Муқобиллик даражалари қандай қилиб мулоқот бирлигининг муҳим бўлагини акс эттиради?*
18. *Муқобилликнинг қайси босқичида таржима жараёни ниҳоясига етади? Бу доимо муҳим аҳамиятга эгами?*

4 - м а в з у

ТАРЖИМАНИНГ ПРАГМАТИК МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни аслиятнинг прагматик хусусиятлари ва уни таржимада қайта тиклашнинг ўзига хос хусусиятлари, матннинг прагматик салоҳияти, уни таржимада ақс эттириши, прагматик адаптация, таржиманинг аслият прагматик йўналтирилганлигига боғлиқлиги билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: таржима прагматикаси, прагматик салоҳият, таржимада тағ билимларнинг (фоновые знания) аҳамияти, прагматик маъно, трансформация, сўзнинг услубий бўёқдорлиги, прагматик алоқа, семантик алоқа, миллий бўёқдор сўзлар, таржимон малакаси, муаллиф услубини сақлаш.

Режа:

1. Таржимада прагматика тушунчаси ва таржимашуносликда прагматиканинг ўрни.
2. Таржиманинг прагматик салоҳияти.
3. Таржима жараёнида прагматик маънонинг тушириб қолдирилиши.
4. Прагматик маънонинг асосий хусусиятлари.
5. Прагматик маъно ва тағ билимлар.

Асосий маълумотлар

Прагматика (юнонча *прагма* – ҳаракат) – муайян нутқ жараёнида белгилар ва уларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ўрганувчи семиотиканинг бир бўлиmidир. Прагматикага бугунги кунда тил вакилларининг муайян сўзлар ва семантик конструкциялар ёрдамида ўз муносабатини билдириш ва суҳбатдошнинг муносабатини тушуниш даражаси, яъни мавжуд вазиятдан келиб чиқиб муносабат билдириш сифатида қаралади.

Прагматика амалиётининг ривожланишида уч босқич кузатилади:

Биринчи босқич. 1930 йилда «прагматика» атамаси биринчи марта семиология-семиотика (белгилар ҳақидаги фан)нинг бўлими сифатида қўлланилди. Карнапнинг таъкидлашича (1938), прагматика тилдан фойдаланувчининг сўз ва муносабатларига асосланган бўлади. Чарльз Моррис семиологияни 3 қисмга ажратади (1940): синтактика, семантика ва прагматика. Грейснинг фикрича, имплицатуралар ҳарфий муқобили бўлмаган аспектилар маъно ва мантиқни ифодалашнинг маъқул йўли ҳисобланади. Яъни шу йўл билан тил бирликларининг шартли структурасида нима назарда тутилаётганлиги эмас, балки нимага ишора қилинаётгани ўрганилади.

Иккинчи босқич. 1950–1960 йилларда файласуфлар (Аустин, Серл ва Паул Грис) нутқ коммуникацияси ва имплицатура назариясини яратди.

Учинчи босқич. 1977 йилда Якоб Л. Мей Голландияда биринчи «Прагматика» журнаlinesи нашр эттирди. 1983 йилда чоп этилган Левиннинг «Pragmatics», Жеофрей Личнинг «Principle of pragmatic association» номли китоблари бу соҳадаги жиддий тадқиқотлардан эди. 1988 йилда IPA (International Pragmatics Association)нинг ташкил этилиши прагматиканинг фанда долзарб йўналиш сифатида ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Жаҳон тилшунослигида прагматиканинг Британия ва Америка мактаблари шаклланди. Бу мактаблар гап структураси ва грамматикасини дейктик ифодалашга йўналтирилган эди.

Прагматик маънонинг таъсири баён мазмуни ва шакли уйғунлигида намоён бўлади. Таржима жараёнида прагматик маънонинг маълум қисми тушиб қолиши мумкин. Нойтбертнинг фикрича, прагматик маънонинг таржимага кўчиши қуйидагича содир бўлади:

- 1) таржимага кўчишнинг юқори даражаси (илмий-техникавий адабиёт ва ҳ.к.);
- 2) таржимага чекловлар билан кўчиш (бошқа тил вакиллари учун информацион-аналитик материаллар тайёрлашда);
- 3) аслият прагматикасининг деярли таржимага кўчмаслик ҳолати (матн муайян тил вакилларигагина қаратилган бўлса).

Катрин Райснинг таъбирича, прагматик маънони алоҳида етказиб бериш имкони йўқ. Таржима буюртмачининг манфаатларига мос келиши керак.

Кўринадики, прагматика – бу тил жамоасининг тил бирликларига бўлган субъектив муносабати. Уларнинг бу муносабатдаги компонентлари хусусиятлари тилнинг прагматик хусусияти тушунчасини келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоизки, тилшуносликдаги прагматика тушунчаси фақатгина тил бирикмаларининг прагматикаси тушунчасини ўз ичига олмайди. Бу тушунча анча кенг бўлиб, у ёки бу тилнинг коммуникатив жараён иштирокчилари ва воқеа сюжети хилма-хиллиги ҳамда иштирокчиларнинг малакасига ҳам боғлиқлигини ифодалайди. Айнан сўз икки ҳар хил гуруҳ вакиллари томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Мисол учун, «ҳаққа етишиш» бирикмаси илоҳият илмининг ҳадисини олган кишиларда бошқача тасаввур уйғотса, оддий кишиларда ёки ғайридинларда умуман бошқача тасаввур уйғотади. Тилнинг прагматик муаммолари референционал баҳоловчи маъноларни ўрганишга нисбатан кам тадқиқ қилинган.

Л. С. Бархударов таржимада рецепторнинг қабул қилиш даражасини ўрганишда ҳар бир сўзнинг лексик-семантик маъносини қуйидаги типларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади:

- 1) сўзнинг стилистик тавсифи.
- 2) сўз маънолари рўйхати.
- 3) сўзнинг эмоционал бўёғи.

Сўзнинг стилистик тавсифи ва прагматик маъно. Ҳамма жанрларда қўлланувчи (яъни стилистик бетараф) сўзлар билан бир қаторда, қўлланиш доираси чекланган сўз ва сўз бирикмалари мавжудки, уларни маълум жанрлар ва тиллар учунгина қўллаш мумкин. Бундай чеклашлар сўзларнинг стилистик тавсифини белгилаб беради. Шу мақсадда ҳам таржимашуносликда «стилистик тавсифнома» атамаси кўп қўлланади.

Маълумки, нутқни ифодалашнинг икки асосий кўриниши ҳисобланган оғзаки-сўзлашув ва ёзма турлари мавжуд. Ёзма нутқнинг қуйидаги асосий жанрлари мавжуд: 1) бадиий адабиёт; 2) расмий-илмий жанр; 3) публицистик жанр ва ш. к. Бу жанрларнинг ҳар бири кичик гуруҳларга бўлинади. Масалан:

бадий адабиёт – бадий проза; драматургия ва шеърятга, расмий-илмий жанр расмий матнларга, публицистиканинг ўзи сиёсий адабиёт, газета ва журнал жанрлари каби турларга бўлинади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги стилистик характердаги сўзларни учратишимиз мумкин:

1. Нейтрал – луғат таркибининг ядросини ташкил қилувчи ва ҳамма жанрларда қўлланиладиган сўзлар.

2. Оғзаки-сўзлашув – оғзаки нутқда, норасмий вазиятларда ишлатиладиган сўзлар. Улар ёзма нутқда қўлланилмайди, аммо бадий асарда персонаж нутқини ифодалаш учун истифода этилади.

3. Китобий – китобий нутқнинг ҳамма турида қўлланилувчи ва оғзаки сўзлашувда доимий ишлатилмайдиган, юзага келадиган маълум бир вазиятлардагина қўлланилувчи прагматик маъноли сўзлар.

4. Поэтик – фақат шеърятда ишлатиладиган кўтаринки руҳдаги прагматик маъноли сўзлар.

5. Терминологик – бу турга илм-фанга оид прагматик маъноли сўзлар киради.

Ҳар бир миллатнинг фикрлаш доираси, маънавий дунёси бир-биридан фарқ қилади. Буни, кўпинча, миллатнинг диний эътиқоди ва фалсафий мушоҳадаларининг турлича эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо бир-биридан узоқ қитъа ва ўзаро қардош бўлмаган тилларда умуминсоний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳам бор. Масалан, Хумбольдт университети ўқитувчиси доктор Дорис Шульс бир масалага эътиборни қаратади: немис ва ўзбек тилларидаги «меҳмондўстлик» (гаст-френдштафт) сўзи бир хил маънодаги икки: гаст (меҳмон), френдштафт (дўстлик) сўзларидан таркиб топган. Демак, тили ва дини бўлакча халқлар орасида ҳам муштарак тушунчаларни англатувчи сўзлар мавжуд. Таржимондан ана шундай синчковлик билан ўз тили ва таржима лексикасини қиёслаб ўрганиш, ҳар битта сўзнинг энг муқобил вариантини танлаш талаб қилинади.

Баъзи ҳолларда битта жумлада икки-уч хил прагматик эмоционал бўёқ учраши мумкин:

Please come in (расмий).

Come in (нейтрал).

Come in, will you (маиший, салбий бўёкли).

Get the hell in here (фамиляр, салбий эмоционал).

«Қиз» сўзининг регистри қуйидагича бўлиши мумкин:

A girl (нейтрал эмоционал) – қиз.

A maiden (ижобий эмоционал) – малак.

Баъзан нейтрал ёки эмоционал прагматик маъно ифодаловчи сўзлар қахрамон характерини ёрқинроқ ифодалаш мақсадида макроконтекстдан келиб чиқиб, салбий эмоционал сўзлар билан алмаштирилиши мумкин. Масалан, Е. Ҳеменгуэйнинг «Алвидо, қурол» асаридаги *девушки здесь увидели, что такое фронт* жумласини Иброҳим Ғафуров бу онаси ўпмаган *ойимтиллалар уруш нималигини шу ерга келиб билишган* шаклида таржима қилади. Бу ерда қизларнинг ҳолати таржимон қўллаётган киноя бўёғига эга бўлган прагматик маъноли сўз орқали очиб берилади. Қуйида яна прагматик эмоционал маъноли сўзлардан мисоллар келтирамиз:

Money (нейтрал эмоционал).

Dough, Dash (салбий эмоционал).

Food (нейтрал эмоционал).

Meal, Dish (ижобий эмоционал).

Grub (салбий эмоционал).

To live (нейтрал эмоционал).

To hand out (салбий эмоционал).

Демак, оғзаки-сўзлашув нутқидаги сўзлар маиший (фамиляр) ва эркин сўзлашув гуруҳига, китобий лексикадаги сўзлар расмий сўзлар гуруҳига, шеъриятда қўлланувчи сўзлар эса кўтаринки руҳиятдаги сўзларга мос келиши мумкин. Прагматик маънони ўгиришда қиёсий бирикмалар, метафоралар муҳим роль ўйнайди. «Тулкидек айёр», «эшакдек қайсар», «қуёндек кўрқок» каби метафоралар аслиятда учраса, уларни таржима қилишдан аввал таржима тилида ҳам шунга ўхшаш тасвирий ифода воситалари бор-йўқлигини аниқлаш, йўқ бўлса, контекст мазмунидан келиб чиқиб, уларни таржима тилидаги шу маъноларни англаувчи бош бирликлар билан алмаштириш яхши натижа беради.

Таъсирчан ва жонли нутқнинг вужудга келиши прагматик мазмундаги мақол, матал ва фразеологизмларга боғлиқ. Нотиклар ўз нутқининг прагматик таъсирчанлигини ошириш учун ана шу воситалардан кенг фойдаланади. Шу мақсадда ёзувчилар ҳам ўз асарларида мақол, матал ва фразеологизмлардан, жонли сўзлашув тилининг прагматик элементларини ўрни билан ишлатади.

Фразеологик бирикмаларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳар бир тилнинг ривожланиш тарихи, лингвوماданий ва минтақавий-географик шароити, қўлланиладиган лисоний воситаларнинг прагматик маъноси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, маҳалла ва кўчада ҳар куни ариқ билан юзлашадиган ўзбекларда *Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ* мақоли анча машҳур. Ота-боболаримиз ёнларидан оқиб ўтувчи беминнат ариқ суви орқали боғдорчилик қилиб, кўча бетларини кўкаламлаштирган. Аммо кишилар кунлик эҳтиёжга айланган сувнинг қадрига етмай, ариқларга ахлат тўкиб, ифлос қилган, бу ҳолат эса кишиларга беминнат хизмат қилувчи, аммо бу хизмати кадр топмаган одамга муқояса қилинган. Шунингдек, мазкур ибора орқали кишилар кадрламай қўйган буюм ёки воқеа-ҳодиса ҳам ифодаланади. Масалан: *Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, ўзимизнинг қишлоқ касалхонасида ҳам муолажа учун шароит етарли бўлса, шаҳарга бориш қаёқдан чиқди*. Бироқ инглиз ва рус тилларида бу фразеологик бирликнинг муқобили йўқ:

The cow knows not what her tail is worth untill she has lost it. – *Сигир думи йўқолмагунча, унинг кераклигини билмайди.* (Сўзма-сўз таржима).

Что имеет, не хранит, потерявши, плачет. – *Борини асрашмайди, йўқотгач, йиғлашади.*

«Таржима қилиниши мушкул тил бирликлари» тизимида салкам биринчи ўринда турувчи тил бирликлари прагматик маъноли муносабатларни ифодаловчи фразеологизмлар ҳисобланади. Улар таржима муаммоларини ўрганувчи амалиётчи таржимонни ҳам, назарийётчи таржимашуносни ҳам жиддий ўйлашга мажбур қилади. Таржимашунос олимлар Ш. Балли, В. В. Виноградов, Б. А. Ларин, Қ. Мусаев ва Н. М. Шанский, А. В. Федоров, Рейскер, С. Влахов ва Ф. Флорин, А. Нарзику-

ловнинг ишларида фразеологизмлар таржимаси муаммолари чуқур таҳлил қилинади. Фразеологизмларнинг берилишида асосий мақсад коммуникация жараёнида прагматик маънони таржимада тўлиқ қайта тиклашдир. Фразеологик бирликларни таржимада беришда сўзма-сўз таржима, аналогик таржима ва изоҳли таржима усулларидадан фойдаланилади.

В. Н. Комиссаров шундай ёзади: «The people develop a certain attitude to the words they use. Such relationship between the word and its users are called «pragmatic» [1990:93]. Ҳар қандай матн коммуникатив характерга эга бўлиб, унинг таркибида манбадан қабул қилувчи (рецептор)га бериладиган муайян ахборотни ўз ичига олган қандайдир хабар мавжуд бўлади. Баъзида олинган маълумот рецепторга чуқур таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бу ахборот унинг ҳиссиётларига таъсир кўрсатиши, муайян эмоционал реакция уйғотиши, маълум бир ҳаракатга йўллаши мумкин. Матннинг бундай коммуникатив эффект пайдо қила олиш имконияти, яъни рецепторда хабар етказувчига нисбатан прагматик муносабатни вужудга келтира олиши ёки, бошқача айтганда, матндаги маълумотнинг қабул қилувчига прагматик таъсир ўтказиши матннинг прагматик аспекти ёки матннинг прагматик салоҳияти деб аталади.

Рецепторнинг матнга нисбатан прагматик муносабати унинг кимлиги, шахсий хусусиятлари, тағ билимлари, тажрибаси, руҳий ҳолати ва бошқа жиҳатларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

В. Н. Комиссаровнинг таъкидлашича, ҳар қандай тил белгиси, одатда, уч хил муносабатни ўзида мужассам этади. Булар семантик, синтактик ва прагматик муносабатлар бўлиб, биринчиси – тил белгисининг предмет билан алоқасини акс эттирадиган, иккинчиси – тил белгисини мазкур тизимга алоқадор бошқа белгилар билан боғлаб турадиган ва учинчиси – тил белгиси билан мулоқот жараёнида ундан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги алоқани намоён қиладиган муносабатлардир (Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. – М.: Международные отношения, 1980. – С. 101). Шундай қилиб, тил белгиси семантик, синтактик ва прагматик маънолари билан ажралиб туради.



Таржимон таржима жараёнининг биринчи босқичида аслиятнинг рецептори сифатида намоён бўлади ва матнда мавжуд маълумотларни имкони борича тўлиқроқ олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у аслият тили соҳиблари эга бўлган таг билимларга эга бўлиши, яъни аслият тилида сўзловчи халқнинг тарихи, маданияти, адабиёти, урф-одатлари, ҳаёт тарзи кабилардан хабардор бўлиши шарт. Ҳар қандай аслият рецептори каби таржимонда ҳам берилаётган маълумотга нисбатан шахсий муносабат шаклланади. Лекин таржимон бундай шахсий муносабат таржима аниқлигига путур етказмаслигига интилиши зарур. Шу маънода таржимон прагматик жиҳатдан нейтрал бўлиши керак.

Таржима матн рецепторининг таг билимларга эга эмаслиги кўзда тутилаётган маълумотни тушунтириб бериш заруриятини туғдиради ва таржима матнга керакли кўшимча ва аниқликлар киритишни талаб этади. Бу жараён таржиманинг иккинчи босқичида амалга оширилади.

Кўшимча қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

AҚШдаги Massachusetts, Oklahoma, Virginia; Канададаги Alberta, Manitoba ёки Middlesex, Surrey каби жуғрофий номларни ўзбек тилига таржима қилишда, одатда, *штат, провинция, графлик* каби сўзлар қўшиладики, бу билан ўзбек ўқувчисига номларнинг нимани англатиши ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек, бундай кўшимчалар ташкилот, компания ва нашриётлар номлари кабиларга ҳам қўшилиши мумкин.

The ecological movement in Spain is on the increase, «Newsweek» reports. – «Ньюсвик» журналининг ёзишича, *Испанияда экологик ҳаракатлар тобора авж олмоқда.* Бу жумла

таржимасида сўз олдига *журнал* сўзи қўшилмаса, у ўзбек таржимонига тушунарли бўлмай қолиши мумкин.

Бундай изоҳлар аслият тилида мавжуд бўлган, бироқ ўзбек китобхони учун нотаниш бўлган халқ ва унинг турмуш шароитига оид воқеа-ҳодисаларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Айрим ҳолларда бу каби қўшимча изоҳ матн ичида ёки ҳавола (сноска)да ҳам берилиши мумкин:

Against my will I felt pleased that he should have considered my remarks interesting, though I knew that it was Dale Carnegie stuff, a small apparently casual compliment. (J. Braine) – Бу Дейл Карнеги реценнти бўйича қилинган арзимас мақтов бўлса-да, менинг гапларим унга қизиқ туюлаётганидан беихтиёр завқланиб кетдим.

Бундай ҳолатда ҳавола (сноска)да куйидаги изоҳни келтириш зарур бўлади: *Дейл Карнеги «Қандай қилиб дўстлашиш ва ўзгаларга таъсир қилиш мумкин» номли машҳур оммабон китоб муаллифидир.*

Баъзан аслият матнидаги прагматик имкониятнинг китобхонга номаълум элементларини тушириб қолдиришга ҳам тўғри келади:

There were pills and medicine all over the place. And everything smelled like Vicks' Nose drops. – Ҳар томонда аллақандай шиша идишчалар, дорилар турар, ҳаммасидан тумов дорининг исси анқирди.

Кўринадики, бу таржимадан *Vicks* деб аталадиган, ўзбек китобхони учун ҳеч нарсани англамайдиган дори томчисининг номи тушириб қолдирилган. Бу аслиятда мазмунга бироз путур етказса-да, ўзбекча матнда тушунилиши қийин элементнинг тушириб қолдирилиши асосий мазмунга путур етказмайди.

Бундай қўшимчалар бошқа тилда сўзловчилар яшаш тарзи ва ҳаётига доир турли хос нарсалардаги прагматик маънони тўғри тушунишни таъминлайди:

A house of Long Island. – Лонг-Айленд оролидаги уй

I could see not only the five boroughs of the city but much of New Jersey as well. – Мен нафақат шаҳарнинг беш туманини, балки Нью-Жерси штатининг каттагина қисмини кўра олардим.

Баъзи ҳолатларда кўшимча маълумот таржима матнига алоҳида ҳавола (сноска) сифатида ҳам берилиши мумкин.

Borough – Нью-Йоркда туманлар шундай номланади. Улар бешта: Манхэттен, Бронкс, Бруклин, Куинс ва Ричмонд (Стейтен Айленд).

We took a cab from Union Station to Ramada Inn. – Биз Юнион стейшен вокзалдан «Рамада Инн» меҳмонхонасигача таксида бордик.

Cab – taxi сўзининг синоними бўлиб, ундан *cabbie – такси-чи* сўзи ҳам ясалиши мумкин.

Sometimes I bought a submarine sandwich from a local deli.

Submarine sandwich – hero sandwich.

Deli – delicatessen.

Шунингдек, прагматик маънони ифодалашда таржимада конкретизация усулидан ҳам фойдаланилади. Бунда умумий маъноли сўзнинг ушбу маъноси ўқувчига тўлиқ очиб бериш мақсадида тор ва конкрет маънога эга сўз билан алмаштирилади.

The British people are still profoundly divided on issue of joining Europe. – Инглизларда Англия «Умумий Бозор»га қўшилиши керакмиди деган масала бўйича катта келишмовчилик ҳалигача мавжуд.

Юқорида келтирилган мисолларда таржима шахсий хусусиятлар эмас, балки мазкур халқнинг маданий-тарихий ҳаёти ва инглизларга хос воқеа-ҳодисалар ҳақидаги прагматик тағ билимлар билан белгиланади.

Таржиманинг прагматик муаммолари таржиманинг кимга мўлжаллангани, аслиятнинг жорий-услубий жанр хусусиятлари ва ўқувчи савиясига ҳам бевосита боғлиқ.

Бадий адабиёт таржимонлари аслиятнинг прагматик салоҳиятини беришда сезиларли қийинчиликларга дуч келишади. Таржима ўқувчи томонидан тўғри тушунилиши учун аслият ва таржима матнлар орасидаги прагматик фарқларга тегишли ўзгартишлар киритилишини талаб этади.

Таржима қилинаётган матнни ахборот қабул қилувчига тушунарли тилда қайта яратиш зарурати таржимонни аслиятдаги тушунилиши қийин бўлган элементларни прагматик маънода

етказиш учун қўшимча изоҳлар беришга мажбур қилади. Бундай элементлар аслият тили китобхонлари учун бемалол тушунарли бўлса-да, таржима тили китобхонлари учун ҳеч нарсани англамайди.

The Prime-Minister spoke a few words from a window in No.10.

Бу жумлани ўқиган ҳар қандай инглиз Лондоннинг Даунинг стрит кўчасидаги 10-уйда Бош вазир қароргоҳи жойлашганини яхши тушунади. Аммо ўзбек китобхони буни билмаслиги мумкин ва шу сабабли таржимада бу жумладаги сўзларни лексик трансформация орқали изоҳли ўгиришга, яъни айрим лексик бирликлар ўрнига бошқа сўзлар ишлатишга мажбур:

Бош вазир ўз қароргоҳи балконида қисқа нутқ сўзлади.

Кўпинча, бундай трансформациялар умумлашма характерда бўлади, яъни конкрет маъноли сўзлар таржима тилида ҳаммага тушунарли бўлган умумий маъноли сўзлар билан алмаштирилади:

... a «swept» yard that was never swept where Johnson grass and rabbit-tobacco grew in abundance. – ... «тон-тоза» ҳовли ҳеч қачон сунурилмас ва бутунлай ўт-ўланлар билан қопланиб ётарди.

«The temperature was an easy ninety», he said – Чудаб бўлмайдиган жазирама, – деди у.

Аслиятда биринчи мисолда АҚШнинг жанубий штатларида ўсадиган бегона ёввойи майсалар ҳақида гап кетяпти. Ўзбек китобхонлари учун аслиятда тилга олинган «Жонсон майсаси», «қуён тамакиси» номли ўсимликлар мутлақо маълум бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли уларнинг номлари умумлаштириш усули билан «бегона ўт-ўлан» сўзлари билан алмаштирилган. Қолаверса, бу матн орқали ўқувчига унинг қандай майсалар босиб кетганлигини эмас, ҳовли ташландиқ ҳолга келиб қолганлигини етказиш муҳимроқ. Иккинчи мисолда «ninety» сўзи ҳарорат, Фаренгейт иссиқлик даражаси билан тўқсон даражага етганлиги ҳақида гап кетяпти. Аммо Фаренгейт тизими билан иссиқлик даражасини аниқлаш ўзбек китобхонларига нотаниш ва шу сабабли, «ҳарорат тўқсон даражага етди» деб таржима қилинса, бу китобхонни ажаблантириши мумкин. Чунки бизда ҳарорат даражасини Цельсий бўйича ўлчаш қабул қилинган ва

китобхон юқоридаги жумлани айнан Цельсий бўйича ўлчовда деб тушуниши мумкин.

Умумлаштириш, кўпинча, атоқли отларни турдош отлар билан алмаштириш орқали ҳам юз беради:

Parked by a solicitor's office opposite the cafe was a green Aston-Martin tourer – Адвокат идорасининг рўнарасидаги қаҳвахона олдида зангори рангли ҳашаматли спорт автомобили турарди.

Аслиятда берилган автомобил маркаси таржималарда аслиятдаги ахборотни тўлиқ қоплай олмаса-да, «зангори рангдаги спорт автомобили» сўзи билан умумлаштирилган ва бу ўртача маданий савияли китобхонларга аслият мазмунини адекват тушуниш учун ёрдам беради. Бу ўринда инглиз китобхонига таниш бўлган таг билимларни ўзбек китобхонларига иложи борича тўлиқ етказишга уринилган.

Аслиятдаги прагматик ахборотни таржима орқали ўзбек китобхонларига етказишга уринган таржимон ўз матнини юқори ёки паст савиядаги китобхонларга ҳам мўлжаллаши мумкин. Бунда аслиятдаги прагматик ахборот қисқартирилиб, муайян гуруҳдаги китобхонларга мўлжаллаб табдил қилиниши ёки аслиятдаги таг билимлардан хабардор китобхонлар гуруҳи учун аслият қайта тикланиши мумкин. Буни қуйи синф ўқувчиларига мўлжалланган хорижий тилдаги матнларнинг табдил қилинган таржималарида ҳам кўриш мумкин.

Таржиманинг прагматик муаммолари аслиятнинг жанрига ва у мўлжалланган ўқувчилар гуруҳларига ҳам боғлиқ. Аслиятнинг прагматик салоҳиятини сақлаш бадий асарлар таржимасида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Маълумки, ҳар қандай бадий асар, биринчи навбатда, шу асар ёзилган тилда сўзлашувчи китобхонлар оммасига мўлжалланади. Шу сабабли уларда айнан шу халққа мансуб бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший турмуш тарзи, анъана, кийим-кечакка, таом ва ш. к.га оид воқеа-ҳодисалар баён қилинади. Таржимон бундай асарни таржима қилишга киришар экан, аслият ва таржима тилидаги прагматик номувофиқликларни ҳисобга олиб, тегишли ўринларда матннинг тўла

тушунилишига эришиши учун зарур ўзгартишлар киритишга мажбур бўлади.

Илмий-техникавий адабиётлар таржимасида прагматик ўзгартишлар қилиш зарурати камроқ. Чунки бундай матнлар шу соҳа бўйича махсус билимларга, бир хил миқдордаги тағ билимларга эга тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган бўлади. Бундай ахборот ҳар иккала тил мутахассислари учун умумий махсус сўз ва атамалардан иборат бўлиб, фақат фирма номлари, ўлчов бирликлари ва махсус номенклатура номларнигина изоҳлашга тўғри келади.

Шу маънода, хорижий истеъмолчилар учун мўлжалланган рекламага оид ахборотларнинг прагматик аспекти ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Бу хил матн муаллифлари, биринчи навбатда, матнни хорижий истеъмолчининг билим савияси, тили, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш юритишлари лозим. Бундай ҳолатларда таржимоннинг иши анча осонлашади, чунки ахборот мазмунини тўлиқ тушунтириш учун унчалик машаққат чекмайди. Шундай бўлса-да, айрим ҳолларда матннинг прагматик имкониятини таржимада қайта тиклаш анча мушкул кечади. Чунки таржимон ҳар қандай ҳолатда ҳам, энг аввало, хорижий ахборотни ўз халқига тушунарли тилда таржима қилишга, унга маълум миқдорда ўзгартишлар кириштиш, умумлаштириш, қисқартиришга мажбур бўлади.

Таржиманинг прагматик мувофиқлигини таъминлашда тилнинг турли лаҳжаларида сўзловчи, бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-лисоний омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, аслият матнда тил меъёрларидан чекиниш, диалектларга хос сўзлардан стилистик мақсадларда фойдаланиш ва ш. к. ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради.

Аслият тилидаги шевага хос сўзлар таржима тилига ўзича таржима қилинмайди. Уларнинг матн ичида ишлатилиши икки томонлама характерга эга. Бир томондан, бадий асар бошдан-оёқ хорижнинг муайян бир тилида ёзилган бўлиши мумкин. Бунда диалект тили таржима қилинса, тиллараро алоқа воситаси вазифасини бажаришга киришади ва таржима худди ҳар қандай умуммиллий тилдан амалга оширилган ҳисобланади. Табиийки, бундай ҳолда таржимон шева тилининг ўзига

хос хусусиятларидан хабардор бўлиши лозим. Иккинчи томондан, шевага хос унсурлар муаллиф томонидан алоҳида персонажлар тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг маълум бир худудда яшовчи халқнинг типик вакили эканлигини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Бундай ҳолатда аслият тилининг шева-ларга хос прагматик хусусиятларини таржимада қайта тиклаш ҳеч қандай натижа бермайди. Агар аслият тилидаги персонаж «кокни» деб аталадиган Лондон диалектида гапириб, сўзларга адабий тилда мавжуд бўлмаган *h* товушини қўшиб гапирса ёки бу товушни зарурат бўлмаган ҳолатларда тушириб гапирса, ёки *He 'as a good hear* дейиш ўрнига *He has a good ear* деб талаффуз қилса ва таржимон бу хусусиятни сақлаб қолиш учун тилда мавжуд бўлмаган анъанадан фойдаланиб, *У яхши эшитиши қобилиятига эга* дейиш ўрнига, *У яхши х эшитиши қобилиятига эга* деб таржима қилса, бу бутунлай бемаънилик бўларди. Шунингдек, таржимон ўзбек тилининг шевага хос сўзларидан фойдаланиши мумкин эмас. Масалан, Марк Твеннинг Миссури штатида яшайдиган қора танлини Хива ёки Асакада яшайдиган аҳоли тили билан гапиртириш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди.

Кўплаб маҳаллий шеваларнинг тиллари шу тилларда сўзлашувчи кишиларнинг ижтимоий тавсифи билан боғлиқ. Аслиятда бундай шева тиллардан фойдаланиш персонажнинг муайян ижтимоий гуруҳ вакили эканлиги белгисидир. Кўпинча муайян ижтимоий диалектнинг лисоний хусусиятлари худудий характерда бўлиб, кейинчалик умумий хусусият касб этиши ҳам мумкин. Чунки бир хил касб билан шуғулланувчи, муайян ижтимоий гуруҳни ташкил қилувчи жамоаларни ҳар бир халқда учратиш мумкин. Шу боис социал диалектлардаги сўзларни ифодаловчи қўшимча маъноларни таржимада қайта яратиш ҳам бирмунча осонлашади. Масалан, таржимон инглиз деҳқони нутқида ишлатадиган сўз ва ибораларни ўзбек деҳқони ишлатадиган сўз ва иборалар билан ўгириши ёки аслиятдаги жинойий гуруҳларга хос сўзларни ўзбек тилидаги шундай кишилар ишлатадиган жаргон сўзлар билан ифодалаши мумкин.

Бу муаммони ечишнинг яна бир усули шундаки, маҳаллий шева миллий тилдан фақат айрим лисоний кўрсаткичлари (markers) билан фарқ қилиб келади. Шевага хос бундай кўрсаткичларнинг мавжудлиги она тили имкониятларидан кенг фойдаланиш заруратини вужудга келтиради:

He do look quiet, don't 'e? D'e know 'oo 'e is, Sir? – Кўрунишидан жуда мўминга ўхшайди, тўғрими? Магарким, унинг кимлигини айтолмайсизми, сэр?

Аслият *don't you* ўрнига *don't 'e* ишлатилиши, *he* фонетик белгиси ўрнига *'e*, *who* ўрнига *'oo* ишлатилиши персонаж оддий халқ тилида гапираётганининг белгисидир ва у оддий халқ тилидаги ибора *магарким*, *айта олмайсизми* сўзлари билан ўгирилишига тўғри келган.

Аслиятдаги персонажлар нутқини таржимада қайта яратиш ҳам қатор хусусиятларга эга. Аслиятда бузиб айтилган сўз шаклларининг ишлатилишини икки хил шарҳлаш мумкин: биринчи ҳолатда бундай бузиб гапириш муаллифни шу тилни билмаслиги билан боғлиқ хато бўлса, иккинчидан, муаллиф персонаж нутқининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш учун атайлаб шу шаклдан фойдаланади. Биринчи ҳолатда бундай бузук тилда ифодаланган фикрни ўқиган аслият тилига мансуб китобхон гапираётган персонаж бошқа миллатга мансуб эканлигини дарров пайқайди ва уни ўзича «таржима» қилишга уринади. Таржимон ҳам контаминациялашган, бузиб талқин қилинган сўз ифодалаган маънони тўғрилаб таржима қилишдан бошқа иложи йўқ. Иккинчи ҳолатда эса муаллиф томонидан персонаж нутқини тавсифлаш учун ишлатилган бузук тил матннинг прагматик имкониятини ташкил қиладики, таржимон ҳам ўз она тилининг воситаларидан фойдаланиб, таржимани шундай бузук тилда амалга ошириши, сўз ёки иборани ўз она тилида бузиб гапириш йўллариини излаб топиши мумкин. Жуда кўп тилларда бузиб гапиришнинг умумий, оммалашиб кетган шакллари мавжуд. Айни пайтда, сўзларни бузиб гапириш усуллари турли тилларда турличадир. Масалан, феъл шакллариини тўғри танлай олмаслик натижасида ясаладиган контаминациялар рус тилида сўзлашмоқчи бўлган барча хорижликларга хос. Айтайлик, немис ёки француз миллатига мансуб кишилар

русча гапирсалар «Я уйду» жумласи ўрнига «Я буду уходить» жумласини ишлатади. Агар шу жумланинг ўзбекча контаминациялашган бирикмасини ишлатсак, «меники кетади» шаклини ишлатган бўламиз. Таржима тилида стандартлашган контаминацияларнинг мавжудлиги таржимонга аслиятдагидан тубдан фарқ қиладиган воситалардан фойдаланиш имкониятини беради. Масалан, хитой миллатига мансуб кишининг инглизча бузиб гапириши ва унинг таржималарда берилишига эътибор берайлик:

We blingee beer. Now you pay. – Меники пиво келтирган, сеники энди тўлайди.

Агар аслиятда хорижий тилда гапираётган шахснинг контаминациялашган нутқи таржима тилида контаминациялашган стандарт шакли мавжуд бўлмаса, таржимон коммуникатив вазиятни, гапираётган персонаж характерининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз вариантыни яратади.

Хорижий кишининг контаминациялашган нутқини таржима тилида ёппасига ёки айрим сўзлар орқали амалга ошириш мумкин. Ёппасига контаминациялаштириб таржима қилишда нутқ тўлиқ ёки унинг катта қисми олинади. Масалан, француз миллатига мансуб кишининг инглиз тилини бузиб гапириши ва унинг таржимада қандай берилганига эътибор қаратайлик:

Eel ees the story of a leetle Franch girl, who comes to a beeg ceety, just like New York, and falls een love wees a leetle boy from Brookleen. – Бу қўшиқ жуда катта шаҳарга келган ва бруклинлик болачани севган кичкина бир француз қизча ҳақида.

Ўзбек таржимони французнинг бузуқ нутқини ўзбекча «к», «ў», «х» товушлари ўрнига «к», «у», «х» ҳарфларини, «у» ҳарфи ўрнига «и» ҳарфини ишлатиш, сўз тартибини нотўғри туриш орқали амалга оширган.

Хорижликнинг бузиб айтилган гапини таржима қилишда бузиб гапириш мумкин бўлган айрим сўзлар танланади. Масалан, канадалик кишининг инглизчани бузиб гапириши ва унинг таржималарда ифодаланишига эътибор беринг:

К о н т а м и н а ц и я – ўзаро ўхшаш икки сўз ё ибора қисмларининг чатишуви натижасида янги сўз ёки иборанинг пайдо бўлиши: *When you see him 'quid then you quick see him 'perm*

whale. – *Сеники саккизоёқ кўрса, жуда тезда кашелот ҳам кўради.*

Контаминациялашган шакллардан фойдаланишда, одатда, оддий халқ тилида ишлатилган шакллардан, сўзлашув усулидан, мураккаб грамматик, синтактик шакллардан (эргашган кўшма гаплардан, сифатдошлардан) қочиш кузатилади.

Шуни эътибордан соқит қилмаслик лозимки, айрим стандарт контаминациялашган нутқ намуналари нафақат хорижий кишининг ўзга тилда гапириши, балки содда, авом одамнинг нутқи сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин. Масалан, рус тилини унча яхши билмайдиган қишлоқлик деҳқон ўз фикрини рус тилида қуйидагича баён қилиши мумкин: *Твоя моя понимаю или мало-мало.*

Таржимада контаминациялашган унсурларни танлаш ва ишлатиш аслият матндаги прагматик тавсифга мос келиши муҳим.

Кўп ҳолларда таржиманинг прагматик мақсади китобхонда кўзда тутилган коммуникатив таъсир билан белгиланади. Таржимада қайта тикланадиган коммуникатив таъсир аслият етакчи (турғун) функциясининг қайта тикланишидир.

Бадиий асарнинг китобхонга таъсир кучи матннинг бадиий қиммати, китобхонни ўзига жалб қила олиши билан белгиланади. Бундай бадиий матн таржимасининг прагматик вазифаси таржима тили матнида ҳам аслиятдагидек китобхонга бадиий-эстетик завқ уйғота оладиган матн ярата олишдир. Ўз она тилида Шекспир, Диккенс асарларини ўқиган китобхон аслият муаллифининг бадиий истеъдодини ҳис қила олиши, нима учун улар ўз ватанларида буюк адиблар сифатида тан олинганлигини тушунади. Таржимон бундай вазифани удалай олса, аслиятнинг коммуникатив эффекти тўла қайта тикланган деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, аслиятнинг инглиз китобхонларига коммуникатив таъсири ва шу асар таржимасининг ўзбек китобхонларига таъсирини қиёслаб баҳоловчи меъёрлар йўқ. Бу ўринда аслият ва унинг таржимаси инглиз ва ўзбек китобхонларида уйғотган коммуникатив таъсирни тахминан белгилаш мумкин. Масалан, таржимани ўқиган китобхоннинг реакцияси

аслиятни ўқиган китобхоннигига нисбатан камроқ ёки аксинча бўлиши мумкин.

Маълумки, илмий-техникавий матнларнинг барқарор вазифаси атроф-муҳит ҳаракатини тушунтириш ва кўрсатишдир. Бундай ҳолда китобхонга прагматик таъсир кўрсатишнинг ягона воситаси унга муайян илмий-техникавий характердаги ахборотни тўлиқ етказишдан иборат бўлади. Агар ўқувчи, яъни ахборотни қабул қилувчи шу ахборот асосида тегишли ускуналар ёрдамида маълум тажриба ўтказа олса, матннинг коммуникатив эффементи амалга оширилган ҳисобланади.

Ушбу ўринда аслият ва таржиманинг қиймати мутлақ бўлиши шарт эмас. Шундай ҳам бўладикки, таржимадаги илмий-техникавий ахборотдан мутахассислар фойдаланиши учун аслиятдагига нисбатан янада тушунарлироқ, аниқроқ шаклларда баён қилинган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда таржиманинг асосий прагматик мақсади аслиятдан кўра яхшироқ амалга оширилган бўлади.

Ўқувчида матн таржимасига нисбатан зарур коммуникатив таъсир уйғотиш масаласи нисбатан қийин. Бу ўринда таржимон нафақат матннинг коммуникатив таъсирига, балки ўқувчининг индивидуал хусусиятларига ҳам таянишга тўғри келади. Таржимон ўқувчининг характери, руҳий ҳолати, матндаги ахборот унга қандай эмоционал ва руҳий таъсир қилишини ҳисобга олиши зарур. Бундай ҳолларда матнни прагматик нуқтаи назардан табдил қилишга тўғри келади. Бундай табдил таржима, кўпинча, таржима тилида аслиятдан бутунлай фарқланувчи янги матнлар яратилишига олиб келади. Бундай ҳолат реклама матнлари таржимасида кўпроқ кузатилади. Чунки аслиятдаги реклама матнини маҳаллий шароитдаги харидорларнинг дидига мослаштиришга тўғри келади. Бу жараёнда таржимонга энг тўғри муқобиллар танлаши, аслиятдаги прагматик потенциалдан воз кечиши лозим.

Таржимоннинг вазифаси аслиятнинг коммуникатив ҳолатлардаги ўзига хосликларини қайта яратиш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ўзига хосликлар эквивалентлар орқали таржима қилишда унчалик кўзга ташланмай қолиши муҳим бўлмаган маданий-этнографик элементлардан ташкил топиши

мумкин. Аслиятнинг бундай прагматик хусусиятларини акс эттириш таржима тили меъёрларининг бузилишига, оқибатда аслиятни сўзма-сўз таржима қилишга, таржима тилидаги ўқувчига нотаниш унсурларнинг кириб қолишига сабаб бўлади. Масалан, инглиз тилидаги аналитик шаклга эга *He is running down the street* жумласи ўзбек тилига *У кўчада чоғиб бораётганда бор* деб ўгирилса ёки инглиз тилига хос *He is as cool as a cucumber* ибораси ўзбек тилига *У бодринг мисол совуққон* деб ўгирилса, аслият тилининг ҳам, ўзбек тилининг ҳам ўзига хос хусусиятини ҳисобга олмасдан қилинган сўзма-сўз таржиманинг ўзгинаси бўлиб қолади.

Инглиз тилидаги хос мазмунли бундай жумлаларнинг сўзма-сўз таржимаси инглиз тилидаги қурилмани ўзбек тилига худди ўзидай бериш имконияти йўқлигидан далолат беради.

Таржимоннинг аслиятдаги прагматик хусусиятларни соддалаштириб ўгиришга, яъни ундаги эмоционал-стилистик, ассоциатив образли аспектларни эътибордан четда қолдириб, «асосий маъно»ни беришга уринишлари ҳам яхши натижа бермайди. Бундай таржима тез фурсатда ўқувчини аслиятнинг асосий мазмуни билан таништириш мақсадида қилинсагина, ўзини оқлаши, бинобарин, у адекват таржиманинг дастлабки босқичи сифатида қаралиши мумкин.

Аслиятнинг прагматик хусусиятларини қайта яратишда таржимоннинг уларни замонавийлаштиришга уриниши ҳам аслият матннинг ўзгариб кетишига олиб келади. Бунда аслиятда тасвирланган воқеа-ҳодисалар рўй берган вақт ва жой билан таржимадаги воқеа-ҳодисаларнинг замони ва макони бир-бирдан бутунлай фарқ қилиб қолади. Таржимонга, кўпинча, бошқа тарихий даврда яратилган асарлар таржимаси билан шуғулланишга тўғри келади. Бундай матннинг тили, воқеа-ҳодисаларининг ривож ҳозирги китобхонлар учун унчалик тушунарли бўлмай қолади. Бу тил тараққиёти муайян замонда яшаган кишиларнинг, ёзувчиларнинг дунёқарашлари билан ҳам боғлиқ. Шундай экан, муайян тарихий даврда яратилган бадиий асар таржимаси ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, аслият тилининг маълум бир тарихий даврга тааллуқли экани таржимада ўз аксини топиши лозим.

Бундай ҳолатда она тилида мавжуд бўлган, кам ишлатиладиган, бироқ китобхонларга тушунарли бўлган айрим тарихий, архаик сўзлардан фойдаланиш зарурати вужудга келади. Аммо бу архаизмлар, айти пайтда, таржима тилига хос миллий хусусиятлардан холи бўлиши, яъни услубан нейтрал бўлиш талаб қилинади. Таржимада эскирган сўзлардан фойдаланишдан ташқари, аслият матннинг архаиклигини таъминлаш мақсадида таржимон тил ва маданиятнинг ҳозирги босқичига хос, аммо аслиятда тасвирланган даврга мансуб бўлмаган сўзлардан фойдаланишда ҳам эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади. Масалан, аслиятда XVIII аср воқеалари акс этган бўлса, персонажлар хизмат сафарига боришлари, ишлаб чиқаришдан ташқари бирор нарса билан шуғулланишлари, иш вақтида бошқа иш билан машғул бўлмасликлари, муаммоларни ечишлари, тор доирадаги мутахассисликка эга бўлишлари, кадрлар танлаш муаммолари билан шуғулланишлари, оширилган мажбурият олишлари, мусобақа ғолиби бўлишларига оид замонавий фикрларни киритмасликлари лозим.

Амалиётда яна шундай ҳолатлар учрайдики, таржимон ўзи яшаб турган ижтимоий-сиёсий муҳит талабларига риоя қилгани ҳолда, матнга сиёсий, маърифий, маданий, иқтисодий ёки шахсий мақсадларда муайян ўзгартишлар киритиши мумкин. Аммо аслият мазмуни бутунлай йўққа чиқарилади. Сиёсий тарғибот мақсадида аслиятдан фойдаланиб яратилган таржима янги матн сифатида гавдаланади.

Табиийки, матннинг прагматик хусусиятларини бундай мақсадларда ўзгартириш билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш таржима назариясининг асосий вазифасига кирмайди ва улардан назарий хулосалар чиқариш ҳам таржима амалиёти учун зарур эмас.

Шундай қилиб, ҳар қандай бадий асар матни, биринчи навбатда, ўз тилида гапирадиган китобхонда у ёки бу даражада эмоционал-экспрессив таъсир уйғотади ва бу коммуникатив таъсир деб аталади. Бундай коммуникатив таъсир таржимада ҳам тўлақонли қайта тикланиши лозим. Аслият ва таржимадаги коммуникатив таъсир коммуникатив мақсад орқали белгиланади. Бадий матннинг коммуникатив имко-

нияти ўқувчида уйғотган коммуникатив таъсири орқали асарнинг прагматик хусусияти аниқланади.

Прагматик маъно аслият тилида гаплашувчи халқнинг исмлари, географик, маданий-маиший объектлар, муассаса, оммавий ахборот воситалари номларида, персонажларнинг характери ва гапириш усулларида ўз аксини топади. Прагматик маъно асарнинг жанрига кўра ҳам турли-туман бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бадиий адабиётдаги прагматик маънони илмий-техникавий адабиётдаги прагматик маъно билан қиёслаб ўрганиш махсус тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Таржимон аслият тили, маданияти, тарихи, анъана ва урф-одатларини яхши билсагина, прагматик потенциалга мос келадиган таржима асари яратиши мумкин.

Кейинги йилларда тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб қилиб келаётган тил коммуникациясининг прагматик жиҳати мулоқот иштирокчиларининг қўшимча билимлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги эътироф этилмоқда. Аслият ва таржима тиллари ғайрилисоний омилларининг аксарият ҳолларда ўзаро фарқланиши таржимондан чуқур лингвистик билимдан ташқари, яна аслият тили билан боғлиқ бошқа фанлар, маданиятлар, урф-одатлар, анъаналар ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўлишни талаб қилади. Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар ўртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи, уларнинг маънолари шахслар учун тушунарли бўлиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши керак. Ахборот шу йўсинда талқин қилинганда, аслиятнинг коммуникатив ва прагматик таъсирчанлиги сақлаб қолинади. А. Ф. Ширяевнинг фикрича, лингвистик таржима назарияси қўлга киритган билимлар тил воситаларининг нутқ фаолиятидаги вазифаларини, тилларнинг тафовутли ва ўхшаш томонларини, уларнинг бадиий-тасвирий бойликларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Айрим олимлар прагматик маънони кенг шархлаган ҳолда, унинг нафақат коннотатив, балки денотатив маъноли сўзларга ҳам хос эканлигини таъкидлашади. Масалан, аслида инглизча бўлиб, ҳозирги ўзбек тили луғат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаётган «бизнесмен» сўзи собиқ Иттифоқ даврида нафақат

ишбилармон шахсга, балки нопок йўл билан мол-дунё ортирадиган корчалонга нисбатан ҳам ишлатилар эди. Бинобарин, ушбу сўзни матн таркибида учратган ҳар бир ўзбек китобхони кўз олдида собиқ тузум сиёсати таъсирида шаклланган айнан шу – иккинчи маъно жонланарди. Аммо бугунги кунда инглизча *businessman* ўзбекча *ишбилармон* тарзида ижобий маънода ишлатилмоқда. Зарурий маънонинг шу тариқа танланиши таржиманинг аслиятга коммуникатив тўла-тўкис монандлигини таъминлайди.

Демак, прагматик омиллар эквивалентликнинг таркибий қисми ҳисобланиб, уларнинг қайта яратилиши таржиманинг аслиятга коммуникатив мослигини вужудга келтиради. Натижада таржима муқобил услубий хусусият касб этиб, уни ўқиган китобхон аслият мутолаасидан оладиган таассурот даражасида таъсирланади.

Тиллараро коммуникацияни амалга ошириш жараёнида прагматик муаммолар юзага келар экан, таржимоннинг вазифаси таржима жараёнининг мақсадини тўғри англаган ҳолда, уни таржима тили талаби, меъёри асосида қайта яратишдан иборат. Муайян таржиманинг прагматик вазифасини акс эттириш таржимондан баъзан тўғри мувофиқликдан воз кечган ҳолда, китобхоннинг эстетик таъсирланиш даражасини биринчи ўринга қўйишни талаб қилади. Чунки хаддан ортиқ аниқлик прагматик ноаниқликка олиб келиши, яъни таржима ўз китобхонига аслият кўрсатган даражада таъсир кўрсатишга ожизлик қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таржиманинг аслиятга прагматик мувофиқлиги аслият ва таржима соҳибларининг бир хил аҳборотга эга бўлишлари билан ифодаланади.

Прагматик аспект асарнинг жанрига кўра ҳам турли-туман бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бу масала бадиий, публицистик матннинг ёки илмий техниканинг прагматик аспекти ва, ниҳоят, уларни таржимада қайта тиклаш масаласи махсус тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Бундай тадқиқот, биринчидан, таржима таҳлили учун бой фактик материал берса, иккинчидан, таржима назарияси ва амалиётини ўрганувчилар учун янги назарий ва амалий ху-

лосаларга келишга, ўз билимларини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради. Асарнинг аслият ва ўзбекча вариантларини қиёслаб ўрганиш таржима жараёнининг ютуқ ва камчиликлари, лексик, грамматик, синтактик, стилистик мувофиқликлар ва, аксинча, аслиятдан чекинган ҳолда рўй берадиган турли трансформацияларни чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Бадиий таржиманинг прагматик аспектиларини метафоралар орқали ўрганган ўзбек олимаси Р. А. Тўрабоевнинг фикрича, аслият матннинг прагматик аспекти қайта тиклашда таржимон уч хил муаммога дуч келиши мумкин: а) аслиятга тўлиқ мос келадиган прагматик белгиларга эга бўлган сўз ва иборалар; б) аслиятнинг прагматик потенциалига қисман мос келадиган тил бирликлари; в) аслиятда ифодаланган прагматик потенциалнинг таржима тилида мавжуд бўлмаслиги. Айнан учинчи ҳолат таржимонни турли хил лексик, грамматик, синтактик трансформациялар қилишга, матнга янги сўзлар қўшишга ёки уни қисқартиришга мажбур қилади.

Таржима жараёнидаги шошма-шошарлик, билвосита таржима матнга эргашиш, аслият тилини етарли даражада билмаслик айнан шундай хато ва камчиликларнинг юзага келишига, бу билан асар прагматик потенциалининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса

Таржима прагматикаси муаммоси алоҳида ёндашувни талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Шунинг учун таржима жараёнида матннинг прагматик хусусиятларини инобатга олиш муҳим. Шу билан бирга, матннинг мазмуний-услубий бўёқдорлигини, сюжетнинг ифода даражасини ҳисобга олган ҳолда, лексиканинг стилистик жиҳатдан ўзига хослигини, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Мунозара учун саволлар:

1. *Прагматика нима?*
2. *«Таржима прагматикаси» атамасига кимлар изоҳ берган?*

3. *Таржима прагматикаси нимани тадқиқ қилади?*
4. *Таржимашуносликда прагматиканинг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.*
5. *Инглиз тилида ёзилган асардан таржима тилига прагматик маъно тўғри ўгирилган ҳолатларга мисоллар топинг.*
6. *Таржима жараёнида прагматик маъно тушириб қолдирилишига оид мисоллар келтиринг.*
7. *Прагматик маънонинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?*
8. *Таржима жараёнида прагматик маъно ва таржимоннинг дунёқараши ҳақида сўзланг.*
9. *Прагматик маънога қандай омиллар таъсир этади?*
10. *Прагматик маъно ва тағ билимлар хусусида маълумот беринг.*

5 - м а в з у

ТАРЖИМАНИНГ ЛЕКСИК МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни таржима жараёнидаги лексик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиш усуллари билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: лексикология, лексик бирлик, лексик мувофиқлик, тўлиқ мувофиқлик, қисман мувофиқлик, умуман мос келмаслик, антоним таржима, синонимик қатор, лексик трансформация.

Режа:

1. Лексик бирликларни таржима қилиш муаммолари.
2. Таржима жараёнида лексик мувофиқлик турлари.
3. Лексик трансформация турлари.

Асосий маълумотлар

Тилнинг семантик хусусиятлари, уларнинг қўлланиши, бошқа сўзлар билан бирика олиш ва боғланиш имкониятлари, тилнинг лексик тизимида «жойлашиш» ўрни турли тилларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, доим ҳам мос келавермайди. Икки тил орасидаги семантик тафовутнинг ҳамма ҳолатларини бирдек қамраб олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, биз уни типик хусусиятларига қараб ўрганамиз.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик мувофиқлик турлари қуйидагича таснифланиши мумкин:

1. Тўлиқ лексик мувофиқлик.
2. Қисман лексик мувофиқлик.
3. Умуман мос келмаслик.
4. Тўлиқ лексик мувофиқлик.

Тўлиқ лексик мувофиқлик – инглиз ва ўзбек тилларида камдан-кам учрайдиган ҳолат. Одатда, улар қуйидаги лексик гуруҳларга тегишли бўлади:

- 1) атоқли от ва географик жой номлари;
- 2) илмий ва техник атамалар;
- 3) ой, ҳафта, кун ва сонлар.

Қисман лексик мувофиқлик. Таржима амалиётида лексик бирликларнинг қисман мослиги кўп кузатилади. Қисман мослик манба матндаги сўзнинг таржима тилида бир қанча мувофиқликлари мавжуд бўлганда рўй беради. Унинг сабаблари қуйидагилар:

1) тилдаги кўплаб сўзлар полисемантик (яъни кўп маъноли) бўлиб, бир тилдаги сўз маъноси билан бошқа тилдаги сўз маъноси бир-бирига тўлиғича мос келмайди. Масалан: *house* (уй, бошпана, парламент ва ҳ. к), *head* (бош, калла, раҳбар, бошлиқ ва ҳ. к). Шунинг учун сўзларни таржима қилиш жараёнида уларнинг маънолари контекст ичида очиқ берилади;

2) сўзларнинг синонимик қатор бўйича танланиши ва изоҳланиши. Синонимлардан фойдаланганда уларнинг семантик белгилари моҳиятини аниқлаш зарур. Шундай қилинганда синонимик қатор узвларининг маънолари, лексик ва стилистик маъноларидаги фарқлар, синонимик қаторлар айрим компонентларининг бириктирилган имкониятлари ҳисобга олинади: *dismiss, discharge* – *шидан бўшатмоқ* (китобий тилда); *sack, fire* – *ҳайдамоқ* (оғзаки нутқда);

3) ҳар бир сўз ўзининг номинатив маъносига эга. Турли тилларда номинатив бирликлар бир хил маъно англатиши мумкин. Чунки ҳар бир тилнинг номинатив бирлигида шу тилга хос «воқеликни турли қисмларга бўлиб ифодалашнинг турли тамойиллари» мавжуд.

Белгилар турлича бўлишига қарамай, таржима қилинаётганда ҳисобга олинаши керак бўлган миқдорни ташкил қиладиган эквивалентлик айнан бир хил маънога эга эмас: *hot milk with skin on it* – *қаймоқ тутган иссиқ сут*.

Умуман мос келмаслик. Хос сўзларни таржима қилишда луғавий бирликларнинг ўзаро лексик мувофиқ келмаслиги кузатилади.

Қуйидаги гуруҳга кирувчи сўзларни лексик муқобили мавжуд бўлмаган турга киритиш мумкин: 1) кундалик ҳаётда ишлатиладиган хос сўзлар (дўппи, чопон, бешик); 2) атоқли

отлар ва географик жой номлари; 3) табрик ва кутловлар; 4) газета ва журналлар номлари; 5) оғирлик ва узунлик ўлчов бирликлари ва ш. к.

Илмий адабиётларда бир миллатга хос нарса, буюм, воқеа-ҳодисаларнинг ёки, умуман, хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб юриши биргина адабий алоқаларнинг, хусусан, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа-ҳодисаларнинг ўзга халқлар дунёқарошига таъсири билан ҳам боғлиқ. Айнан шу туфайли, масалан, рус тили орқали ўзбек тилига сиёсат, дин, иқтисод ва илм-фанга оид кўплаб хорижий сўзлар сингиб кетган. Бу ўринда хорижий адабиётлар таржимаси орқали ўзбек китобхонларига, кўпинча, тушунарли бўлмаган кўплаб тушунчаларни ифодаловчи хос сўзлар кириб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хос сўзлар таржимасида, одатда, икки хил қийинчиликка дуч келинади:

1) аслият тилига хос сўзларга мос эквивалентнинг мавжуд эмаслиги;

2) аслият тилидаги хос сўзлар, мазкур халққа доир миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги.

Шу нуқтаи назардан, хос сўзлар таржимасида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1) байналминал характердаги хос сўзлар. Таржимада улар ўз шаклида бирлашиши мумкин;

2) фақат маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос воқеа-ҳодисалар. Улар шу миллат турмуш тарзига хос тушунчаларнигина ифодалайди. Агар таржимон бундай ўзига хосликни тушунмай, уни бошқа маъно ифодаловчи сўз билан ўгириб қўйса, асарнинг миллий колорити, сўз ифодалаган маънонинг ўзига хослигига путур етказган бўлади. Бундай ҳолларда хос сўзлар хорижий тилдаги шаклда берилиб, изоҳи ҳавола (сноска)да берилади.

3. Айрим хос сўзлар матн ичида ўзича қолдирилиб, контекстнинг ичида изоҳи келтирилади.

Шундай қилиб, хос сўзларнинг таржимасида куйидаги усуллар кўпроқ кузатилади:

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;
- 3) таржима орқали янги сўз – неологизм ҳосил қилиш;
- 4) сўзма-сўз (калька) таржима қилиш;
- 5) маъноси яқинлаштирилган сўз билан ўгириш;
- 6) хос сўзни изоҳлаб баён қилиш;
- 7) контекстуал муқобил билан алмаштириш.

Хулоса

Таржиманинг лексик муаммоларини ўрганишнинг муҳим жиҳати бўлажак таржимонларни пухта тайёрлаш, юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини билиш, кўникмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Таржима жараёнида вужудга келадиган лексик муаммолар, уларнинг тўлиқ, қисман ва умуман мос келмаслик даражаларини ўрганиб чиқиш, тўлиқ лексик мувофиқсизликда қўлланиладиган методларни тўғри қўллай билиш таржима сифатининг ошишига кўмаклашади. Бу борада муқобилсиз лексика, яъни хос сўзлар таржимаси масаласини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржима жараёнида пайдо бўладиган умумий муаммолар ҳақида сўзлаб беринг.*
2. *Таржима жараёнида қандай лексик муаммолар кузатилади?*
3. *Нима сабабдан аслият ва таржима тиллари орасида лексик муаммолар пайдо бўлишини изоҳланг.*
4. *Лексик трансформациянинг турлари деганда нимани тушунасан?*
5. *Қайси таржима турларида лексик муаммо кўп учрайди?*
6. *Таржимада мавжуд бўлган лексик муаммолар қандай ҳал этилади?*

6 - мавзу

ТАРЖИМАНИНГ ГРАММАТИК МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни таржима жараёнидаги грамматик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиш усуллари билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: қиёсий грамматика, таржимада грамматик муаммолар, грамматик род таржимаси, грамматик мувофиқлик, олмошлар таржимаси, предлоғлар таржимаси муаммоси, морфологик мувофиқлик, синтактик мувофиқлик, грамматик трансформация.

Режа:

1. Таржима жараёнида грамматик муаммолар ва уларни бартараф этиш усуллари.
2. Таржимада грамматик мувофиқлик турлари.
3. Грамматик трансформация турлари.

Асосий маълумотлар

Бир тилни бошқа тилдан ажратиб турувчи белгилар тизими мавжуд. Шундай тиллар жумласига инглиз ва ўзбек тиллари ҳам киради. Уларнинг грамматик тизимлари типологик ва генетик жиҳатдан фарқланади. Инглиз тили хинд-европа тиллар оиласининг герман тиллар гуруҳига, ўзбек тили эса олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига киради. Инглиз тили морфологик тузилишига кўра ўзгарувчан аналитик характерга ва ёзилиш жиҳатидан синтетик характерга эга. Ўзбек тили эса аглютинатив тил ҳисобланади.

Қуйидаги мисолларни қиёслаб ўрганиш орқали тиллар ўртасидаги фарқларни кузатиш мумкин:

The hunter killed the wolf. – Овчи бўрини ўлдирди.

I go to school. – Мен мактабга бораман.

Бу мисоллардан ўзбек тилида гап тузилиши инглиз тилидагидан фарқ қилишини кўрамиз. Инглиз тилида сўз тартиби ўзгартирилса, гап маъноси ҳам ўзгаради.

Инглиз тилида дарак гапда сўз тартиби Subject–Predicate (S–P) тартибида ифодаланади. Бунда инглиз тилида эга (S) гапнинг бошида, кесим (P) эса эгадан кейин келади. Агар кесим ўтимли феъл билан ифодаланса, кесимдан кейинги ўринда тўлдирувчи келади: S–P (Vtr)–O.

Аmmo ўзбек тилида сўз тартиби инглиз тилидаги сўз тартибидан тубдан фарқ қилиб, қуйидагича ифодаланиши мумкин: S–O–P (Vtr).

Инглиз тилидаги сўз тартибини ўзбек тилидаги сўз тартиби билан қиёслаш ўзбек тилида сўзларнинг жойлашиш тартибини ва тўлдирувчининг ўрнини ўзгартириб бериш имконияти мавжудлигини кўрамиз.

Овчи бўрини ўлдирди.

Бўрини овчи ўлдирди.

Овчи бўри ўлдирди. (Сўзлашув нутқида).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, сўз тартиби инглиз ва ўзбек тилларида умуман фарқ қилади. Булардан ташқари, ўзбек тилидаги таржимада *-ни* келишиқ қўшимчаси гапга янада аниқлик киритиб келмоқда.

Инглиз ва ўзбек тиллари жумлаларини грамматик-морфологик ва синтактик жиҳатдан мослашувига кўра уч турга бўлиш мумкин:

1. Тўлиқ мослашув.
2. Қисман мослашув.
3. Умуман мос келмаслик.

Тўлиқ морфологик мувофиқлик бир хил грамматик категорияли тилларда бир хил маъно англаганда кузатилади. Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасида ҳам сон категорияси бир-бирига жуда яқин.

Plural (Бирлик)
book (китоб)

Singular (Кўплик)
books (китоблар)

Қисман морфологик мувофиқлик грамматик категориялар бир хил маънони бериб, маъноси маълум даражада фарқланганда юзага келади.

Буни отлардаги келишик категориясида ҳам кўриш мумкин. Иккала тилда ҳам келишикнинг маъноси бир хил, лекин улар сони ва ифодалаётган маънолари нуқтаи назардан фарқланади. Инглиз тилида иккита, ўзбек тилида эса олтига келишик бор.

Умуман морфологик мос келмаслик. Бу ҳолатни грамматик категорияларнинг умуман мос келмаслигида кузатишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида эгалик категорияси эгалик қўшимчалари орқали ифодаланади.

Ўзбек тилида	English
<i>Китоб-им</i>	<i>my book</i>
<i>Китоб-инг</i>	<i>your book</i>
<i>Китоб-и</i>	<i>his/her book</i>

Ўзбек тилидаги эгалик категорияси инглиз тилидаги эгалик категориясига умуман тўғри келмайди. Ўзбек тилида эгалик категориясини ифодалаш учун эгалик қўшимчасидан фойдаланилса, инглиз тилида олмошлардан фойдаланилади.

Инглиз тилида отларнинг аниқ ёки ноаниқлигини ифодалаш учун муайян артикклдан фойдаланамиз. Аммо ушбу грамматик воситанинг ўзбек тилида мос варианты мавжуд эмас. Бу ҳолда артиклар маъноси тилнинг лексик ва синтактик воситалари ёрдамида берилади.

Энди инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик мувофиқликнинг синтактик жиҳатдан мослашувини кўриб чиқамиз:

Тўлиқ синтактик мувофиқлик деганда, структура мослиги, сўз бирикмалари ва гап бўлақларининг мослашуви тушунилади. Ўзбек ва инглиз тилларида тўлиқ синтактик мувофиқлик камдан-кам ҳолларда учрайди. Тўлиқ синтактик мувофиқликни Adjective + Noun қолипидаги сўз бирикмасида кузатишимиз мумкин: *white flag* – *оқ байроқ*.

Худди шундай ҳолатни содда гапларнинг кесими ўтимли феъл билан ифодаланганда ҳам кўришимиз мумкин: *He laughed.* – *У кулди.*

Қисман синтактик мувофиқлик. Қисман синтактик мувофиқликда сўз бирикмаларида маънолар мослиги бўлса-да,

структураси бир-биридан фарқланади. Сўз бирикмаларидаги қисман синтактик мувофиқлик қуйидагича:

1. Синтактик жиҳатдан аниқловчили сўз бирикмалари яса-лишида инглиз тили ўзгаришларга бой бўлмаган тил ҳисобла-ниб, аниқловчилар, асосан, сўзлар жойлашиши воситасида (Noun1+Noun2 структурасига биноан) ясалади ва қуйидаги турдаги муносабатларни ифодалайди:

Атрибутив:

English	Ўзбек тилида
<i>Glass-tube</i>	<i>шиша найча</i>
N1+N2	N1+N2

Бу мисолларда инглиз ва ўзбек тилларида фарқ кузатил-майди.

Эгалик кўшимчалари: *house-plan* [N1+N2] – *уй плани* [N1+N2 (-u)] – *план дома* [N1+N2 (-a)].

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, инглиз тили-да ўзгариш йўқ, аммо ўзбек (-и кўшимчаси) ва рус (-а кўшим-часи) тилларида ўзгариш кузатиляпти.

Яна бир мисол: *workers club* [N1+N2] – *ишчилар клуби* [N1 (-лар + -нинг) +N2 (-и)].

Қисман синтактик мувофиқлик биринчи компоненти сон билан ифодаланган сўз бирикмаларида ҳам кузатилади:

English	Ўзбек тилида
<i>one book</i>	<i>битта китоб</i>
<i>two books</i>	<i>иккита китоб</i>
<i>three books</i>	<i>учта китоб</i>
<i>four books</i>	<i>тўртта китоб</i>
<i>five books</i>	<i>бешта китоб</i>

Инглиз ва ўзбек тилларида кўпликнинг ифодаланиш усули иккинчи таркибий қисм (компонент)да фарқланади.

English	Ўзбек тилида
<i>Num+Npl.</i>	<i>Num+Nsing.</i>

Бундан кўринадики, ўзбек тилига нисбатан инглиз тилида-ги мисолларда иккинчи компонентда ўзгариш мавжуд.

Умуман синтактик мос келмаслик дейилганда, аслият тили билан таржима тили ўртасидаги маълум синтактик кон-струкциялар етишмаслиги ёки мос келмаслиги тушунилади.

Инглиз тилида бу синтактик конструкциялар гапнинг тўлик бўлмаган ёки иккинчи даражали бўлақларини ташкил қиладиган феълнинг шахссиз шакллари билан ифодаланади. Предикатив конструкцияларнинг семантик вазифаси ҳаракатларнинг бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиши ва муайян вазиятда мослашишини билдиради. Ушбу конструкциялар билан гапнинг бош бўлақлари ўртасида расман грамматик боғлиқлик бўлмаса-да, улар ўртасида доимо мувофиқлик мавжуд. Предикатив конструкцияларда ҳаракат ёки ҳолат содда ва қўшма гаплар таржимасида аниқланади. Масалан: *I heard the door open.* – *Эшик очилганини эшитдим.*

Грамматик трансформация турлари. Бир тилдаги маълумотни бошқа бир тилда ифодалаш учун бир қанча лексик ва грамматик трансформация турларидан фойдаланишга тўғри келади. Қуйида грамматик трансформациянинг грамматик ўрин алмаштириш, грамматик транспозиция, грамматик тушириб қолдириш, грамматик қўшиш каби турларини кўриб чиқамиз.

Грамматик ўрин алмаштириш деганда, бир гап бўлагини бошқа бир гап бўлаги билан ёки бирор сўз шаклини бошқа сўз шакли билан алмаштириш тушунилади. Грамматик ўрин алмаштиришда икки ҳолат кузатилади: а) гап бўлақларини алмаштириш; б) сўзнинг грамматик шаклларини алмаштириш.

Ўрин алмаштириш орқали таржима килишнинг бир неча сабаблари мавжуд:

– таржима килинаётган тилда аслиятдаги грамматик шакл ёки конструкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

– шакл ва конструкцияларнинг бирикишида мувофиқликнинг етишмаслиги, шунингдек, лексик сабабларга кўра турли хил мослашувлар ва сўзларнинг ишлатилиши;

– худди шу маънодаги гап бўлагининг етишмаслиги.

Қуйидаги мисол инглиз тилидаги иккита гапнинг бўлақлари ўрнини алмаштириш орқали феълнинг маънолари очиқ берилади:

He says he will come. – *У келишини айтяпти.*

He said he would come. – *У келишини айтди.*

Ўзбек тилида шунга ўхшаш сўз шакли бўлмаганлиги туфайли сўзларнинг маънолари бошқа грамматик воситалар ёрдамида ифодаланган.

Ўзбек тилида феъл функцияси сифатдош кўшимчаси *-жак* ёки ҳаракат номи *-(и)ш* кўшимчалари билан ифодаланади.

Гап бўлаклари ўрнини алмаштиришнинг шартли ва ихтиёрий турлари мавжуд. Таржимада шартли ўрин алмаштириш аслият тилидаги гап бўлакларида ишлатилган воситанинг таржима тилида мавжуд эмаслиги ёки мос келмаслигида кўринади (масалан, инглиз тилидаги артикль).

Ўзбек тилида артикль бўлмаганлиги учун уни таржима қилишда турли лексик ва грамматик воситалардан фойдаланилади. Артикль гумон, кўрсатиш олмошлари, сон ва урғу вазифаларида ҳам келиши мумкин. Шунинг учун ўзбек тилида артикларнинг маъносини берадиган турлича воситалардан фойдаланилади: *When we were in Majorca, there was a Mrs. Leech there and she was telling us most wonderful things about you.* (A. Christie) – *Биз Майоркада бўлганимизда қандайдир миссис Лич бор эди. У бизга сиз тўғринида жуда кўп қизиқарли нарсаларни айтиб берганди.* (А. Кристи)

Бу таржимада гумон олмошларидан ноаниқ артикль ўрнида фойдаланилган.

Ихтиёрий ўрин алмаштиришда контекстдаги маънога қараб ўрин алмаштирилади: *The climb had been easier than he expected.* – *Кўтарилиш у кутгандан кўра осонроқ кечди.*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилидаги аниқ артикль билан келган от ўзбек тилида инфинитив билан берилган.

Грамматик алмаштиришлар аслиятдаги грамматик бирликнинг таржима тилига ўзгача грамматик маъно билан ўгирилдиган таржима усули ҳамдир. Манба тилининг исталган сатҳидаги грамматик бирлик алмаштирилиши мумкин: сўз шакли, нутқ қисми, гап бўлаги, маълум турдаги гап. Таржимада ҳар доим МТ шаклининг ТТ шаклига алмаштирилиши юз беради.

Синтактик қайта куриш кўп ҳолларда инверсияли гап таржимасида, яъни сўзларни тескари тартибда таржима қилиш зарурияти бўлган гапларда талаб қилинади. Инверсия стилис-

тик ёки маъновий талаблардан келиб чиқади. Инглиз тилида инверсия жуда ифодали эмфатик восита ҳисобланади.

Грамматик алмашинувда аслиятдаги грамматик бирлик таржима тилида бошқа грамматик белги билан алмаштирилади. Бу сўз категориялари (род, сон), сўз туркумлари, гап бўлаклари алмашинуви орқали амалга оширилади. Масалан, инглиз тилида кўпликадаги от таржимада бирликда от билан келиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Масалан, *money* (бирликда) – *деньги* (кўпликада) – *пул* (бирликда); *struggles* (кўпликада) – *борьба* (бирликда) – *кураш* (бирликда).

We are searching for talent everywhere. (Бирликда) – *Мы повсюду ищем таланты.* (Кўпликада) – *Биз ҳамма жойдан талантларни қидиряпмиз.* (Кўпликада).

They left the room with their heads held high – *Они вышли из комнаты с высоко поднятой головой.* (Бирликда) – *Улар хонага бошларини ғоз тутганларича киришди.* (Кўпликада).

Энг кўп тарқалган грамматик трансформация тури сўз туркумлари алмашинувида кузатилади. Бунда отларнинг феъл ва сифат билан алмашинуви кўпроқ учрайди:

He is a poor swimmer. – *Он плохо плавает.* – *У ёмон сузади.*

She is no good as a letter-writer. – *Она не умеет писать письма.* – *У хат ёзолмайди.*

I am a very rapid packer. – *Я очень быстро укладываюсь.* – *Мен тезда йиғиштириб бўламан.*

Таржимада сўз туркумлари алмаштириш гап таркибининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, қуйидаги жумла таржимасида эга ўрин ҳоли билан алмаштирилган:

Аслият: *The last week saw an intensification of diplomatic activity.*

Русча таржима: *На прошлой неделе наблюдалась активизация дипломатической деятельности.*

Ўзбекча таржима: *Ўтган ҳафтада дипломатик муносабатларнинг фаоллашуви кузатилди.*

Ноаниқ артикль таржимада «one» сони ёки гумон олмоши билан алмаштирилиши мумкин.

She solved the problem at a blow. – *У муаммони бир зумда ҳал этди.*

An apple a day keeps the doctor away. – Кунда бир олма, табибни эсга олма.

He had not an enemy on earth. – Унинг бу оламда бирорта ҳам душмани йўқ эди.

She is a Mrs. Erlynne. – Бу қайсидир миссис Эрлинн.

Грамматик транспозиция деганда, манба тили билан таржима тилидаги лингвистик элементларнинг ўрин алмашиши тушунилади.

Транспозициянинг икки тури мавжуд: 1) гап бўлаклари ўрнининг алмашиши; 2) қўшма гапларда синтактик боғлиқлик. Масалан: *Active defenders of the national interests of their people, the Actives, are at the same time true internationalists.* (W. Foster) – Фаоллар ўз халқи миллий манфаатларини дадил ҳимоя қиладилар ва айни вақтда, улар ҳақиқий байналминалчилар ҳамдир. (В. Фостер)

A big scarlet Rolls Royce had just stopped in front of the local post office. (A. Christie) – Маҳаллий алоқа бўлими олдида қизил рангдаги камта Ролс-Ройс автомашинаси тўхтади. (А. Кристи).

Инглиз тилида гапнинг семантик маъноси ноаниқ артикль билан ифодаланган, ўзбек тилида эса бу иккинчи даражали маъно ҳисобланади.

Инглиз тилидаги мураккаб қўшма гапни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида бош гап ва эргаш гаплар жойи ўзгариши мумкин. Бу шуни англатадики, мураккаб қўшма гапдаги сўзлар тартиби бошқа тилларда ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан: *A remarkable air of relief overspread her countenance as soon as she saw me.* – Мени кўриши биланоқ, унинг юзида хотиржамлик аломати пайдо бўлди.

Сўзларни тушириб қолдириш грамматик трансформациянинг бир тури бўлиб, грамматик компонентларнинг қисқартирилишида кузатилади: *He raised his hand.* – У қўлини кўтарди. Бу гапда «his» (ўз) олмоши тушиб қолган.

Қўшиш грамматик трансформациянинг шундай турики, унда аслият тилидаги грамматик ва семантик компонентларни таржима тилида сўз қўшиш орқалигина қайта тиклаш мумкин: *Also, there was an awkward hesitation at times, as he essayed the*

new words he had learnt. – Баъзан у яқиндагина ўрганган сўзларини талаффуз қилишига ҳозирланиб, тўхтаб қоларди.

Феълнинг маъноси ўзбек тилида «яқиндагина» равиши билан ифодаланган. Инглиз ва ўзбек тилларида сўз тартиби орасида фарқ, кўпинча, таржимада қайта тузишни талаб қилади. Шу сабабли таржимада аксарият ҳолларда ўзбек тилининг синтактик меъёрларига мувофиқ тарзда гапни қайта тузишга тўғри келади.

Эгани кесимдан ажратиб турадиган аниқловчи гуруҳлар билан эга ифодаланган ҳолатларда ҳам таржимада гапни қайта тузиш талаб қилинади. Бу ҳолатни қиёсий даража сифатлари таржимасида ҳам кузатиш мумкин: *The stoppage which is in support of higher pay and shorter working hours began on Monday. – Забастовка в поддержку требований о повышении заработной платы и сокращении рабочего дня началась в понедельник. – Иш ҳақини кўпайтириши ва иш вақтини қисқартиришни қўллаб-қувватловчи иш ташлашлар душанба кuni бошланди.*

Хулоса

Таъкидлаш жоизки, грамматика тилнинг устунидир. Ушбу устунсиз ёки устуннинг нотўғри қурилиши ҳар қандай муқобиллиги юқори даражадаги таржимани ҳам йўққа чиқаради. Таржима жараёнидаги морфологик ва синтактик тўлиқ муқобил, қисман муқобилликлар ёки умуман мос келмаслик ҳолатларини олмош, артикль, грамматик род, феъл ва бошқа грамматик категориялар орқали ўрганиш муаммолар ечимида қайси йўлдан боришни аниқ кўрсатиб беради.

Мунозара учун саволлар:

- 1. Таржима жараёнида пайдо бўладиган грамматик муаммолар қайсилар?*
- 2. Нима сабабдан таржима жараёнида грамматик муаммолар пайдо бўлади?*
- 3. Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида грамматик род таржимаси муаммосига мисол келтиринг.*

4. *Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида олмошлар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.*
5. *Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида феъллар ва, умуман, предлоглар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.*
6. *Артиклар таржимаси ҳақида сўзланг.*
7. *Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида эргашган қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар ва изоҳловчилар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.*
8. *Грамматик сатҳдаги номуносивликнинг таржима матнга кўрсатадиган таъсири ҳақида сўзланг.*
9. *Аслият тилида бўлган, ammo таржима тилида кузатилмайдиган грамматик ҳодисалар қандай таржима қилиниши мумкин?*
10. *Аслиятда атайлаб бузиб берилган сўзларни қандай таржима қиламиз?*

7 - м а в з у

ТАРЖИМАНИНГ СТИЛИСТИК МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни таржима жараёнидаги лексик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топши усуллари билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: қиёсий стилистика, аслият матн услуби, стилистик воситалар, сўзнинг стилистик бўёқдорлиги, бадиий таржимада муаллиф услубини сақлаш, услубий муаммо, бадиий асар тили ва услуби.

Режа:

1. Таржима жараёнида стилистик муаммолар.
2. Аслият матн услуби.
3. Аслият тилида мавжуд бўлган стилистик бирликларни таржимада қайта яратилиши.
4. Сўзнинг стилистик бўёқдорлиги.
5. Бадиий адабиёт таржимасида муаллиф услубини сақлаш масаласи.

Асосий маълумотлар

Стилистика тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлиб, у бадиий нутқнинг ифодаланиш услублари, уларнинг таъсирчанлиги ва, умуман, инсон нутқини ўрганадиган фандир.

Қиёсий стилистика бевосита қиёсий типология билан боғланган бўлиб, услубларни таҳлил қилиш йўллари, атамалар ва уларнинг тузилишини ҳам ўрганади. Бунда уларнинг мавҳумлик даражаси, маъно хусусиятлари, тўғри ва кўчма маъноларнинг ифодаланиши, сўзларнинг ўзаро боғланиш қои-

даларига кўра таҳлил олиб боради. Шу йўналишда фразеологик турғун бирикма ва ўзгарувчи сўзлар таҳлили ҳам берилади.

Е. Г. Эткинд таржимани икки тилнинг қиёсий стилистикаси, дея таърифлайди. Чунки бадий таржиманинг вазифаси – асл нуханинг услубий қиёфасини ўз тилида қайта яратишдан иборат. Демак, қиёсий-услубий тадқиқот икки тил лисоний воситалари мазмунининг услубий жиҳатдан ўзаро мос келиш-келмаслиги ҳақида тўғри ҳукм чиқариш имконини яратади.

Бадий асар тили ва услуби хилма-хил бадий-тасвирий ва услубий воситалар силсиласининг ўзига хос равишда ранг-баранг шакл ва кўринишларда намоён бўлишидир. Улар асарнинг бадий қиймати ва образли асосини ташкил этади. Бу жараёнда айрим лисоний-услубий бирликлар шу восита ва услублар таркибидан шартли равишда ажратиб олиниб, илмий таҳлил қилинади. Зеро, асарнинг бадий образи асосини ташкил этадиган восита ва усуллар йиғиндиси таржимада қай даражада акс этганлиги кўп жиҳатдан унинг таркибидаги алоҳида лисоний-услубий воситалар вазибаларининг қайта яратилиш даражасига боғлиқ. Аммо таржиманинг аслият руҳини қай йўсинда ифода эта олганлиги ҳақидаги хулоса матний уйғунлик асосида чиқарилади. Бундан ташқари, аслият матнда унинг миллий хусусиятини белгилайдиган сон-саноксиз лисоний-услубий воситалар учрайдики, бундай ўзига хос буёкли бирликларга ўзга тарихий-маданий жараён соҳиблари бўлмиш халқлар тилидан гоҳо муқобил воситаларни танлаш имкони бўлмайди. Мазкур бўшлиқ таржимоннинг аслият соҳибларига хос миллий хусусиятларга мурожаат қилиши орқали тўлдирилади. Бусиз ҳеч бир таржима ўз мақсадига эриша олмайди.

Таржимадаги услубий муаммолар икки тил матнларининг жанрларга кўра мувофиқ келишини тақозо этмайди. Шунинг учун таржимада аслият воситаларига вазилавий уйғун тил бирликлари танлаш муаммосини ўрганиш масаласи муҳим назарий аҳамият касб этади. Демак, қиёсий стилистика аслият ва таржима тиллари лисоний-услубий воситаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали таржима амалиётини умумлаштириш вазифасини қўйиб, таржима матннинг аслиятга мослик даражасини белгилаш учун хизмат қилади.

Метафора – икки нарсанинг айрим тасодифий белгиларига, бу белгиларнинг ўхшашлигига асосланган ифода усулидир. У луғавий-мантикий ва кўчма-матний маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланади. Масалан, «тил» ўз ва кўчма маънода қўлланган бирикмаларни кўриб чиқамиз: *иссиқдан итнинг тили осилган* (ўз маъносида); *соатнинг тили, қўнғироқнинг тили* (кўчма маъноларда).

Метафора инглиз тилидаги газета услубида жуда кўп қўлланади. Таржимада эса уларни ҳамма вақт ҳам метафора шаклида бериш қийин кечади.

Аслиятда мантиқан эркин маънодаги сўзлар ёрдамида баён этилган фикр таржима тилида ҳар хил луғавий маънога эга лисоний воситалар – аслиятдаги воситага моддий жиҳатдан яқин ҳамда ундан лексик таркиби билан фарқ қиладиган тил бирликлари ёрдамида ифода этилади. Контекстуал синонимик қаторни ташкил этадиган бундай вариантларнинг моддий жиҳатдан аслиятдаги бирликка яқини кўпроқ ўзга тиллар таъсирида ҳосил қилинган бўлади. Унинг нутқда, хусусан, таржимада учраши, сўзларнинг ўзаро бирикуви, фикрнинг меъёр доирасида ифода этилиши нуқтаи назардан ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Ундан лексик таркиб жиҳатидан фарқ қиладиган бирикма эса, асосан, азалдан таржима тилининг «мулки» ҳисобланади. Таржимада айнан шу вариантга мурожаат қилиш таржима тилининг табиийлигини юзага келтиради. Чунки бу йўл нафақат фикрнинг тўғри талқин этилишини, балки ифоданинг соф ўзбекона жарангдорлигини ҳам таъминлайди. Масалан, рус кишиси фарзанд кўрмаган одамга нисбатан *он был бездетен* бирикмасини ишлатса, ўзбек жўнгина қилиб, *у бефарзанд эди* дейиши мумкин. Ифода ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Аммо она тили нозикликларини биладиган ўзбек бундай ноқулай вазиятда *у тирноққа зор эди* иборасидан фойдаланишни афзал кўради.

Питер Абрахамснинг «Қабрдаги гулчамбар» романи персонажининг шикоятомуз оҳангда айтган *I didn't sleep last night* га пини ўзбек тилига моддий жиҳатдан аниқ *Кеча мутлақо ухламаган эдим* тарзида ўгириш ҳам табиий жаранглаган бўлар эди. Аммо санъаткорнинг ўз масъулиятига ижодий ёндашиб,

мазкур фикрнинг соф ўзбекча баёни ҳақида ўйлаши жумланинг оғзаки нутққа хос *Кеча мижжа қоқмаган эдим* шаклидаги ажойиб талқинини юзага келтирган: *It gave me chance to sleep, I didn't sleep last night.* (WU, 131) – *Ҳечқиси йўқ, қайтанга ухлаб олдим, кеча мижжа қоқмаган эдим.* (ҚГ, 136).

Шундай қилиб, барча унсурлари ўз маъносида қўлланилган сўз бирикмалари ва ҳатто жумлаларни таржима қилишда ҳам моддий аниқлик йўлидан бориш ҳамма вақт ҳам кутилган таъсирчанликка олиб келавермайди. Прагматик мутаносибликка эришишда аслият матн бирликлари таржимасига ижодий ёндашиш, таржима тилида мавжуд синонимик вариантларнинг қайси бири ушбу ҳолатга кўпроқ мос келишини аниқлаш зарурати туғилади. Зеро, муайян фикр аслият тилида бир ифода ёрдамида баён этилса, таржима тилида моддий жиҳатдан ўзгача ифода воситаси орқали мақбулроқ акс эттирилади. Ўз она тилида жуда кўп сўз бойлигига эга моҳир таржимон, одатда, луғавий муқобилликдан кўра вазифавий уйғунликка кўпроқ эътибор бериб, бадиий матннинг эстетик хусусиятини қайта яратади. Шундай ҳол, айниқса, диалогик нутқ таржимаси мисолида янада яққолроқ кўзга ташланади. Бу, хусусан, маданият даражаси ва билим савияси билан бир-биридан ажралиб турадиган персонажлар нутқи таржимасида кўпроқ намоён бўлади. Шундай қилиб, таржимон нафақат муайян услубий вазифа ифодаси учун қўлланган образли ёки ҳиссий-таъсирчан лисоний воситани, балки амалий жиҳатдан қийинчилик туғдирмайди деб тасаввур қилинадиган эркин маънодаги у ёки бу сўз ёхуд сўз бирикмасини ўгиришда ҳам ҳар доим ўша восита мазмунини таржима тилида қандай сўз ёки сўз бирикмаси аниқроқ ва тўлароқ ифода этиши мумкинлиги, мавжуд вариантлардан қайси бирининг аслият руҳига кўпроқ мос келиши ҳақида ўйлаши ва доим ўз олдига назарда тутилган фикрни қай тарзда янада равонроқ баён этиш мумкин деган саволни қўйиши зарур.

Меҳмонни таомга таклиф этаётган рус кишиси: «Прошу, к столу!» – дейди. Аммо ўз она тилидаги сўз бойлиги кўп ва ўзи мансуб халқ анъанасидан яхши хабардор ўзбек таомнинг стол устига тортилган бўлишига қарамасдан, меҳмонга: «Марҳамат, дастурхонга!» – дея лутф қилади.

Ўзбек тилида «ҳали буниси ҳолва» деган фразеологик бирлик мавжуд бўлиб, у, асосан, бирор азоб-укубатнинг келажакда муқаррар тарзда содир бўладиган ташвиш ва укубатлар олдида арзимас эканлигини образли ифода этади. Шу фикр инглиз ва рус тилларида эркин маънодаги сўзлар ёрдамида баён этилган экан, ўзбек тилида ҳам уни шу тариқа ифода этиш имконияти мавжуд. Аммо муқобил нутқий вазиятларда ўзбек тилида, одатда, қуйидаги мисол таржимасидагидек, эслатилган фразеологизмдан фойдаланиш табиий ўзбекона жарангдорликни юзага келтиради: *Does that sting? Good, that's nothing to how it will feel later. The pain hasn't started yet.* – *Нима, куйдирянтими? Буниси ҳолва. Ҳамма ҳунарини кейин кўрсатади.*

Хулоса

Услуб – тилнинг беағидир. Аслият тилининг ўзига хослигини, ундаги гўзал ва бетакрор жараёнларни таржимада акс эттириш – ҳар бир таржимон олдида турган вазифа. Бадиий матн таржимони бу ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ. Стилистик бўёқдорликни акс эттириш таржимондан ўзига хос маҳоратни талаб этади. Бунда, албатта, прагматиканинг ҳам роли катта. Таржиманинг стилистик муаммолари таржимондан бадиий адабиётнинг қайта яратилишида муаллиф услубини сақлаш, ўзга маданиятга оид асар таржимасида услуб, шакл ва маънони бериш, асар қахрамонининг шахсини очиқ беришда стилистик бўёқдор сўзлар таржимаси каби масалаларни бартараф этишни кўзда тутаяди.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржима жараёнида қандай стилистик муаммолар пайдо бўлади?*
2. *Аслият матн услуби таржима жараёнида қандай ўзгаришларга учраши мумкин?*
3. *Аслият тилида мавжуд бўлган стилистик бирликларни таржимада берилишининг муаммолари ҳақида сўзланг.*
4. *Сўзнинг стилистик бўёқдорлиги нима?*

5. *Асар қаҳрамонининг шахсини очиб берадиган услубий бўёқдор сўзлар таржимаси ҳақида сўзланг.*
6. *Таржимада бирликларнинг грамматик сатҳда алмашиб келиши нимага олиб келади?*
7. *Бадий адабиёт таржимасида муаллиф услубини сақлаш муҳимлиги ҳақида сўзланг.*
8. *Бошқа маданиятга оид асар таржимасида қандай услубий муаммолар келиб чиқади?*
9. *Таржимада сақланиши лозим бўлган услуб, шакл ва маъно қандай таржима қилиниши зарур.*
10. *Аслият матн муаллифи услуби билан таржимон услуби яқин бўлиши керакми? Нима учун?*

8 - мавзу

ТАРЖИМАНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни таржима жараёнидаги фразеологик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиши усуллари билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологизм, фразеологик бирлик, идиома, мазмунан мувофиқлик, шаклан мувофиқлик, сўзма-сўз таржима, мақол, матал, тасвирий таржима, аналог таржима, адекват таржима.

Режа:

1. Фразеология ва фразеологик бирлик тушунчаси.
2. Фразеологик бирликларни таржима қилиш усуллари.
3. Фразеологик бирликлар таржимасида маъно мослиги.
4. Мақоллар таржимасидаги ўзига хослик.
5. Идиомалар таржимасидаги ўзига хослик.
6. Фразеологик бирликлар таржимасида умумий контекстнинг ўрни.

Асосий маълумотлар

«Фразеология» атамаси ибора, нутқ обороти, билим, тушунча маъноларини ифодалайди. Фразеология тилшуносликнинг алоҳида бир қисми бўлиб шаклланишига ҳали кўп вақт бўлмаган эса-да, унинг келиб чиқиш тарихи тил тараққиётининг илк босқичларига бориб тақалади. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, фразеологик бирликлар тил билан бирга пайдо бўлиб, тил билан биргаликда ривожланиб келган. Аммо жамиятнинг турли даврларида уларнинг ўрни ва аҳамияти турлича баҳоланади. Фразеологизмлар тузилиши, лек-

сик-семантик, функционал-услубий ва синтактик вазифалари, шунингдек, ўзига хос шаклланиш хусусиятларига эга бўлган тил бирлигидир.

Тилшуносликда «фразеология» атамаси француз тилшуноси Шарль Балли тамонидан ишлатилиб, стилистика фани билан қўшиб ўрганилган. Лекин таниқли тилшунос олим проф. Е. Ф. Поливанов фразеологияни фан сифатида тан олиш фикрини билдирган. Шу фикрни қўллаб-қувватлаган олимлардан яна бири академик В. В. Виноградовдир. У ўзининг қатор илмий тадқиқотларида рус тилидаги фразеологик бирикмаларни ўрганди ва уларни семантик жиҳатдан гуруҳларга бўлиб чиқди.

Е. Д. Поливанов ва В. В. Виноградов тамонидан ўртага ташланган фразеология ҳақидаги фикрлар кейинчалик бу соҳада кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига туртки бўлди. Лекин ҳозирга қадар фразеологияни фан сифатида қараш ёки қарамаслик ҳақидаги фикрлар ўз ечимини тўлалигича топган эмас. Жумладан, фразеологиянинг ҳажмини тор маънода тушунувчилар ибораларнинг фақат ўзини ўрганиш лозим деб, мақол, афоризм ва ҳикматли сўзларни фразеологизмлар таркибига киритмайди. Баъзи олимлар фразеологик бирикмаларни сўзларнинг эквиваленти ҳисоблаб, уни лексикология таркибига киритади. Профессор Ш. Раҳматуллаев ҳам шу фикрга қўшилиб: «Луғат бойлиги сўзлардан ва шу сўзлар асосида тузилган иборалардан ташкил топади. Сўз луғат бойлиги сифатида лексик бирлик деб, иборалар эса фразеологик бирлик деб аталади. Булар умумлаштирилиб, луғавий бирлик деб юритилади. Ибора луғавий маъно англатиш учун хизмат қилади. Шунга кўра у луғавий бирлик ҳисобланади ва шу жиҳатдан сўз билан бир қаторда қўйилади», – дейди.

Бу фикрга қўшилувчи олимлар талайгина. М. Содиқова эса фразеологияни кенг маънода тушуниб, ўзи тамонидан тузилган «Русча-ўзбекча фразеологик луғат»га мақол ва маталларни ҳам киритади. Образли иборалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва идиоматик бирикмаларни фразеологик бирикма таркибига киритган Я. Д. Пинхасов ҳам фразеологияни кенг маънода тушунувчилар қаторига қўшилади. Шунингдек, Қ. Мусаев ҳам мана шу иккинчи фикрни қўллаб-қувватлайди. Биз ҳам шу

фикрга қўшилган ҳолда фразеологизмни кенг маънода тушунамиз ва таржимада эркин сўз бирикмаларини ҳам фразеологизмлар деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тилшунослигида инглиз фразеологик бирликларининг шаклланиш масалалари атрофлича ўрганилмаган. Ҳар иккала тил фразеологизмларининг шаклланиш хусусиятларини ўрганишдан олдин, фразеологик шаклланиш атамасининг мақомини аниқлаш лозим. Фразеологик шаклланиш тил воситалари ёрдамида фразеологизмлар ҳосил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини ўрганади. Фразеологик шаклланиш ўз мақсад ва вазифаларига кўра сўз ясалишига яқин туради. Сўз ясалишида янги сўзлар пайдо бўлиши, фразеологик шаклланишда эса янги фразеологизмлар ҳосил қилиш жараёни ўрганилади.

Фразеологик бирликларни таржима қилиш жараёни осон кечмайди, чунки бу жараён бир нечта омилларни ўз ичига олади. Булар сўзларнинг турли хил боғланиши, омоним, синоним ва фразеологик бирликларнинг турли маънони ифодалаш, полисемия ва бошқалардир. Булардан ташқари, фразеологик бирликларда муайян халққа мансуб услубий бўёқдорлик мавжудки, бу баъзи тилларда учрамаслиги ҳам мумкин. Фразеологиянинг асосини тушунишда юқорида қайд этилганларни эсда сақлаш лозим.

Фразеологик бирликларнинг қуйидаги турлари мавжуд: фразема ва идиомалар. Фраземалар контекст тобе ва аниқ индикатордан ташкил топган бирликлар ҳисобланади. Идиомалар эса контекстдаги умумий маънони белгилаб берувчи, тобе ва аниқловчи унсурларнинг тўлалиги ва тенглигини белгиловчи лексик бирликлардир.

Фразеологик бирликларнинг ҳар бир тури ва шакли аниқ микротузилма деб қаралиши мумкин. Уларни таржима қилиш вақтида вазифадош, тенг лингвистик бирликлар икки тил ўртасида таққослаб танланади. Таққослаш тамойили ўртадаги ўхшашлик ва фарқни кўрсатиб беради. Бу тизимнинг баъзи қисмлари шаклан тенг (қисман ёки бутунлай), баъзиларининг эса муқобил варианты умуман топилмаслиги мумкин.

Таржимада фразеологик мувофиқликларнинг асосий турлари куйидагилар:

- 1) тўлиқ мос келиш;
- 2) қисман мос келиш;
- 3) умуман мос келмаслик.

Тўлиқ мувофиқлик, яъни икки тил фразеологик бирликларининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан тўлиқ мос келиши камдан-кам учрайди. Масалан:

To bring oil to fire. – Оловга ёғ сепмоқ. – *Подлить масло в огонь.*

To lose one's head. – Гангиб қолмоқ. – *Потерять голову.*

First think then speak. – Аввал ўйла, кейин сўйла.

Қисман мувофиқликдаги фразеологик бирликлар ўз ичига лексик, грамматик фарқланишга, аммо маъно ва услубиятнинг ўхшашлигига асосланади, яъни улар шаклан бир хил, аммо лексик тузилиши, морфологик тартиби ва услубий ясалиши жиҳатидан умуман бошқача бўлиши мумкин.

Лексик жиҳатдан қисман мувофиқликка мисоллар:

To get out of bed on the wrong foot. – Чап ёни билан турмоқ. – *Встать с левой ноги.*

To dance to smb'd's pipe. – Бировнинг ногорасига ўйнамоқ. – *Плясать под чью-либо дудку.*

Грамматик жиҳатдан қисман мосликка мисоллар:

To fish in troubled waters. – Лойқа сувда балиқ тутмоқ. – *Ловить рыбу в мутной воде.*

To keep one's head. – Ўзини йўқотмаслик. – *Не потерять головы.*

Синтактик жиҳатдан фарқланишга мисоллар:

Armed to teeth. – Тиш-тирнозигача қуролланган. – *Вооруженный до зубов.*

All is not gold that glitters. – Ялтираган нарсалар ҳаммаси ҳам олтин бўлавермайди. – *Не все золото, что блестит.*

Умуман мос келмаслик деганда бир тилдаги фразеологик бирликларнинг бошқа тилларда муқобиллари мавжуд эмаслиги тушунилади. Масалан, инглиз тилидаги кўпгина фразеологик бирликларнинг ўзбек ва рус тилларида муқобиллари мавжуд эмас. Мувофиқ бўлмаган фразеологик бирликларни куйидаги усуллар орқали таржима қилиш мумкин:

а) сўзма-сўз таржима: *to call things by their true names* – ҳар нарсани ўз номи билан атамоқ – называть вещи своими именами; *cold war* – совуқ уруш – холодная война;

б) монанд (аналог) таржима: *the apple of my eyes* – кўзимнинг нури;

в) масвирий таржима: *to enter the House* – парламент аъзоси бўлмоқ – стать членом парламента; *to cross the floor of the House* – бир партиядан бошқа партияга ўтмоқ – перейти из одной партии в другую.

«Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил ҳам йўқ», – деган эди татар ёзувчиси Нокай Эсанбат. «Агар менадан: «Тилда ҳам мўъжизалар бўладими?» – деб сўрасалар, мен: «Агар бўлса, тилнинг «мўъжизаси» – ундаги мақол, матал ва идиомалардир», – деб жавоб қилган бўлар эдим», – дейди таниқли таржимашунос олим Ғайбуллоҳ ас-Салом. Чиндан ҳам, гапнинг қаймоғи, шираси, олам-олам маъно берадигани ва, шу билан бирга, лўндаси – мақол ва маталлардир.

Мақол ихчам шаклга, чуқур мазмунга эга бўлган халқ озаки ижоди жанрларидан бири бўлиб, у халқнинг кўп асрлик ҳаётий кузатишлари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тажрибалари асосида вужудга келган.

Мақол халқнинг панд-насиҳати, маънавий-ахлоқий хулосаси, халқ миллий руҳининг акс-садоси, тил табиатининг ҳикматли мезонидир. Мақол тўқилмайди, балки маълум шароит тақозоси билан яратилади.

Мақол чуқур ижтимоий, ахлоқий, фалсафий мазмунга эга. Шу боис баъзи мақоллар бутун бир романи ёки драма мазмунини ўзида ифодалаш мумкин. Масалан, Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясига эпиграф қилиб олинган «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама» мақоли асарнинг бошидан охиригача жаранглаб туради. Шаҳар ҳокими Хлестаков, Добчинский, Бобчинский ҳамда бошқа образ ва персонажларнинг бутун хатти-ҳаракатлари шу мақолни эслатиб туради.

Халқ мақоли ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган ўзига хос ахлоқий қоидалар кодексидир. Мақолларда ҳаётий тажрибалар натижасидан келиб чиққан қимматли фикрларнинг хулосаси ифодаланади.

Мақоллар, кўпинча, поэтик шаклга эга бўлади. Улар ўзининг ихчам, пишиқ ва пухта ишланганлиги билан ҳам халқ оғзаки ижодининг бошқа турларидан фарқ қилади.

Мақоллар ўзининг ижтимоий, ғоявий вазифаларига кўра, асосан, кенг халқ оммасининг, айрим ҳолларда эса баъзи ижтимоий табақа ёки гуруҳларнинг дунёқарашларини ифодалайди. Шу боис мақолларнинг тематик кўлами жуда кенг бўлиб, бу кўламни жузвий ҳаётий воқелик доираси билан чегаралаб бўлмайди. Ижтимоий борлиқнинг ҳеч бир соҳаси йўқки, мақолларда акс этмаган бўлса.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар асосида юзага келганлиги сабабли, ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир мақол кишиларнинг узоқ йиллар давомидаги ҳаётий тажрибалари ҳамда турмуш шароитларида кўп маротаба синовдан ўтади. Бинобарин, мақоллар ҳам шаклан, ҳам мазмунан жуда кам ўзгаришларга учраб, узоқ яшаш хусусиятига эга.

Мақоллар қатор хусусиятлари билан халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан кескин ажралиб туради. Чунки халқ дostonлари, эртаклари, афсона ва ривоятлари, нақл ва латифалари воқеликни эпик планда, ранг-баранг образларнинг хатти-ҳаракатлари орқали акс эттирса, мақоллар воқеликни халқнинг бевосита ана шу воқелик ҳақидаги хулосалари, ҳукмлари орқали акс эттиради. Демак, мақолда воқеаларнинг кечиши эмас, балки улар ҳақидаги хулоса ва ҳукм ифодаланади.

Мақоллар фикрни аниқ, лўнда ва образли тарзда баён этишда нутқимиз учун зарурий восита ҳисобланади. Улар ҳар қандай шоир, ёзувчи ёки нотик учун улкан хазина бўлиб, улардан усталик билан фойдаланиш ёзувчининг асарини, нотикнинг нутқини пурмаъно ва жозибали қилади, айтмоқчи бўлган фикрини образли ифодалашга ёрдам беради, унинг бадийий жиҳатдан ғоят таъсирчан бўлишига олиб келади. Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўришимиз мумкин.

Тарихий манбаларда ҳам, халқ орасида ҳам афористик ижод турлари ранг-баранг атамалар билан номлаб келинади. Мақол, матал, нақл, масал ва ҳикматли сўзлар шулар жумласидандир. Бу атамалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ишлатилиб,

бири ўрнига бошқаси келмайди. Аммо уларни қўллашда маълум чегаралар белгилаш, аниқликлар киритиш лозимга ўхшайди. Шу жиҳатдан қараганда, *мақол* (*proverb*), *матал* (*saying*), *идиома* (*idiom*), *афоризм*, *нақл* (*parable*) каби атамаларни адабий жанр номлари сифатида афористик ва дидактик ижоднинг муайян намуналарига нисбатан қўллаш оммалашмоқда.

Мақол ва маталнинг атама сифатида қўлланилиш хусусиятлари ҳақида ҳам шунга ўхшаш мулоҳазалар билдириш мумкин. «Мақол» атамаси арабча «қавмун» (айтмоқ, гапирмоқ) сўздан олинган бўлиб, халқ донолигининг намунаси бўлмиш афористик жанрлардан бирининг атамасига айланган ва маъқул айтилган сўз, гап ёки ибора маъноларини англатади.

Матал, халқ таърифи бўйича, ғунча, мақол эса мевадир. Мақол тўлиқ мазмун англатувчи гап бўлса, матал кўчма маъно ифодаловчи ибора, мақолнинг ярмидир. Таъкидлаш жоизки, мақол ва маталлар ўзаро фарқланувчи жиҳатларга асосланган икки мустақил, лекин бир-бирига ўтиб турувчи жанрлар ҳисобланади. Мақол мустақил фольклор жанри сифатида кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан бошқа афористик жанрлардан, хусусан, маталлардан кескин фарқланиб туради. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат:

1) мақол ҳамма вақт аниқ, тугал фикр англатади. Бунда фикр қатъий, лўнда хулоса сифатида ифодаланади. Фикрий лўндалик нутқни ихчам ифодалашга имкон берувчи икки мантиқий марказдан ташкил топган яхлит композиция асосида юзага келади. Шу боис мақол ва маталда ортиқча сўз, ортиқча тасвирийлик учрамайди;

2) мақол учун маълум бир фикрни мантиқан изчил ва қатъий ифодалаш характерли. Қайси мақолни олманг, у воқеликни мудом ё кескин ижобий, ё кескин салбий нуқтаи назардан баҳолайди;

3) мақол асосида ибратомуз тугал фикр ётса, матал асосида чиройли, образли, аммо тугал бўлмаган ифода ётади. Бинобарин, матал ихчам, бир компонентли композицияга эга;

4) матал нутқда кўрсатиш воситаси бўлса, мақол далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади. Уларнинг бундай фарқли хусусиятлари ҳақида бошқа фольклоршунослар ҳам тўхталиб ўтишган.

Мақолнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – унинг халқ орасида оғзаки яшаши ва вариантлашган ҳолда кенг тарқалишидир. Бундан ташқари, халқ мақолларининг конкрет яратувчисини ҳам, уларнинг қайси даврда яратилганлигини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Мақол ва маталлар инглиз фольклори репертуаридан ҳам кенг ўрин олган. Уларда ватанпарварлик, мардлик, адолат, илмни севиш, хотин-қизларга ҳурмат, яхшилик, аҳиллик, одоб-ахлоқ, тарбия, ҳурмат-иззат, таълим, ҳунар, меҳнатсеварлик ва шунга ўхшаш бир қанча хусусиятлар ўрин олган.

Инглизларда *One good turn deserves another*, русларда *Дай добро и жди добро*, ўзбекларда эса *Яхшилик қилсанг, яхшилик қайтар*, ёмонлик қилсанг – ёмонлик.

Two heads are better than one. – *Ум хорошо, а два лучше.* – *Бир калла – калла, икки калла – тилла.*

Healthy mind in a healthy body. – *В здоровом теле здоровый дух.* – *Соғлом танда соғ ақл.*

A fault confessed is half redressed. – *Повинную голову меч не сечёт.* – *Эгилган бошни қилич кесмас.*

Қисқаси, турмушда синалган, эзгу, тугал умумий маъно англатувчи, ихчам, жарангдор шаклга кириб қолган халқ хикматига мақол дейилади. Матал эса нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг истифода этиладиган нутқий ҳодисадир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди.

Мақол ва матал ўртасида умумийлик кўзга ташланади. Ҳар иккаласи ҳам нутқни жонлантириш, жозибадор, образли янада мазмундор қилиш учун ишлатилади. Лекин мақолларда фикр тўлиғича яқунланади, матал эса фикрни тугал баён этмай, балки унга ишора қилади. Маталларга хос яна бир хусусият шундаки, улар ҳамма вақт кўчма маънода ишлатилади.

Фразеологизмнинг шаклларида яна бири идиомадир. Идиомани (*юнонча idiom* – ўзига хос ибора) таърифлаш янада қийинроқ. Буни қуйидаги таърифларнинг хилма-хиллигидан ҳам билса бўлади:

«Идиома... маълум бир тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир».

«Маъноси айни ибора таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади».

«Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора».

Идиомашунос олим А. Я. Рожанский бундай ибораларнинг уч асосий белгисини ажратиб кўрсатади:

- а) бирикманинг барқарорлиги;
- б) бирикманинг маъжозий маъно ифодалаши;
- в) бирикманинг семантик бутунлиги.

Идиомалар инглиз фразеологик бирликларининг бойишида муҳим роль ўйнайди ва метонимик, метафорик йўл билан кўчиримларда алоҳида ўрин тутаяди:

A bull in a china shop – тор жойда томоша (сўзма-сўз: Хитой дўконидаги ҳўкиз);

The lay of the land – нарсаларнинг ҳолати (сўзма-сўз: қирғоқнинг ҳолати);

A break in the clouds – умид чироғи (сўзма-сўз: булут орасидаги нур) .

Мақол, матал ва идиомаларнинг бир-биридан фарқланишини куйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.

Мақол	Матал	Идиома
<i>Strike while the iron is hot.</i> Темирни қизигида бос. Куй железо пока горячо.	<i>Two dogs over one bone seldom agree.</i> Икки қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас.	<i>To know something (somebody) like the palm of one's hand.</i> Бирор нарса (киши)ни беи бармоқдай билмоқ.
<i>He who is born fool is never cured.</i> Букрини гўр тўғрилар.	<i>Murder will out.</i> Қингир ишининг қийи қирқ йилдан кейин ҳам чиқар.	<i>Wise after the event.</i> Ахмоқнинг ақли пешинда кирар.
<i>A burnt child dreads the fire.</i> Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар. Обжегшееся дитя огня боится.		<i>To catch red – handed.</i> Жиноят устида ушламоқ.
		<i>To be in a fix.</i> Қийин аҳволга тушиб қолмоқ.

Фразеологизмлар (мақол, матал ва идиомалар)нинг маъноси контекст ичида очилади. Лекин айрим ҳолатларда икки ёки ундан ортиқ тилларда шаклан, ҳам мазмунан мос эквивалентлар кузатилади:

Strike while the iron is hot. – *Куй железно пока горячо.* – *Темирни қизигида бос (ёки темирни иссигида бос).*

Better late than never. – *Лучше поздно, чем никогда.* – *Ҳечдан кўра кеч яхши.*

As you brew, so you must drink. – *Что заварил, то и расхлебывай.* – *Ўзинг пиширган ош, айлан ич, ўргил ич.*

Бундай ҳолатлар кам учрайди. Аксарият ҳолларда таржимон мазмун планидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир мақол, матал ва идиомага мос муқобил вариантларни топиши ёки сўзма-сўз таржима қилиши мумкин. Шунга кўра, айнан бир мақол ёки идиомани ҳам бир қанча ўринларда, маъносига қараб, ҳар хил ўгириш мумкин. Турли тилларда айтилган бир хил маънони ифодаловчи мақол, матал ва идиомалар айнан бир хил асосга, айтилган бир нарсанинг бир қанча жиҳатларига ёки тамоман бошқа объектларга таянган ҳолда яратилган бўлиши мумкин:

As you sow, you shall tow. – *Что посеешь, то и пожнешь.* – *Нима эксанг, шуни ўрасан.*

To be on thin ice. – *Висеть на волоски.* – *Ҳаёти қил устида турмоқ.*

Кўриниб турибдики, ҳар иккала тилда ҳам юқорида келтирилган матал ва идиоматик бирликларнинг барча компонентлари бир-бирига мос тушган. Яна бир мисол: *Speak of the devil and he will appear.* – *Заговори о чёрти и он появится.* – *Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади.* Иккала мақолдаги таянч компонентлар (*devil, appears*) мос келади. Бирор киши ҳақида гап кетганда, ўша киши келиб қолса, инглизлар *Speak of the devil and he will appear* деган мақолни ишлатишади. Айнан шу маънони англатадиган рус тилидаги *Заговори о чёрт и он появится* мақоли ҳам шаклан, ҳам мазмунан инглиз тилидаги мақолга айнан мос тушади. Ҳар иккала тилда ҳам образли асослар бир хил, яъни *devil – чёрт, appear – появится.* Лекин ана шу мақолни ўзбек тилига *Шайтон ҳақида гапирсанг, шайтон кўринади*

тарзида ўғирсак, инглиз ва руслар айтмоқчи бўлган мантикий фикр ўз аксини топмайди. *Шайтон* сўзи ўзбек тилида *муғомбир*, *ҳийлакор* каби маъноларни англатади. Аммо ўзбек тилида *Бўрини йўқласанг*, *қулоғи кўринади* ёки бетамиз инсонлар ҳақида гап кетганда, *Эшакни йўқласанг*, *қулоғи кўринади* деган мақоллар бўлиб, юқоридаги инглизча мақолни мана шу мақоллар тарзида таржима қилиш мумкин. Инглизча ва ўзбекча мақолларни қиёсий таҳлил қилсак, уларнинг бир-биридан фарқ қилишини кўрамиз. Инглизча мақолнинг образли асосини *devil* (шайтон) ташкил этган бўлса, ўзбек тилидаги мақолнинг образли асосини *бўри* сўзи ташкил этмоқда. Бадиий таржиманинг мураккаблиги ҳам айнан шунда: ҳар бир тилнинг ўзга тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос миллийлиги мавжуд.

Демак, таржимон таржиманинг ижодий жараён эканини англаши ва ўзга тилдаги ҳар бир деталга ижодий ёндашиши лозим. Шундагина тўлақонли, бадиий етук таржимага эришиш мумкин.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида уч тамойилга амал қилинади:

1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент топиш;

2) асар ўгирилаётган тилдан монанд, муқобил вариант топиб қўйиш;

3) фразеологизмларни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш.

Ҳар учала ҳол ҳам учрамаган тақдирда, таржимон уларнинг умумий маъносини акс эттириш билан кифояланишга мажбур.

Мақол ва маталларни таржима қилишда, имкон қадар, қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

Муқобиллик – инглиз тилидаги иборага маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам айнан мос тушадиган таржима:

Art is long, life is short. – *Санъат абадий, умр қисқа.*

A good name is better than richness. – *Яхши ном бойликдан афзал.*

First think, then speak. – *Аввал ўйла, кейин сўйла.*

М о н а н д л и к (аналог) – маъно жиҳатдан инглиз тилидаги вариантга мос, лекин шаклан ундан бутунлай ёки қисман фарқ қилувчи таржима усули:

Business before pleasure. – *Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат.*

What is done cannot be undone. – *Ўтган ишга саловат.*

Never put off till to-morrow what you can do today. – *Бугунги ишни эртага қўйма.*

Т а с в и р и й таржима – инглиз тилидаги иборани эркин сўз бирикмаси орқали бериш. Бу таржима усулини ўзбек тилида худди шу иборага мос эквиваленти топилмаган ҳолларда қўллаш мумкин.

An unfortunate man would be drowned in a tea-cup. – *Камбағални туюнинг устида ҳам ум қонади.*

A birds in the hand is worth two in the bush. – *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги юпқа яхши.*

Хулоса

Фразеология тилшуносликнинг қисман янги йўналиши бўлиб, олимлар томонидан чуқур ўрганиб келинаётганига қарамай, таржима соҳасида ҳали кўплаб қирралари очилмаган. Таржиманинг фразеологик муаммоларини таҳлил қилар эканмиз, фразеологик бирликларнинг таржимада берилиши тўлиқ, қисман ва муқобилсиз бирликларда мавжудлигини кўрамиз ва ушбу жараёнда муқобил вариантга эга бўлмаган фразеологик бирликларнинг қайси методлар орқали берилишини ўрганамиз. Мақол, матал ва идиомалар таржимасида қайд этилган уч тамойил асосий эътиборни ўзига тортади.

Мунозара учун саволлар:

1. *Фразеология ва фразеологик бирлик нима?*
2. *Фразеологик бирликлар қандай таржима қилинади?*
3. *Фразеологик бирликларни қандай усулда таржима қилиши мумкин эмас?*
4. *Фразеологик бирликлар таржимасида маъно мослигининг нечта тури мавжуд?*

5. *Мақоллар таржимасидаги ўзига хослик нимадан иборат?*
6. *Идиомалар таржимасидаги ўзига хослик нимадан иборат?*
7. *Фразеологик бирликлар таржимаси муаммолари билан ишлаган қайси олимларни биласиз?*
8. *Ўзбек тилида ёзилган бирор асардан олинган фразеологик бирликни таржима қилиб кўринг.*
9. *Фразеологик бирликнинг таржима тилида муқобил маънодоши бўлмаса нима қилиши керак?*
10. *Фразеологик бирликлар таржимасида умумий контекстнинг ўрни қандай?*

9 - м а в з у

ТАРЖИМАДА ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

Таълимий мақсад: талабаларни таржима жараёнидаги лексик ва грамматик бирликларни таржима қилишида қўлланиладиган трансформациялар билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: грамматик трансформация, лексик трансформация, транскрипция, транслитерация, гап бўлақларининг алмашиши, тушириб қолдириш, қўйиш, умумлаштириш, конкретлаштириш, модуляция, синтактик мослашув, синонимик маъно, ибора ва сўз ясаши.

Режа:

1. Таржимада трансформация турларидан фойдаланиши.
2. Лексик трансформациянинг турлари.
3. Грамматик трансформациянинг турлари.
4. Таржимада ўрин алмаштириши.
5. Гап бўлагини алмаштириши.
6. Синтактик бирликларни алмаштириши.

Асосий маълумотлар

Таржима жараёнида бир тилдаги лексик бирликлар иккинчи тилга трансформация қилинган ҳолда ўгирилади. Таржима амалиётида қуйидаги лексик трансформациялардан фойдаланилади:

- транскрипция ва транслитерация;
- конкретлаштириш (аниқлаштириш);
- генерализация (умумлаштириш);
- модуляция;

Грамматик трансформацияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- синтактик мослашув;
- гапни бўлақларга бўлиб таржима қилиш;
- содда гапларни қўшма гапларга айлантириб таржима қилиш;
- сўз шакллари, туркумлари ва гап бўлақларини алмаштириш.

Таржима жараёнида қуйидаги лексик-грамматик трансформациялар амалга оширилади:

- антонимик таржима;
- тасвирий таржима;
- компенсация.

Транскрипция и транслитерация усуллари. Транскрипцияда хорижий сўзнинг талаффуз шакли, транслитерацияда эса унинг график шакли қайта тикланади. Аслият ва таржима тилларининг фонетик тизимларидаги тафовутлар кўпроқ транскрипция усулидан фойдаланишга олиб келади. Масалан: *absurdist* – *абсурдист* (абсурд асар муаллифи); *kleptocracy* – *клентократия* (ўғрилар олий табақаси); *skateboarding* – *скейтбординг* (роликли тахтада учиш). Бу жараёнда инглиз тилида талаффуз қилинмайдиган айрим товушларнинг талаффуз қилиниши, унлиларнинг редукция ҳолатлари кузатилади: *Dorset* – *Дорсет*; *Campbell* – *Кэмбелл*; *boss* – *босс*; *Hercules missile* – *ракета «Геркулес»*; *deescalation* – *деэскалация*; *Columbia* – *Колумбия*.

Айрим тарихий шахслар, географик жой номларини таржима қилишда анъанавий шакллардан фойдаланилади: *Charles I* – *Карл I*; *William III* – *Вильгельм III*; *Edinburgh* – *Эдинбург*.

К а л ь к а л а ш – аслиятдаги лексик бирликни таржима тилидаги лексик бирлик билан алмаштиришни кўзда тутди ва таржима тилида янги сўз ва ибора ясалишига олиб келади: *superpower* – *сверхдержава* – *ҳукмрон давлат*; *mass culture* – *массовая культура* – *оммавий маданият*; *green revolution* – *зеленая революция* – *яшил революция*; *land-based missile* – *ракета наземного базирования* – *ерда ўрнатилган ракета*; *Rapid Deployment Force* – *силы быстрого развертывания* – *тез ҳа-*

ракатланувчи кучлар; transnational – транснациональный – трансмиллий; petrodollar – нефтедоллар; miniskirt – мини юбка.

Конкретлаштириш лексик-семантик трансформациянинг асосий турларидан бири бўлиб, луғавий маънони таржима тилида конкретлаштириш, генерализациялаш (умумлаштириш), модуляция (маъносини кенгайтириш) ҳисобланади.

Конкретлаштириш аслиятдаги кенг маънода ишлатилган маънони тор маънода ишлатишни кўзда тутати. Масалан:

Dinny waited in a corridor which smelled of disinfectant. – Динни ждала в коридоре, пропахшем карболкой. – Динни корбол кислотаси анқиётган коридорда кутиб турарди.

He was at the ceremony. – Он присутствовал на церемонии. – У маросимда иштирок этди.

Конкретлаштириш усулидан, одатда, аслиятдаги лексик бирлик ифодалаган кенг маъноли сўз таржима тилида мавжуд бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, инглиз тилидаги *thing* оти мавҳум маънога эга (*an entity of any kind*) ва уни рус ва ўзбек тилларига ўгиришда, албатта, конкретлаштириш усулидан фойдаланилади. Инглизча *meal* сўзи турли нутқ усулларида кенг фойдаланилади. Шу боис унинг конкретлаштирилган шакли *завтрак – нонушта, обед – тушлик, ужин – кечки овқат* каби шакллари билан конкретлаштирилади:

At seven o'clock an excellent meal was served in the dining-room. – В семь часов в столовой был подан отличный обед. Соат еттида ошхонада аъло даражадаги таом тортилди.

Инглизча *to say* ва *to* ифодалаган маъноларнинг конкретлаштирилганлигига эътибор берайлик: *tell* рус ва ўзбек тилларидаги *говорить – гапирмоқ, сказать – айтмоқ, демоқ* феълларига тўғри келади. Бироқ айрим нутқ вазиятларида конкрет маъно касб этади: *промолвить – луқма ташламоқ; повторить – такрорламоқ; сообщить – хабар қилмоқ; просить – сўрамоқ; возразить – эътироз билдирмоқ; велеть – буюрмоқ* каби ҳам конкретлаштириш мумкин:

So what?» I said. – Ну и что? – спросил я. – Хўш, нима бўлибди? – сўрадим мен.

He told me I should always obey my father. – Он посоветовал мне всегда слушаться моего отца. – У менга доимо отамга итоат қилишимни маслаҳат берди.

The boss told me to come at once. – Хозяин велел мне прийти сейчас же. – Хўжайиним дарров қайтиб келишимни буюрди.

Генерализация конкретлаштиришнинг акси бўлиб, аслиятдаги тор маъноли сўзни таржима тилидаги кенг, умумлаштирувчи сўз билан алмаштиришни кўзда тутати:

He visits me practically every week-end. – Он ездит ко мне почти каждую неделю. – У меникига қарийб ҳар ҳафта келади.

Генерализация стилистик мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, *a young man of 6 feet 2 inches* бирикмаси рус ва ўзбек тилларига *молодой человек высокого роста – баланд бўйли йигит* шаклида ўгирилиб, умумлаштирилиши мумкин. Чунки бу ўринда «фунт, дюм» сўзлари рус ва ўзбек китобхони учун унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Айрим ҳолларда таржимон конкрет маъно ифодаловчи иборани умумлашган маънода ишлатиши мумкин:

Then this girl gets killed, because she's always speeding. – А потом эта девушка гибнет, потому что она вечно нарушает правила. – Кейин бу қиз ҳалокатга учради, чунки у доимо йўл ҳаракати қоидаларини бузиб юрарди. (Гапнинг конкрет маъноси: Она вечно превышает скорость. – У машинасининг тезлигини доимо ошириб ҳайдарди).

Who won the game? I said. It's only the half. – А кто выиграл? – спрашиваю. – Еще не кончилось. – Ким ютди? – сўрайман мен. Ҳали тугагани йўқ. (Конкрет маъноси: Это же только первый тайм – Эндигина биринчи тайм бошланди).

Генерализация усули билан таржима тилида доимий эквивалентлар яратилиши мумкин: *foot – нога – оёқ(лар)*; *wrist watch – наручные часы – қўл соати*.

Модуляция – усули аслиятдаги лексик бирлик маъносини таржимада кучайтириб беришдир. Бунда аслият маъноси таржимада сабаб-оқибатни ифодаловчи маънолар орқали кучайтирилади: *I don't blame them. – Я их понимаю. – Мен уларни тушунаман.* (Сабаб муносабати оқибат муносабати билан ўгирилиб кучайтириляпти: *Я их не виню потому, что я их понимаю. – Мен уларни тушунаман, шу сабабли айбламайман*).

Модуляция орқали қилинган трансформацияда сабаб-оқибат муносабатлари, одатда, кенг маънода ифодаланади ва улар орасидаги мантикий боғлиқлик ҳар доим сақланиб қолади:

Manson slung his bag up and climbed into the battered gig behind a tall, angular black horse. (A. Cronin) – Мэнсон поставил свой чемодан и влез в расхлябанную двуколку, запряженную крупной костлявой черной лошастью. (А. Кронин) – Менсон жамадонини қўйиб, суюкдор қора от қўшилган, икки гилдирак-ли шалоқ аравага чиқди. (А. Кронин).

Бу ўринда *behind a horse* иборасини русчага *Он сел в телегу позади лошади* тарзида ўгириш мантиксизликка олиб келган бўларди.

Синтактик мослашув усули аслиятдаги синтактик структурани таржима тилидаги шундай структура билан ўгиришни тақозо қилади ва бу, одатда, аслият ва таржима тилларида шундай параллел структуралар мавжудлигидан далолат беради. Бироқ бу ўринда структурадаги компонентлар айрим ўзгаришларга учрайди. Масалан, артиклар, ёрдамчи сўзлар тушириб қолдирилади, мустақил сўзлар айрим морфологик ўзгаришлар олади.

I always remember his words. – Я всегда помню его слова. – Мен унинг сўзларини доим эслаб юраман.

Гапни бир неча бўлақларга бўлиб таржима қилиш ҳам трансформациянинг бир тури бўлиб, аслиятдаги эргашган қўшма гапларни алоҳида гаплар шаклида таржима қилиш ёки содда гапларни қўшма гап сингари таржима қилишни кўзда тутади.

The annual surveys of the Labour Government were not discussed with the workers at any stage, but only with the employers. – Ежегодные обзоры лейбористского правительства не обсуждались среди рабочих ни на каком этапе. Они обсуждались только с предпринимателями. – Лейбористлар ҳукуматининг йиллик ҳисоботлари ишчилар орасида (ҳеч бир доирада) муҳокама қилинмасди. Уларни фақатгина тадбиркорлар билан муҳокама қилишарди.

Ёки

Both engine crews leaped to safety from a collision between a parcels tram and a freight train near Morris Cowley, Oxfordshire. – Вблизи станции Морис Коули в графстве Оксфордшир произошло столкновение почтового и товарного поездов. Члены обе-

их поездных бригад остались невредимы, спрыгнув на ходу с поезда. – Оксфордшир графлигидаги Морис Коули шоҳбекати яқинида почта ва товар поездларининг тўқнашуви юз берди. Ҳар иккала поезд машинистлари тўқнашув пайтида сакрашига улгуришигани туфайли омон қолишди.

Аслиятдаги содда гапларни таржимада кўшма гаплар билан таржима қилиш усули ҳам мавжуд:

That was a long time ago. It seemed like fifty years ago. – Это было давно – казалось, что прошло лет пятьдесят. – Бу воқеалар содир бўлганига, чамамда, эллик йилларча бўлди.

The only thing that worried me was our front door. It creak like a bastard. – Одно меня беспокоило – наша парадная дверь скрипит как оголтелая. – Менинг гашимга фақат бир нарса тегарди – кириш эшигимиз ҳаддан ташиқари гичирларди.

Грамматик алмашинувда аслиятдаги бирлик таржима тилида бошқа грамматик бирлик билан алмаштирилади. Бу сўз шакллари (род, сон), сўз туркумлари ва гап бўлақларини алмаштириш орқали амалга оширилади. Масалан, инглиз тилида кўпликдаги от таржимада бирликда берилади ёки аксинча бўлиши мумкин. Масалан: *money* (бирликда) – *деньги* (кўпликда) – *пул* (бирликда); *struggles* (кўпликда) – *борьба* (бирликда) – *кураш* (бирликда) ва ҳ.к.

We are searching for talent everywhere. (Бирликда) – Мы повсюду ищем таланты. (Кўпликда) – Биз ҳамма жойдан истеъдодларни қидириямиз. (Кўпликда).

They left the room with their heads held high. – Они вышли из комнаты с высоко поднятой головой. (Бирликда) – Улар хонага бошларини гоз тутганларича киришди. (Кўпликда).

Энг кўп тарқалган грамматик трансформация тури – бу сўз туркумлари алмашинувида кузатилади. Бунда отларнинг феъл ва сифат билан алмашинуви кўпроқ учрайди. Қиёсланг:

He is a poor swimmer. – Он плохо плавает. – У ёмон сузади.

She is no good as a letter-writer. – Она не умеет писать письма. – У хат ёзишни билмайди.

I am a very rapid packer. – Я очень быстро укладываюсь. – Мен тезда йиғиштириб бўламан.

Бу усул географик номлар таржимасида кўпроқ учрайди:

Australian prosperity was followed by a slump. – За экономическим процветанием Австралии последовал кризис. – Австралиянинг иқтисодий гуллаб-яшинашидан кейин таназзуллар даври бошланди.

Бу ҳолатни инглизча қиёсий даража сифатлари таржимасида ҳам кўришимиз мумкин:

The stoppage which is in support of higher pay and shorter working hours, began on Monday. – Забастовка в поддержку требований о повышении заработной платы и сокращении рабочего дня началась в понедельник. – Иш ҳақини кўпайтириш ва иш вақтини қисқартиришни қўллаб-қувватловчи иш ташлашлар душанба кунини бошланди.

Сўз туркумлари алмаштириш таржима тилида гап структурасининг ўзгаришига олиб келади.

Қуйидаги жумла таржимасида эга ўрин холи билан алмаштирилган:

The last week saw an intensification of diplomatic activity. – На прошлой неделе наблюдалась активизация дипломатической деятельности. – Ўтган ҳафта дипломатик муносабатларнинг фаоллашуви кузатилди.

А н т о н и м и к таржима лексик-грамматик трансформациянинг бир тури бўлиб, аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди.

Nothing changed in my home town. – Все осталось прежним в моем родном городе. – Менинг она шаҳримда ҳамма нарса илгаригидек.

Бу ҳолат, кўпинча, инглиз тилидаги инкорни ифодаловчи префиксли тил бирликлари мавжуд бўлганда кузатилади:

She is not unworthy of your attention. – Она вполне заслуживает вашего внимания. – У сизнинг диққат-эътиборингизга муносиб аёл.

Бу ҳолатни таркибида инкор, инглизча *until* ва *unless* чегараловчи боғловчилари мавжуд гапларда ҳам кўриш мумкин:

The United States did not enter the war until April 1917. – Соединенные Штаты вступили в войну только в апреле 1917 г. –

Қўшма Штатлар урушига 1917 йилнинг апрель ойидагина қўшилди.

Ёки

Additional expenditures shall not be made unless authorized. – *Дополнительные расходы должны производиться лишь с особого разрешения.* – Қўшимча харажатлар махсус рухсат билангина амалга оширилади.

Антонимик таржимада аслиятдаги тил бирлиги таржима тилига қарама-қарши маъно ифодаловчи бошқа сўз ёки иборалар билан ҳам ўгирилиши мумкин. Қиёсланг:

The railroad unions excluded negroes from their membership. – *Профсоюзы железнодорожников не принимали в свои ряды негров.* – Темир йўлчилар касаба уюшмаси ўз сафларига негрларни қабул қилишмасди.

Инглиз тилида инкор маъно *without* боғловчиси орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан:

He never came home without bringing something for the kids. – *Приходя домой, он всегда приносил что – нибудь детям.* – Уйига қайтишида у ҳар доим болаларига бирор нарса олиб келарди.

Антонимик таржимада, кўпинча, трансформациянинг бошқа турларидан, масалан, лексик ва грамматик трансформациялардан фойдаланиш мумкин:

Their house had no screen doors. – *Двери у них были сплошные.* – Уларнинг эшиклари мустаҳкам эди.

Бу мисолдаги инкор маъно *screen doors* сўзининг модуляцияси орқали амалга ошириляпти.

The people are not slow in learning the truth. – *Люди быстро узнают правду.* – Одамлар ҳақиқатни тезда билиб олишади.

Э к с п л и к а ц и я ёки изоҳли таржимада аслиятдаги луғавий бирлик таржима тилига тушунтириш, изоҳлаш орқали ўгирилади ва, одатда, муқобилсиз лексикалар таржимасида фойдаланилади: *conservationist* – *сторонник охраны окружающей среды* – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тарафдори; *whistle-stop speech* – *выступления кандидата в ходе предвыборной агитационной поездки* – номзоднинг сайлов олди тарғибот сафари.

К о м п е н с а ц и я аслият унсурларини таржима тилидаги воситалар ҳисобига тўлдириш учун қўлланади. Бунда асли-

ят тилидаги грамматик воситалар таржима тилининг лексик воситалари орқали ифодаланади ёки, аксинча. Бу, кўпинча, аслиятда персонажнинг бузуқ нутқини таржима тилида ўзига хос воситалар орқали ўгиришда кузатилади. Масалан, инглиз халқи тилида учрайдиган айрим унли ва ундош товушларни ташлаб гапириш таржима тилида ҳам худди шундай воситалардан фойдаланиб, компенсация қилиш заруратини келтириб чиқаради. Масалан, *it, appen* дейиш ўрнига *a-singing, a-going, hit* шаклларидан фойдаланилади. Кўпинча, халқ тилида эга ва кесим орасидаги мослашув амалга оширилмайди: *I was, you was*. Бунда таржимон она тили айнан шундай ҳолатларда ишлатиладиган воситалардан фойдаланади. Бу орқали персонажнинг гапириш усули, унинг характеридаги ўзига хосликлар қайта тикланади.

Хулоса

Трансформацияларни лексик ва грамматик турларга бўлиб ўрганиш жараёнида шуни англашимиз керакки, амалиётда ушбу ўзгаришлар доимо кузатилади. Юқорида айтиб ўтилган лексик ва грамматик трансформациялар қўллашдан асосий мақсад таржимонга юқори сифатли муқобилликка эришиш учун яна бир имконият яратишдир.

Мунозара учун саволлар:

1. *Таржима трансформациялари нима?*
2. *Таржимада ўрин алмаштириши нима?*
3. *Сўз шаклини алмаштириши нима?*
4. *Гап бўлагини алмаштириши нима?*
5. *Синтактик бирликларни алмаштириши нима?*
6. *Лексик бирликларни алмаштириши нима?*
7. *Компенсация нима?*
8. *Антонимик таржима нима?*
9. *Тушириб қолдириши нима?*

10 - м а в з у

СИНХРОН ТАРЖИМАНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълимий мақсад: талабаларни синхрон таржима жараёнининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: синхрон таржима, эшитиш–тушуниш–қайта гапириш; бир пайтlilik, нутқ тезлиги, вақт тизлиги, ахборот ҳажми, фараз қилиш ва синтез қилиш механизми, феълга таяниш назарияси, мазмунни тиклаш назарияси, коммуникатив акт, оғзаки таржима, ёзма таржима, кетма-кет таржима, машина таржимаси, техник воситалардан фойдаланиш.

Режа:

1. Синхрон таржиманинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Синхрон таржиманинг тилишунослик, психолингвистика фанлари билан боғлиқ жиҳатлари.
3. Оғзаки таржиманинг кўринишлари: синхрон, кетма-кет.
4. Синхрон таржиманинг бошқа таржима турларидан фарқи.
5. Синхрон таржиммага тайёрлаш методлари.

Асосий маълумотлар

Синхрон таржима бир тилдан иккинчи тилга ахборот ўгиришнинг бир тури сифатида XX асрнинг 60-йилларида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланди. 70-йилларнинг бошларида эса эшитиб таржима қилишнинг нутқий, психологик механизмлари, оригинал тилдан эшитилган нутқий ахборотни бир пайтнинг ўзида иккинчи тилга таржима қилиб га-

пириш, унинг лисоний, психологик асослари ҳақида тадқиқотлар пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб, таржимашунослик илмига «синхрон таржима» атамаси кириб келди. Бу таржима тури бошқаларидан таржима жараёнининг бир пайтнинг ўзида содир бўлиши билан фарқланади, у бевосита чет тилида эшитилаётган ахборотнинг лингвистик, семантик хусусиятларини тўғри англаш, нутқ содир бўлаётган вазиятдаги психолингвистик ўзига хосликларни ҳисобга олиш, уларни таржима тилидаги нутқ механизмлари орқали ифодадай билишни талаб қилади.

Синхрон таржима таржиманинг лингвистик назариясига, нутқ вазиятининг психолингвистик ва коммуникатив асосларига таяниб, бир пайтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам тушуниб таржима қилишнинг қонун-қоидаларини ўрганади.

Синхрон таржима эшитиб таржима қилишнинг бир тури сифатида Г. В. Черновнинг «Теория и практика синхронного перевода» (М., 1978), «Основы синхронного перевода» (М., 1987), А. Ф. Ширяевнинг «Синхронный перевод» (М., 1979) номли асарларида махсус ўрганилган. Бундан ташқари, таржимашуносларнинг махсус илмий тўплами – «Тетради переводчика»да синхрон таржиманинг турли соҳаларига оид кўплаб мақолалар эълон қилинди. Афсуски, чет тилидан ўзбек тилига ва, аксинча, чет тилларига синхрон таржима қилишнинг лисоний, коммуникатив, психолингвистик асослари ёки уларни ўргатишга оид илмий тадқиқотлар ўзбек таржимашунослигида кам кузатилади.

Синхрон таржима, асосан, мажлис, учрашув ҳамда анжуманларда фойдаланилиши билан кетма-кет таржимага ўхшашдек туюлади. Бироқ кейинги йилларда синхрон ва кетма-кет таржимадан фойдаланишда ихтисослашув аломатлари тобора сезиляпти. Масалан, синхрон таржима, асосан, кўп тилли халқаро симпозиумлар, халқаро ташкилотлар иштирокчиларига нотик нутқини эшитиш жараёнида уни икки ва ундан ортиқ тилларга таржима қилиш лозим бўлган вазиятларда шу соҳа бўйича махсус тайёрланган синхрончи таржимонлар томонидан амалга оширилса, кетма-кет таржима таржимон ва сўзловчи (нотик)нинг бевосита мулоқоти жараёнида икки томонла-

ма учрашув ва конференцияларда, дипломатик сўзлашувларда кўпроқ амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, синхрон таржима кетма-кет таржимадан кўйидаги жиҳатлари билан ҳам фарқ қилади:

1. Синхрон таржимада нотик нутқи нутқ тугаши, гап якунланиши кутилмасдан таржима қилинади. Кетма-кет таржимада эса таржимон нотикнинг ҳар бир жумласини таржима қилишга уринади. Бунда нотик таржима амалга оширилгунча нутқини тўхтатиб туради.

2. Синхрон таржимада таржимон ўзини коммуникация иштирокчиларидан ажратиб турувчи турли-туман техник аппаратуралардан фойдаланади. У нотик нутқини махсус хонада қулоққа тақиладиган наушник орқали эшитиб, таржима қилади ва уни микрофон орқали шу тилни тушунадиган тингловчиларга етказди. Бу таржима махсус каналлар орқали фақат шу тилда эшитиб тушунадиган иштирокчи-тингловчиларнинг наушникларига етказилади. Фараз қилинг, конференция залида чет тилида, масалан, француз тилида гапираётган нотикнинг маърузасини синхрончи ўзбек ёки рус тилини тушунадиган иштирокчилар учунгина ўзбек ёки рус тилига таржима қилиб узатади. Агар нотик ўзбек ёки рус тилида гапираётган бўлса, синхрончи уни француз тилини тушунадиган иштирокчилар учун французчага таржима қилиб узатади. Агар конференция залида бир неча, масалан, инглиз, француз, немис миллатига мансуб вакиллар иштирок этаётган бўлса, махсус аппаратуралар олдида ана шу тилларда синхрон таржима қиладиган учта синхрончи иш олиб бориши керак. Бу ҳолда турли тилларда сўзлашувчи иштирокчилар наушникларни ўзлари тушунадиган таржима тили каналларига улайди. Демак, синхрончидан эшитилган ахборотни шу ондаёқ таржима тилига ўгириш, нотикнинг нутқ тезлигига мослашишга улгуриш талаб қилинади.

Кетма-кет таржима қилувчи таржимон эса бевосита чет тилида гапирувчи шахс ёнида туриб, унинг гапларини кетма-кет, муайян гап ёки фикрнинг тугашини кутиб таржима қилади.

Синхрон таржимага ўргатиш тинглаб таржима қилиш механизминини шакллантириш, шу орқали ихтисослашган синхрончи фаолиятини шакллантиришни кўзда тутати.

Ҳар қандай фаолиятга ўргатиш дастлаб кўникма, малакаларни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Бундай кўникма ва малакани, яъни синхрончи фаолиятини шакллантириш учун, биринчи навбатда, ундан диққатни жамлашни талаб қиладиган фаолият турларини ўзлаштириш ва уларни ишга тушириш механизмларини шакллантириш талаб қилинади. Ҳар қандай фаолиятни шакллантириш бирламчи ва иккиламчи кўникмаларни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Бирламчи кўникма ўзлаштириладиган фаолиятнинг элементар асослари, уларни бажариш йўллари, усулларини секинлик билан, кетма-кет ҳаракатларни амалга ошириш орқали ҳосил қилинади. Иккиламчи кўникма турли вазиятларда амалиёт усулларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Бирламчи ва иккиламчи кўникмалар аста-секин автоматлашган малакаларга, иш жараёнида бемалол фойдаланса бўладиган қобилият (тажриба)га айланади.

Синхрон таржима малакаларининг такомиллашуви ностандарт таржималар қилиш, секин ва тез ўқилган нутқни таржима қилиш, янги лексик, грамматик конструкциялардан фойдаланиш жараёнида рўй беради. Олий ўқув юртларида синхрончи таржимон тайёрлаш чегараланган мавзулар (соҳалар) асосида ташкил қилиниб, кейинчалик ўз касбларини янада такомиллаштириш учун асос яратилади. Масалан, адабиёт ва санъат, тиббиёт, экология, маълум бир давлатнинг тарихи, саноати, кишлок хўжалиги ва ҳоказо соҳалар бўйича алоҳида, махсус синхрончилар тайёрлаш режалаштирилади. Бунда бўлажак мутахассисларда мавзунини умумлаштириш, онгли ва мантиқий баён қилиш каби кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсад қилиб қўйилади. Бу мақсадни амалга ошириш жараёнида синхронист таржимон нутқ фаолиятининг алоҳида бир тури сифатида эгалланиши билан боғлиқ кўплаб психолингвистик қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келади. Чунки бўлажак мутахассисларда перцептив (қабул қилиш), диққатни жамлаш, хотирада сақлаш, фараз қилиш, фикрлаш ва бошқа қобилиятларни шакллантирмасдан туриб, синхрон таржимага ўргатиш мумкин эмас. Бу ўринда перцептив қобилиятнинг асосий кўрсаткичлари: диққат, хотира, фикрлаш, тез фаҳмлашни такомил-

лаштирмай, ақлий ҳаракатларни бошқарув тезлигига ўргатмай синхрон таржимани ўргатиш мумкин эмас.

Синхрон таржимага ўргатишнинг иккинчи мақсади таржимонни эшитиладиган нутқни шу ондаёқ тушуниб таржима қилишнинг психолингвистик асосларига ўргатишдир. Бу ўринда гап:

– синхрон таржима жараёнида нотик нутқини тушунишга йўналтирилган махсус кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– қисқа вақт ичида эшитилган нутқ асосида керакли сўз ва жумлаларни қидириб топиш кўникмаларини шакллантириш;

– нотик нутқини қабул қилиш жараёнининг ўзида унда бошқа тилда гапириш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

– юқоридаги уч жараённи синхронлаштириш малакаларини шакллантириш;

– нотик нутқини трансформация қилиш малакаларини эгаллаш ҳақида кетаяпти.

Синхрон таржимадан кузатиладиган учинчи мақсад бўлажак мутахассисларда ижтимоий-иқтисодий фанлар, тили ўрганиладиган мамлакат маданияти бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдир.

Синхрон таржимадан кузатиладиган хусусий мақсад синхрончининг лингвистик, психолингвистик, психологик билимларини амалда намоён қила олишини таъминлашдир.

Шунингдек, таржимондан юксак маънавий, маданий, ахлоқий, ғоявий сифатларни эгаллашни ҳам талаб қилади.

Шундай қилиб, синхрон таржимага ўргатишнинг мақсадларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) бўлажак мутахассисда нотик нутқини перцептив, ҳиссий, ақлий фаҳмлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

2) бўлажак мутахассисда нутқий ҳамда таржима кўникма ва малакаларни таржимага оид амалиётларга, малакаларга айлантириш қобилиятини шакллантириш;

3) унинг умумтаълим билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

4) ўқув-тарбия жараёнида эгаллаган назарий билимларини амалиётда намоён қила олиш;

5) ўз шахсида ғоявий-ахлоқий сифатларни шакллантириш.

Одатда, таржимонлик факультетларининг 1-босқич талабаларидан махсус синхрончи таржимонлар гуруҳлари тузилади. Бу гуруҳга тилдан, таржимадан, ўлкашунослик фанларидан юқори даражали билимларни эгаллаган, чет тилининг лексик, грамматик, фразеологик меъёрларини чуқур ўзлаштирган, ақлан зийрак, эшитиш қобилияти яхши ривожланган талабалар танлаб олинади.

Синхрон таржимага ўргатишнинг мазмуни деганда, бўлажак мутахассис қандай фаолият турлари, юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун қандай кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозимлиги тушунилади.

Маълумки, синхрон таржима оғзаки ва ёзма таржима, кетма-кет таржима, таржима назарияси ва тарихи курслари ўтилганидан сўнг, таржима илми ва амалиётига оид маълум кўникма ва малакалар шакллантирилганидан кейин ўқитилади.

Бу фанни чуқур ўрганишга киришган талабалардан, биринчи навбатда, кўплаб психик кўникмаларни ўзлаштириш, таржима амалиётларини тез суръатларда амалга ошириш усуллари ўрганиш талаб қилинади. Шу боис синхрон таржимага ўргатишнинг мазмуни талабалар эгаллаган билимларни янада такомиллаштиришни, ўзига хос кўникма ва малакаларни эгаллашни тақозо этади.

Синхрон таржима мазмуни қатор компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири таълимнинг аниқ мақсадини амалга оширишга йўналтирилган бўлади.

Синхрон таржима мазмунининг биринчи компоненти – талабанинг перцептив қобилияти: диққати, хотираси ва фикрлашини тизимли равишда ривожлантириш, уни интенсив ақлий фаолиятга чиниқтиришни кўзда тутати. Бу, ўз навбатида, эшитиб тушуниш маданиятини юксалтириш, сўз, сўз бирлиги ҳамда стилистик конструкцияларни билиш (тушуниш) тезлигини ошириш, таржимада сўз танлаш ишларини тўғри йўналтиришни талаб қилади. Синхронси эшитилаётган нутқни турли тезлик ва оҳангда, тембрда, талаффузда фарқлай олишга, тушунишга ўрганиши лозим.

Сўз, сўз бирикмаси ва синтактик структураларни эшитиб фарқлаш, тушуниш, уларни нутқ намуналари орасидан танлаб олиш, билиш орқали амалга оширилади. Бу ўринда сўзларнинг талаффузи, уларнинг маънолари ўртасидаги боғлиқлик, таржимадаги эквивалентларни билиш муҳим ўрин тутди.

Синхрончининг сўз танлаш стратегияси деганимизда, нутқ занжирининг асосий унсурларини фарқлаш орқали унинг маъносини тушуниш назарда тутилади. Сўз ва иборалар нутқ занжирининг бошида, ритмик-интонацион белгилар орқали тезроқ англашилади. Нутқ мазмунини англаш учун таянч сўзлар (яъни асосий маънони ташувчи сўзлар) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар бир жумла ичида битта ва бир нечта бўлиши лозим.

Диққатни такомиллаштириш ҳам, ўз навбатида, диққат ҳажмини аниқлаш, уни кенгайтириш, тақсимлаш ва мустаҳкамлаш орқали амалга оширилади.

Диққатни самарали тақсимлаш малакасини шакллантириш нотик нутқининг умумий ғояси, айрим шаклларни эсда сақлаб қолиш, уларда таржима тилидаги мос эквивалентларни қидириш малакасини шакллантиришни кўзда тутди.

Синхрончи ўз фаолияти давомида узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотирани ривожлантиришга алоҳида эътибор бериши зарур.

Узоқ муддатли хотира, унинг ҳажмини кенгайтириш ва хотирада тўпланган ахборотни тезкор усулда қайта ишлаш (яъни бошқа тилга ўгириш) жараёнида шаклланади. Узоқ муддатли хотира синхрончидан катта ҳажмдаги лексик бирликларни, бир неча минг лексик-грамматик ўхшашликларни, сиёсат, иқтисод, маданият, фан ва техника тараққиётига оид кўплаб маълумотларни эсда сақлашни талаб қилади. Бундай маълумотлар хотирада оператив сақланиши, яъни эшитилган пайтнинг ўзидаёқ қайта тикланиши лозим.

Қисқа муддатли хотира ҳам маълум маънода такомиллаштиришни талаб қилади. Бунда, биринчидан, эшитилган лексик бирликларнинг товуш рамзини, уларнинг ритмик ва интонацион хусусиятларини, синтактик структураларни эслаб қолиш, уларни 1–2 сонияда хотирада сақлаб, иккинчи тилда қайта

тиклаш талаб қилинади. Демак, қисқа муддатли хотира ҳажми гап (фикр)нинг тугалланиши билан белгиланади. Бундай хотирани такомиллаштиришда мавзуга оид маълумотларни билиш, нотикнинг мақсадини тушуниш, айтилаётган фикрнинг асосий мазмунини хотирада сақлаш мақсадга мувофиқ.

Синхрон таржима мазмунининг иккинчи компоненти нутқ ва таржима кўникмаларини, малакаларини қайта ташкил қилиш, таржима амалиётларини бажариш қобилияти, тезлигини оширишни кўзда тутати. Таржима кўникма ва малакаларини шакллантиришда сегментациялаш малакасини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу малака ёзма таржима, кетма-кет таржима ва матнга қараб таржима қилишда маълум миқдорда шаклланган бўлади. Масалан, ёзма таржимада таржимон фикрнинг график ифодаланиши, ундаги гап бўлаклари, ритмик гуруҳларини тиниш белгилари орқали фарқлайди.

Кетма-кет таржимада эса таржимон уни сегментация қилиб ўтирмасдан, ахборотнинг асосий мазмунини таржима қилади ёки ёзиб олади. Синхрон таржимада сегментация таржимондан нотик гапидаги таянч сўзларни ёдда сақлаб қолиш ва улар орқали гап мазмунини баён қилишни кўзда тутати.

Сегментациялаш малакасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳажми ва характери турлича бўлган маъно ташувчи сўзлар, интонацион бирликлар, синтактик структуралар аниқлиги, албатта, эшитилаётган нутқнинг мураккаблигига, нотикнинг гапириш тезлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир синхрончининг ўзига хос сегментациялаш кўлами бўлади.

Синхрончига қўл келадиган сегментация усулларида бири синтактик структурани тез аниқлаш малакасидир. Бундай малакага эга таржимон гап структурасидаги бош ва иккинчи даражали бўлақларни тез аниқлай олади.

Синхрончи таржимон тайёрлашнинг яна бир муҳим жиҳати – сўз ёки иборанинг контекстуал маъносини аниқлаш малакасини шакллантиришдир. Бу малака ёзма таржима, кетма-кет таржима, оғзаки таржима жараёнида анча шаклланган бўлади. Энди бу малакани синхрон таржима шароитига мослаштириш, уни янада такомиллаштириш, тезлаштириш вазифаси қўйилади.

Синхрон таржиманинг мазмуни яна қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантиришга ҳам боғлиқ.

1) таржима ечимини излаб топиш кўникма ва малакаси бу вақт бюджетига боғлиқ бўлиб, бундай сифатлар йиллар давомида шаклланиб боради;

2) эшитиладиган жумладаги лексик-фразеологик ва синтактик бирликларни узоқ муддатли хотирада сақлашни машқ қилиш;

3) ахборотни компрессия (қисқартириш) қилиш. Бу синонимларни ишлатиш, гап бўлаklarини ташлаб кетган ҳолда, асосий мазмунни сақлаб қолиш орқали амалга оширилади;

3) кабинада туриб товушнинг паст-баландлигига, нотикнинг нутқ тезлигига мослашиш, нотик интонациясига рия қилиш, рўй бериши мумкин бўлган тўхташларда нотик айтиши мумкин бўлган сўз, ибора ва гапларни аввалдан сезиш;

4) таржимани нотик нутқи тезлигида амалга ошириш.

Буларнинг барчаси пировард-натижада синхрончининг касбий маҳоратини белгиловчи хусусиятлар ҳисобланади.

Л. С. Бархударов таржима жараёнини илмий таҳлил қилар экан, уни «тиллараро трансформация ёки таржима жараёнини қолиплаш» дея талқин қилади (Язык и перевод. – М., 1975).

XX асрнинг 60–70-йилларида бу жараён инвариантлик, эквивалентлик таржима жараёни коммуникатив акт нуқтаи назардан қаралган илмий тадқиқотларда ўз аксини топди. Эшитилган матн мазмунини иккинчи бир тилда оғзаки қайта тиклаш масаласи дастлаб машина таржимаси билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг текшириш объекти бўлди. Бундай ёндашув лингвистик трансформациялар, яъни матнни интерпретация қилиш билан чекланиб қолди. Бироқ бу ёндашув орқали матнни анализ ва синтез қилишни қолиплаш, матндаги стилистик, семантик жиҳатларни эътиборга олиш каби назариялар яратилдики, улар, шубҳасиз, кейинчалик синхрон таржима назариясининг юзага келишига муносиб ҳисса қўшди.

Таржима жараёнини коммуникатив акт сифатида тадқиқ қилган олимлар бу жараённинг қуйидаги жиҳатларига эътибор беришади:

1) таржима жараёни иккита ўзаро боғлиқ бўлган жараёндан: ахборотни узатувчи ва таржимон, таржимон ва ахборотни қайта қабул қилувчи (тингловчи) ўртасидаги коммуникатив актдан иборат;

2) таржимон бу жараённинг иштирокчиси сифатида навбати билан ахборотни қабул қилувчи ва узатувчи вазифасини бажаради ва бу вазифа таржима жараёнининг қандай бўлишлигида муҳим роль ўйнайди (Швейцер А. Д. К проблеме лингвистического изучения процесса перевода // Вопросы языкознания. 1970-№4; Перевод и лингвистика. – М., 1973).

Шундай қилиб, синхрон таржиманинг бошқа таржима турларидан фарқи шундаки, таржимон бу жараёнда ўзи эшитган ахборотни шу лаҳзанинг ўзидаёқ, бошқа тилга ўгиради ва турли тилда сўзлашувчи кишилар ўртасида алоқа-аралашувни таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, таржиманинг лингвистик муаммолари билан шуғулланган тадқиқотчилар бу хил таржиманинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганмасдан, уни оғзаки таржиманинг бир тури сифатида тадқиқ қилишдан нарига ўтмаяпти.

Масаланинг психолингвистик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар томонидан синхрон таржиманинг темпорал (замон билан) тавсифи чуқурроқ ўрганилди. Масалан, чет тилида сўзлаётган кишининг нутқ тезлиги бир дақиқада 100–120 сўз бўлсагина, синхрон таржима юқори даражада ташкил қилинган, 150–200 сўздан иборат бўлса, синхрончининг иши қийинлашган, айрим фикрларни тушириб қолдирган, хатоларга йўл қўйган ҳисобланади (Ширяев А. Ф. Синхронный перевод. – М., 1979).

Шунингдек, синхрон таржима жараёнига салбий таъсир қилувчи нутқнинг эшитилиш даражаси, шовқин, тўхтамининг ўрни, таржимон диққатининг тақсимланиши каби масалалар ҳам атрофлича ўрганилиб, синхрон таржиманинг назарий асосларини ишлаб чиқишни тезлаштиради.

Синхрон таржима жараёнини қолиплаш асослари Д. Гервер (1975), Г. В. Чернов (1973, 1978), А. Ф. Ширяев (1979)нинг асарларида назарий жиҳатдан ўз аксини топган ва улар, асосан, психологик ва психолингвистик таҳлилларга асосланган. Ма-

салан, Д. Гервер ишлаб чиққан қолипда таржимада синхрончининг хотираси ва унинг турлари, уларнинг синхрон таржимадаги ўзаро муносабати, синхрон таржима жараёнида диққат, ўз нутқини назорат қилиш, хотирада сақлаш каби муаммолар ўрганиб чиқилган. Бу моделнинг камчилик томонларидан бири шуки, синхрончи томонидан қабул қилинган ахборотни англаш, уни иккинчи тилда қайта тиклаш босқичлари етарлича ўрганилмаган. Шунингдек, бу қолипда синхрон таржиманинг лингвистик муаммоларига ҳам етарли ўрин берилмаган. Б. Мозер (Moser; 1978) ўз тадқиқотида қабул қилинган акустик сигналнинг синхрончи мияси томонидан босқичма-босқич ишлаб чиқиш моделини яратди. Унга биноан, қабул қилинаётган ахборотнинг босқичма-босқич кенгайтириб бориши кўзда тутилади. Бу ўринда қабул қилинаётган ахборотнинг акустик, фонологик, вербал жиҳатлари, ахборотни иккинчи тилда қайта тиклаш жараёнида сўзларнинг кетма-кетлигига, синтактик ва семантик жиҳатларига таъсири, гапнинг асосий маъно ташувчи унсури – феълга этибор бериши алоҳида таъкидланади. Г. В. Черновнинг фикрича (1987), мазкур қолипда ҳам синхрон психологик асосларга таянган ҳолда синхрон таржима жараёнида нутқнинг ҳаракатлантирувчи механизмларига деярли эътибор берилмаган. Юқоридаги тадқиқотларнинг аксариятида психология фани доирасида амалга оширилган синхрон таржиманинг лингвистик муаммолари эътибордан четда қолган. Шунга қарамай, уларда синхрон таржиманинг қатор психологик механизмлари, жумладан, ахборотни қайта ишлашнинг кўп каналлиги, бу жараёнда хотира турларининг ўрни каби масалалар назарий жиҳатдан исботланган.

Синхрон таржиманинг назарий асосларининг яратилишига Сарбонна (Париж) университетининг олимлари «Мазмун назарияси» мактаби тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшди. Бу назариянинг асосий маъзи шундаки, унда таржимоннинг асосий вазифаси эшитилган нутқ мазмунини қайта тиклаш эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Бу назария асосчиси Д. Селесковичнинг фикрича, синхрончи нотик нутқини эшитаётиб сўзларни эмас, балки гап маъно-мазмунини таржима тилига ўгириб гапириши лозим. Албатта, бу ўринда унинг хотираси,

гапирилаётган нутқ мавзуси билан танишлиги, нутқ вазиятида ўзини тутиш ҳолати, чет тилини мукаммал билиши муҳим роль ўйнайди ва у нотик нутқини иложи борича тўлиқ беришга ҳаракат қилади. Бу жараёнда «эшитиш–тушуниш–қайта тиклаш» жараёни амалга оширилади.

Г. В. Черновнинг фикрича, бу назариянинг асосий камчиликларидан бири – синхрон таржимадаги бир пайтда содир бўладиган эшитиш ва қайта тиклаш жараёнининг назарий жиҳатдан асосланмаганлиги, синхрон таржима жараёнини ташкил қилиш механизми тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигидир.

Г. Чернов синхрон таржиманинг бошқа турлардан фарқини кўрсатган ҳолда, унинг куйидаги хусусиятларини алоҳида таъкидлайди:

- 1) таржима тилига ахборот оғзаки етказилади (эшиттирилади);
- 2) иштирокчилар бу ахборотни эшитиб қабул қилади;
- 3) ахборот бир мартагина эшиттирилади;
- 4) ахборотни эшитиш ҳам, уни таржима тилига ўгириш ҳам бир пайтнинг ўзида содир бўлади;
- 5) нутқ тезлиги ва таржима тезлиги белгиланмаган бўлади;
- 6) таржима қилиш учун ҳеч қандай вақт белгиланмайди;
- 7) таржима қиладиган нутқ ҳажми ҳам белгиланмайди;
- 8) синхрон таржима орқали оммавий коммуникация акти амалга оширилади;
- 9) шахсларро мулоқот амалга оширилмайди.

Шундай қилиб, синхрон таржима сифатини таъминловчи омиллар – бу чет тил ахборот мазмунини олдиндан фараз қилиш ва ахборотни бошқа тилга ўгириб гапиришда унинг асосий маъносини синтез қилиш механизминини шакллантиришдир.

Синхрон таржима нотик нутқини чет тилида эшитиб, уни она тилига ўгириш ёки она тилидаги нутқни чет тилида баён қилиш орқали амалга оширилади.

Синхрон таржима фавқулудда (экстремал шароитда) амалга ошириладиган фаолият тури сифатида куйидаги хусусиятларга эга:

- 1) эшитиш ва гапиришнинг бир пайтда содир бўлиши;
- 2) вақтнинг тиғизлиги;

- 3) таржима тезлигини нотик томонидан бошқарилиши;
- 4) синхрон таржиманинг нотик нутқи билан спонтан (ўз-ўзидан) содир бўлиши.

Эшитилган нутқ мазмунини ўша лаҳзанинг ўзидаёқ бошқа тилга ўгириш, узатиш синхрон таржиманинг ўзига хос хусусиятларини, унинг экстремал вазиятда содир бўладиган фаолият эканлигини белгилайди. Бу ўринда хорижий тилда гапираётган нотик нутқи синхрончи томонидан мазмунан сиқик ҳолда, қисқартириб баён қилиниши, нотик нутқидаги тўхтамлардан фойдаланиши, нотик нутқи мавзуи билан у ишлатаётган сўзлар маъносини яхши тушуниши, у нима демоқчилигини олдиндан фараз қилиш орқали амалга оширилади.

Олимларнинг фикрича, нотик нутқидаги 50 миллисекундгача йўл қўйилган тўхтамлар синхрончи томонидан тўхтам сифатида фарқланмай эшитилади. Шунга кўра, нотик нутқида рўй берадиган 200–250 миллисекундли тўхтамларгина синхрончига эшитилган нутқ мазмунини қайта ишлаб, бошқа тилда баён қилиш имконини берадиган тўхтам дея қабул қилинган. Бундан ташқари, эшитиладиган гап бўлагининг узунлиги ҳам синхрончи таржимасига салбий таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади. А. Ширяев ва Г. Черновнинг тадқиқотларига кўра, синхрончи нотик нутқидан 1900 миллисекунд (1,9 сек) дан 6000 миллисекунд (6 сек)гача орқада қолиб таржима қилади. Бу вақт жараёнида у эшитилаётган нутқ мазмунини англаши ва баён қилиши лозим.

Синхрон таржиманинг вақт кўрсаткичларини чуқур ўрганган тадқиқотчилар экстремал вазиятда рўй берадиган бундай фаолиятнинг икки жиҳатини аниқладилар: 1) эшитилаётган нутқ мазмунини англаш ва бошқа тилда гапириш бир неча миллисекундлар билан ажралиб туради; 2) синхрончи эшитиладиган нутқ мантиқан тугалланмаган бўлса-да, уни таржима қилишга мажбур. Синхрон таржима айнан мана шу икки жиҳати билан бошқа таржима турларидан фарқ қилади.

Синхрон таржимада вақт тифизлиги масаласи. Синхрон таржиманинг экстремал шароитда рўй берадиган фаолият эканлиги унинг куйидаги хусусиятлари билан белгиланади:

1) чет тилида эшитилган нутқни тезлик билан бошқа тилга ўгириб гапириш. Бошқача айтганда, таржима жараёни вақтнинг жуда тиғизлиги шароитида рўй беради;

2) таржима жараёнининг тезлиги нотик нутқи тезлиги билан белгиланади;

3) бундай вақт тиғизлиги нотик аввалдан тайёрланган ёзма матнни ўқиб бераётганда яна ортади.

Психолог олимларнинг фикрича, инсон миясининг эшитилган ахборотни қайта ишлаш олиш қобилияти вақт бирликлари билан чегараланган. Ж. Миллернинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон мияси бир секундда 25 дан 100 гача ахборот мазмунини қайта ишлаши мумкин. Гервер эса янада аниқроқ қилиб, нутқнинг меъёрий тезлигида инсон мияси бир минутда 120 тагача сўз маъносини эшитиб, қайта ишлаши мумкинлигини таъкидлайди. Демак, синхрончи фаолияти нафақат нотик нутқи тезлигига, балки унинг қисқа муддатли хотирасининг ахборотни қайта ишлаш тезлигига ҳам боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, синхрончидан нафақат нотик гапираётган тилни, шунингдек, мавзуни ҳам яхши билиши, нотик нутқидаги асосий мазмунни иложи борича тўлиқ тингловчиларга узатиш малакасини эгаллаган бўлиши талаб қилинади.

Синхрончи фаолияти тезлигининг нутқ тезлиги билан бошқарилиши. Синхрончи фаолияти тезлиги нотик нутқи тезлиги томонидан бошқарилиши унинг фаолияти нотик фаолиятидан бир неча секунд кейин рўй бериши билан изоҳланади. Бундай пайтда нотикдан ортда қолиш ҳар бир синхрончида турлича вақт кўрсаткичига тўғри келиши мумкин. Бу хотиранинг ҳажмига, яъни синхрончи миясининг қанча ахборотни эслаб қолишига боғлиқ. Дарҳақиқат, бу жараёнда ахборотнинг айрим қисмлари қайта ишланмаслиги, айрим гапларнинг таржимада тушиб қолиши ҳам кузатилади ва бу ҳолатда синхрончи нутқининг тезлиги юзага келади. Бу масалани махсус ўрганган олимларнинг фикрича, нотик ўз нутқида дақиқасига 102 дан 170 гача сўз ишлатса, таржимон уни 89 дан 130 гача сўз билан таржима қилади. Шундай қилиб, синхрончи фаолиятининг тезлиги нотик нутқи тезлиги билан

бошқарилиши синхрон таржиманинг таржимачиликнинг бошқа турларидан фарқловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Синхрончи фаолиятининг нутқ ўқиби берилаётган пайтга нисбатан спонтанлиги. Синхрон таржима жараёнида синхрончи нотиқ нутқини эшитиб, уни ўзга тилга таржима қилади. Бу спонтанлик нотиқ нутқидаги асосий мазмунни илғаб олиб, уни бошқа тилда ифодалаш орқали рўй беради. Кўпчинча, нотиқ ўз нутқини илгаридан тайёрланган ёзма матндан ўқиб беради. Бу, биринчи навбатда, нотиқ нутқи тезлигининг ошишига ва синхрончи фаолиятининг янада мураккаблашишига сабаб бўлувчи омилдир.

Маълумки, нотиқ ўз нутқини минбарда оғзаки баён қилаётганда фикрлашга, айрим жумлаларни ўйлаб гапиришга ва, табиийки, нутқ тезлигини пасайтиришга мажбур бўлади. Нутқни тайёр матндан ўқиб берганда эса, нотиқ фақат синтактик тўхтамларгагина риоя қилади. Матнни ўқиётган нотиқ синхрончи унинг нутқ тезлигига кўника оляптими, йўқми, таржима қилишга улгурияптими, йўқми – бунга эътибор бермайди.

Оғзаки нутқда эса нотиқ кўшма гапнинг ҳар бир эргашган қисмини ифодалаш, ўз фикрини баён қилиш учун сўз излаганда пауза қилишга мажбур. Айниқса, фикрни лўндароқ, ифодалироқ ифодалаш учун нотиқ узоқ муддатли пауза қилиши мумкин. Бундай паузалар, э-э-э, м-м-м каби сўзлар билан бошланади ва 1–1,5 секунд давом этади. Тадқиқотчилар буни синхрон таржимага фикрни жамлаб олишга имкон берувчи *хезитацион тўхтамлар* деб атайдилар. Табиийки, бундай тўхтамлар таржимонга маълум маънода ёрдам бериши ҳам, эшитилаётган нутқ маъносини англашга халақит қилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, нотиқ нафас олиш билан боғлиқ тўхтамлар ҳам қилиши мумкин. Буларнинг барчаси синхрончига ахборотни қайта ишлаш, гап тузиш, уни маъноли қилиб қайта сўзлаб бериш учун маълум имкониятлар туғдиради.

Бу жараёнда синхрончи йиғилган ахборотни хотирага жойлайди. У ўз хотирасида еттитагача ахборотни жамлаши мумкин.

Нотиқнинг ўз нутқини ўқиб бериши таржима жараёнида синхрончига оғзаки баён қилгандагидан кўра кўпроқ қийинчи-

лик туғдириши аниқланган. Жумладан, эркин баён қилинган нутқда синхрончига асосий мазмунни англлатувчи кўплаб қўшимча сўзлар қўшилиши аниқланган.

Масалан:

Ёзма нутқ баёни

Hong de Paris, de l'anancienne ville de la banlieue, a une longer 177 km, le metro urbain comprend 16 lignes et 347 stations.

Оғзаки нутқ баёни

He réseau urbain, contenu à l'interieur de la ville de Paris, c'ast à dire qui ne comporte pasde 177 km, il comporte 16 lignes de métro et 347 stations.

Бундан ташқари, ёзма нутқ ўзининг мураккаб синтаксиси ва жумлаларининг узунлиги билан ҳам фарқланади. Бу ҳам синхрон таржима экстремал вазиятда содир бўлишини кўрсатувчи омиллардан биридир.

Мунозара учун саволлар:

1. *Синхрон таржима нима?*
2. *Синхрон таржима қачон пайдо бўлган?*
3. *Синхрон таржиманинг бошқа таржима турларидан асосий фарқи нимада?*
4. *Синхрон таржиманинг лингвистика, психолнгвистика фанлари билан боғлиқ жиҳатларини баён қилинг.*
5. *Синхрон таржиманинг асосий тавсифини баён қилинг. Оғзаки таржиманинг кўринишлари ҳақида маълумот беринг.*
6. *Синхрон таржимани амалга ошириши учун зарур бўлган буюмларни санаб ўтинг.*
7. *Дунёда ҳозир неча тилда синхрон таржима қилинади?*
8. *Синхрон таржимон қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?*
9. *Синхрон таржиманинг келажagini қандай тасаввур қиласиз?*

11 - мавзу

ТИЛ ВА НУТҚ СЕМАНТИКАСИНИНГ СИНХРОН ТАРЖИМАГА ОИД МУАММОЛАРИ

Таълимий мақсад: тил ва нутқ семантикасининг синхрон таржима жараёнидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Таянч сўз ва иборалар: сўз маъноси, синхрон таржима, семантик мослашув, ахборот темаси ва ремаси, хулоса чиқариш, кўп маънолилиқ, синонимия.

Режа:

1. Сўз маъноси ва синхрон таржима.
2. Кўп маънолилиқ ва синонимиянинг синхрон таржимага таъсири.
3. Сўз маъносининг компонент таҳлили.
4. Семантик мослашув – сўзларнинг нутқда бирикувининг асосий қонуни.

Сўз маъноси ва синхрон таржима. Маълумки, синхрон таржимада ахборотнинг таркибий-мазмуний таркибини англаш уни тўлақонли таржима қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ахборотнинг мазкур таркиби эса алоҳида сўзлардан ташкил топади. Бунда ўзининг икки жиҳати: 1) эшитилиш шакли ва 2) ифодалаган мазмун-маъноси билан фарқланади.

Бир тилдаги сўзнинг иккинчи тилда шакли ва маъносининг муштарак бўлиши таржимани бемалол амалга ошириш имконини беради. Бироқ сўзлар маъно жиҳатидан грамматик, категориал ва лексик маъноларга (род, сон, аниқлик, ноаниқлик, предметлик, муайян сўз туркумига мансублиқ ва б.) ҳам эгаки,

уларни ҳисобга олиш, эшитиб тушуниш ва уни ўша лаҳзанинг ўзида таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Грамматик маънони ифодаловчи сўзларга феъл, от, сифатлар, равиш, киши, нарса, жой номлари, феълдан ва отдан ясалган сифатлар, олмошларнинг турли шакллари, передлог ва боғловчилар киради. Уларнинг асосий вазифалари нутқнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашдан иборат. Бундай сўзлар луғатларда бир неча маънолари билан берилса-да, боғли нутқда конкрет маънода ишлатилади ва бу маъно контекст орқали аниқланади. Масалан, оғзаки нутқда ишлатиладиган *force, jeu, parole, part* каби отлар, *venir, prendre, mettre* сингари феъллар ўзининг кўп маънолилигини йўқотиб, фақат бир маънода – контекстуал маънода ишлатилиши мумкин. Бу ҳолат синхрон таржимада сўзларнинг кўп маънолилиги ва синонимиясини алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Кўп маънолилиқ ва синонимиянинг синхрон таржимага таъсири. Агар сўз маъносини тил тизими ёки луғат орқали эмас, балки нутқда, контекстда ўрганиладиган бўлсак, кўп маънолилиқ муаммоси ўз-ўзидан тушиб қолади ва маънодошлиқ масаласи бошқача нуқтаи назардан ўрганилади. Агар гап контекстдаги сўзни шу маънони ифодаловчи бошқа сўз билан алмаштириш ҳақида кетса, синонимлар сони ҳаддан ташқари ошиб кетади. Масалан, француз тилининг синонимлар луғатида *grand* сифатининг контекстда ишлатилиши мумкин бўлган 19 та синоними ҳамда шу сўз маъносини берувчи бошқа сифатлар билан ифодаланган 89 та бирикма келтирилади. Рус тилида инглизча *great* маъносига мос 70 дан ортиқ синонимнинг борлиги, шунингдек, француз тилидаги *great* сифати маъносига мос 120 контекстуал маъно мавжудлиги аниқланган: *grand – immense, illustre, conu, magnifique, sueperbe, renommé, réputé* ва ҳ. к.

Бундан ташқари, француз тилининг фразеологик луғатида *grand* сифати билан ясалган 400 дан ортиқ сўз бирикмаси мавжудлиги ҳам фикримиз далилидир. Шундай қилиб, синхрон таржимада сўзларнинг кўп маънолилиги ва синонимияси уларнинг грамматик ва лексик маънолари доирасида эмас, балки семантик доирада, контекстда ўрганишни тақозо қилади.

Сўз маъносининг компонент таҳлили ва семантик мослашув. Компонент таҳлил ёрдамида сўз бирикмалари маъносини ўрганиш кўзда тутилади. Бу маъно тилшуносликда «лексик тушунча», «сема», «семантик компонент» каби атамалар билан юритилади.

Масалан, «ўриндик» маъносини ифодалаш учун биз бир неча сўздан фойдаланамиз: *стул, курси, табуретка, кресло, диван, эгар* ва ҳ.к. Бу сўзлар бир маънони англатувчи лексик-семантик гуруҳни ҳосил қилади ва улар маъно ифодаловчи сема ёки семантик компонент деб аталади. Бироқ бу сўзларнинг ҳар бири бир неча фарқловчи белгиларга эга. Бу белгилар уларни бир-биридан фарқлайди: *суянчиқли стул, юмшоқ диван, гилдиракли кресло* ва ҳ.к.

Масалан, французча *une siege, un tabouret, une chaise, un fauteuil* сўзлари ҳам ана шундай фарқловчи белгиларга эга. Семантик компонент деб аталувчи бу белгилар турли тилларда турлича бўлиши мумкин. Улар сўзларнинг ўзаро мослашуви, компонентлар ифодалаган маънолар билан боғлиқ. Одатда, мослашув деганимизда от, сифат, сон, олмош, ёки эга-кесимнинг родда, сонда, замонда тегишли қўшимчалар олиши тушунилади.

Масалан:

Un oiseau est sur la branche d'un arbre. – *Қушча дарахт шохида қўниб турибди.*

Бу ерда грамматик-семантик мослашув меъёр талабларига жавоб беради. Бироқ *Une vache est sur la branche d'un arbre.* – *Сигир дарахт шохида қўниб турибди* десак, грамматик мослашувга риоя қилганимиз ҳолда, семантик мослашувга риоя қилмаган бўламиз.

Шундай қилиб, синхрон таржимада семантик мослашувга алоҳида аҳамият берилади.

Шундан келиб чиқиб, сўзнинг бошқа сўз билан бирикуви натижасида ҳосил бўлган янги маъно ҳар доим ҳам луғатларда бериларвермайди ва у ифодалаган маъно фақат контекст орқалигина аниқланиши мумкин. Таржимон мана шу контекстуал маънони англаб, фаҳмлаб олиши зарур.

Ахборотнинг семантик-мазмуний структураси ва унинг кўп маънолилиги. Ахборот англатган маъно, мазмун, негиз деганда ҳам ҳар хил тушунчалар англатилади. Масалан: «Сиз бу сўзни қандай маънода (мазмунда, ниятда) ишлатдингиз? Айтилган сўз маъносини (мақсадини) тушунмадик. Бундай қилишдан маъно (мақсад, ният) нима эди?» каби саволларнинг ўзида «маъно» сўзи мазмун, ният, мақсад сингари маъноларни англатаётганлигини кўряпмиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «маъно» сўзига қуйидагича изоҳ берилган: 1) бирон нарсанинг, сўзнинг ички маъноси; 2) мақсад, ният, англаб тушуниладиган асос; 3) онг.

Демак, *Мен бундан ҳеч қандай маъно англамаяпман* деганда, *маъно англамоқ* ибораси *тушунмоқ* маъносида ҳам ишлатилапти.

Ёки *le probleme* сўзини олайлик. Бу сўз мураккаб, ечилиши қийин масалани, муаммони англатади. Агар биз биргина *Quelle probleme?* десак, тингловчи *Қандай муаммо? Нима демоқчидан? Нима муаммо? Нима гап?* каби маъноларни назарда тутади. Бу сўз ифодалаётган маъно тугалланган фикр ифодаловчи гапда ўз аксини топади. Масалан: *Je voudrais parler d'un probleme, qui a beaucoup de difficultes dans les pays developpés.* – *Я хотел бы теперь затронуть серьёзную проблему, которая вызывает большие трудности у развивающихся стран* гапи орқали биз:

1) ечилиши лозим бўлган қандайдир муаммо ёки масала мавжудлигини;

2) бу масаланинг жуда жиддийлигини (вазият);

3) бу муаммо ривожланаётган мамлакатлар учун қийинчиликлар туғдираётганлигини (вазият);

4) нотик бу масалани муҳокама қилиш ниятида эканлигини билиб оламиз (мақсад, ният).

Шундай қилиб, сўзнинг контекстуал маъноси вазиётга, лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ. Нотик муҳокама қилмоқчи бўлган мавзу – *тема*, шу мавзу орқали амалга ошириладиган маъно (мақсад, ният) *рема* деб аталади.

Ахборотнинг темаси ва ремаси. Нотик маърузасини тушуниш ва уни синхрон тарзда таржима қилиш учун

унинг қандай мавзуда гапираётгани ва гапириш мақсади, нияти нима эканлигини тушуниш лозим бўлади. Гап сўзловчининг атроф-муҳитга, воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдиради.

БМТда сўзланган ушбу нутқ парчасининг тема ва ремасини аниқлашга уринайлик: *Je pense que tout le monde est d'accord que de facto de l'agression a eu lieu en cotonu.*

Бундай гапнинг ремасини аниқлаш учун босқинчилик, агрессия қаерда содир бўлди деган савол туғилади. Бу ўринда гапнинг темаси – Бенин пойтахти Котонуга уюштирилган босқинчилик ҳамад ният, мақсад рема эса балки шу босқинчиликнинг айбдоридир.

Табиийки, синхрончи ремага таянган ҳолда навбатдаги гап мазмунини аниқлашга киришади. Тема бир нутқ жараёнида ўзгармаслиги, бироқ рема ҳар хил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, рема нотик гапидаги моҳиятни, мазмунни рўёбга чиқариш, ахборотнинг мазмуний қурилишини тингловчига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ремани топиш эшитилаётган нутқнинг воқеалар билан боғлиқ жиҳатлари занжирини тахминий англаш орқали рўй беради. Бу ўринда воқеа ва ҳодисаларни идрок этишга нотикнинг муносабати, вазиятни тушуниш каби омиллар ҳам таъсир қилади. Синхрон таржимада бу ҳодиса пропозитив қурилмани тасаввур қилиш деб ҳам аталади. Масалан, нотик ахборотидан *Петя, Ваня, китоб, ўн сўм* каби жумлаларнинг темаси китоб сотиш бўлса, ремаси – *Петя китоб сотувчи, Ваня харидор, китоб Петядан 10 сўмга Ваняга ўтаётганини тасаввур қилиш мумкин.*

Ахборотнинг мазмуний қурилиши унинг пропозитив таркибини турлича талқин қилиш орқали ҳам аниқланади. Масалан, юқоридаги мавзунни куйидаги жумлалар билан ифодалаш мумкин:

Петя Ванядан китобни 10 сўмга сотиб олди.

Петя Ваняга китобни 10 сўмга сотди.

Китоб Петя томонидан Ваняга 10 сўмга сотилди.

Ахборотнинг мазмуний таркиби модал унсурлар орқали ҳам конкретлаштирилиши мумкин. Масалан: *Ўн сўмга Петя, афтидан, Ваняга бу китобни сотса керак. Петяга пул жуда*

зарур, шунинг учун у бу китобни Ваняга 10 сўмга сотишга мажбур. Ваня бу китобни Петядан 10 сўмга сотиб олишга рози бўлса керак.

Ахборотнинг грамматик кўлами, яъни сўзловчининг тингловчига муносабати ҳам ахборотнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Қиёсланг:

Петя сказал: «Ваня, может быть ты купишь у меня эту книгу всего за десять рублей? На что papa, Ивана, прислушиваясь к разговору мальчиков, сказал сердито: Ваня, я категорически запрещаю тебе делать это, а тебе Петя, должно быть стыдно заниматься продажей книг, да еще заламывать такую сумму. – Pierre dit: Jan, veus-tu acheter ce livre pour dix roubles seulement? En ecoutant la conversation des garcons a dit le pere de Jan severement: Jan, je t'interdis faire cela cateroriquement, et toi, Pierre, tu devais avoir honte de s'occuper speculer avec des livres, et demander pour cela 10 rouble.

Сўзловчининг характери, унинг илтимоси харид қилувчи, олувчи, жўнатувчи, маслаҳат берувчи, ишонтирувчи, таклиф қилувчи каби сўз ва сўз бирикмалари орқали намоён бўлади.

Ахборотнинг мазмуний таркиби ва синхрончи фаолияти қуйидагиларни тақозо этади:

1) синхрончи нотик ёритмоқчи бўлган гапириш мавзусини, шу мавзуга оид воқеа-ходисалар ва улар орасидаги боғлиқликни яхши билиши;

2) синхрончи сўзловчи нутқидаги ремани – мақсадни яхши англаб олиши;

3) сўзловчи шахснинг воқеа-ходисаларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда эканлигини сезиши;

4) тингловчиларнинг мавзуга муносабатини билиши;

Буларнинг ҳаммаси ахборотнинг мазмуний тузилмасини белгилайди. Албатта, чет тилидаги лексик-грамматик бирликлар ҳаммиша ҳам таржима тили бирликларига мос келавермаслиги мумкин.

Синхрон таржимада нотик нутқининг лисоний-услубий хусусиятларини бериш, атамалар таржимасининг аниқ бўлишига ҳаракат қилиш жуда муҳим.

5) ахборотнинг коммуникатив контексти ва мазмуний хулоса. Ахборотнинг мазмуний хилма-хиллиги.

Ҳар қандай ахборотнинг таржимаси мазмуний импликация, яъни унинг тахминий маъносини англаш билан боғлиқ. Бинобарин, синхрончи эшитган ахбороти (нутқи) маъносини мантиқий тушуниш орқали ҳам бошқа тилга ўгириши мумкин.

Демак, синхрончи ҳар қандай ахборотни экспликатив ва импликатив усулларда, мантиқий таҳлил асосида тушуниши ва бошқа тилда баён қилиши мумкин.

Ахборотни импликатив усулда тушуниб баён қилишга қуйидаги мисолни келтириш мумкин.

- *Анна Ивановна ҳозир қаерда?*
- *У Сибирнинг қаеридадир яшайди.*
- *У билан қандай боғланиш мумкин?*
- *Унинг катта ўғли Бауманда ўқийди.*

Ушбу мисолни эшитган синхрончи мазкур диалогни қуйидагича тушуниши мумкин:

1. Анна Ивановна анча ёшга кирган аёл, чунки уни исми, шарифи билан аташяпти.

2. Анна Ивановнанинг икки ўғли бор, чунки ахборотдан унинг «катта ўғли борлиги» англашиляпти.

3. Катта ўғли аллақачон ўрта мактабни тугатган ва Бауман институтида ўқийди.

4. Анна Ивановнанинг катта ўғли Москвада яшайди.

5. Уни топиб олиб, Анна Ивановнанинг манзилени олиш мумкин.

Шу битта мантиқий мазмун ахборот пресуппозицияси (тушунишга ёрдам берувчи омиллар, шартлар)ни ташкил қилади ва улар имплекатуралар деб аталади.

Ахборот мазмунини англаш жараёни тез ва онгли равишда кечади, яъни синхрончи катта ўғил орқали А. Ивановнанинг манзилени билиб олиш мумкинлигини бошқа тилда баён қилади. Мазмуний хулосани турли манбалар орқали англаш мумкин. Уларни когнитив-тезаурус, ситуатив ва прагматик манбаларга бўлиб ўрганамиз.

Тилга оид импликаторлардан мазмуний хулоса чиқариш. Тилга оид манбалардан хулоса чиқа-

риш тил тизимини билиш орқали юзага келади ва тилдаги лексик, семантик категорияларни билишни талаб қилади.

Олмошлар, эгалик ва эгалик сифатлари иш-ҳаракатнинг эгасини, сони ва жинсини ифодаласа, феъл иш-ҳаракатнинг қачон ва қандай содир бўлганлигини ҳам англатади. Қиёсланг:

La delegation quitte la capitale à trois heures.

La delegation est partie pour Paris par avion.

Бу мисолларда феъл ифодалаган иш-ҳаракатларнинг тилга оид имплекаторлари ҳозирги ва ўтган замонда эканлиги, биринчисида делегация қайсидир пойтахтдан бутунлай жўнаб кетганлиги, иккинчисида маълум бир жойга жўнаб кетганлиги ҳақида хулоса қилишга ёрдам беради.

Когнитив-тезаурус усул ёрдамида хулосачи қариш. Когнитив-тезаурус хулоса чиқариш синхрончидан ахборот мавзуини, у ёки бу соҳага оид тушунчаларни, уларнинг қандай маъно англатишини билишни талаб қилади. Масалан, космонавтикага оид *учмоқ, сузмоқ, осилиб турмоқ – plonger, nager, balancer* феъллари ифодаланаётган лексик маънолардан ташқари, бутунлай бошқа маъноларни ҳам англатади. Бу космонавтлар тушиб қолган шароитга ҳам боғлиқ.

Космонавтлар кундалигидан олинган қуйидаги парчага эътибор берайлик:

Толя полетел в отсек, чтобы посмотреть в иллюминатор. Потом прилетает оттуда и говорит: Валя, он завис рядом. Я туда. Смотрю, корабль висит от нас на удалении около метров. Проснулся, вижу, как из темноты надо мной выплывает Саша Иванченков.

Юкоридаги мисолда феъллар ҳаракатни ифодалаяпти, бироқ анъанавий маъноларда эмас. Бунда пресуппозитив-когнитив билимларга таяниб, бу феъллар вазнсизлик ҳолатида содир бўладиган иш-ҳаракатни ифодалаётганини тушунамиз. Қуйидаги нотўғри таржима қилинган мисолга эътибор беринг.

Wiel es, wie Herr Y. Ebeu ausgeführt hat, um einer kurzen Wagen mit 8 Sitzplätzen im Abteil geht. – Поскольку об этом только что говорил господин Ж., речь идёт о коротком вагоне с восемью сидячими местами в каждом купе.

Фаргасиба нотўғри когнитив хулосали таржима.

Monsieur Y. vient de nous le dire, il souhaite une voiture avec huit siège compartement. – Господин Ж. Только что говорил о том, что он предпочитает короткий вагон.

Иккинчи таржимон маънони тўлароқ ифодалайди.

Comme l'a dit M. Y. il s'agit d'un wagon court à huit place par compartement. – Как только что сказал г. н Ж. речь идёт о коротком вагоне.

Бу ерда гап нотик ўз юртида темир йўл учун ҳар бир купесида 8 ўриндиқли калта вагонлар тўғри келмаслиги ҳақида гапиряпти. Таржимонлар бундай вагонлар стандартга мос келмаслигини билмаганлиги сабабли, нотўғри таржима қилишган.

Ситуатив хулоса чиқариш. Ситуатив хулоса чиқариб таржима қилиш мулоқот вақти, ҳолати ва вазиятни билишни талаб қилади. Масалан, халқаро симпозиумда илмий мавзуда маъруза қилаётган нотик дипозитивларни намойиш қилиш учун: «Свет, пожалуйста», – дея илтимос қилади. Техник залдаги чироқни ўчириб, дипозитивларни кўрсатиш учун қоронғилик ҳосил қилади. Нотик дипозитивларни кўрсатиб бўлгач, яна юқоридаги оҳангда: «Свет, пожалуйста», – дейди. Техник энди нотикни тўғри тушуниб чироқларни ёқади. Демак, бир жумланинг ўзи турли вазиятларда қарама-қарши маънода ишлатиляпти. Бундай стандарт вазиятларда берилган буйруқ, савол, илтимос ҳам имплекатив хулоса чиқаришни талаб қилади.

Не могли бы вы передать соль? (Туздон сўраяпти).

Кто оставил дверь открытой? (Эшикни ёпиш сўраляпти).

Прагматик хулоса чиқариш. Прагматик хулоса чиқариб таржима қилиш нотикнинг ижтимоий мавқеини, шахсини яхши билиш орқали амалга оширилади. Бунда нотик ва таржимон ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди.

Таржимон нотикнинг ижтимоий мавқеини яхши англаса, унинг гаплари тасдиқловчи, буюрувчи, кафолат берувчи, экспрессив ва баёнот шаклида эканлигини англаб олади. Директив (буюрувчи) нутқ «буюрмоқ», «кўрсатмоқ», «таъқиқламоқ» маъноли сўзлар билан ифодаланади. Бу эса нотикнинг юқори мавқега эга эканлигидан далолат беради ва зарур мазмуний хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Синхрон таржимага ўргатишнинг методикалари. Фикрни қисқартириб таржима қилиш бўйича кўникма ва малакалар ибора, гап ва матн доирасида амалга оширилади. Бунда икки хил машқлардан фойдаланилади: 1) матнга қараб таржима қилиш; 2) эшитиб таржима қилиш.

Сиқик таржима қилиш малакаси ибораларни бошқа сўзлар билан қисқароқ қилиш орқали шакллантирилади. Бу иш мустақил равишда ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, талабалар махсус танланган, синхрон таржима қилинган ёзма матнларни аслият билан солиштириб, сиқик (компрессия) воситаларни аниқлайди. Навбатдаги дарсда эса ўқитувчи шу воситалардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб беради.

Дастлабки машқлар ибораларнинг ёзма вариантыга кўз югуртириб таржима қилиш орқали бажарилиши мумкин. Шундан кейин машқларни оғзаки бажаришга ўтилади: ўқитувчи микрофон орқали ибораларни ўқий бошлади ва талабалар қисқартириб таржима қилади. Машқлар аввал секин суръатда, кейин ўзлаштирилиш даражасига қараб аста-аста тезлаштирилади. Гап сатҳидаги компрессиялар ҳам юқоридаги шаклларда ташкил қилинади: дастлаб компрессия усуллари ўрганилади, кейин уларни амалга оширишнинг бирламчи кўникмалари шакллантирилади. Охири босқичда кўникма ва малакани шакллантиришнинг барча воситаларини қўллаб, юқори суръатларда машқлар бажарилади.

Учинчи босқичдаги машқлар матн асосида бажарилади. Бунда ортиқча ёки гапнинг умумий маъносига таъсир қилмайдиган сўзларни тушириб қолдириш орқали қисқартириб таржима қилиш машқ қилинади. Таржима машқларидан олдин матн мавзуи қисқача баён қилиниши мумкин.

Қоғозга қараб таржима қилиш.

Синхрон таржима кўникма ва малакаларини шакллантиришда қоғозга қараб таржима қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда куйидаги тўрт ҳолат назарда тутилади:

1) лексик ва синтактик унсурлар ёрдамида хотира мустаҳкамланади;

2) компрессия усулини қўллаш учун қулай вазиятни юзага келтиради;

3) синхрон таржимани тез суръатларда амалга оширишга ёрдам беради;

4) синхрон таржима малакасини босқичма-босқич ташкил қилиш имконини беради.

Бу машқлар орқали етарли кўникма ва малакалар ҳосил қилинган, амалий тайёрлов машқларига ўтилади.

Шундай ҳам бўладики, синхрончи тилларни яхши даражада билади, сўз бойлиги ҳам кенг қамровли ва у синхрон таржимон бўлишни орзу қилади, аммо бўлолмайди. Бунга сабаб – хотирасининг ёмонлиги, бир тилдан иккинчи тилга тезда ўта олмаслиги ва муайян сўзга аниқ муқобилни излаб, вақтни бой бериш одати (яъни *translatoryies*), кўпчилик олдида сўзлай олмаслиги, сўзма-сўз таржима қилишга одатланганлиги, нутқида дефект ва акцент борлиги, дудукланиш ва эшитиш қобилиятининг паст бўлиши ва б.

Синхрон таржимон бўлиш учун қизиқишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун иқтидор ҳам бўлиши лозим. Тилларни яхши биладиган, бир тилдан иккинчи тилга қийналмай ўта оладиган кишига синхрон таржима сирларини ўргатиш мумкин. Унутмаслик керакки, синхрон таржимага фақат синхрон таржима қилиш орқали ўрганиш мумкин. Қолаверса, ёзма таржима орқали шахснинг синхрон таржимага лаёқати борлигини аниқлаш тўғри эмас. Шунинг учун синхрон таржимада ёзма матнни оғзаки таржима қилиш муҳим ҳисобланади. Аммо бу ҳам жонли овозни эшитиб таржима қилиш ўрнини босолмайди.

Таржима мактаби бу чет тилини ўргатиш мактаби эмас.

Таржимага ўргатиш машқларини синхрон такрорлашдан бошлаш керак. Бу инглиз тилида *shadowing* деб аталади. Такрорлаш аввал она тилидаги, кейин чет тилидаги материал асосида ўтказилади. Бунда тезликни ўзгартириб такрорлатиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчи унча катта бўлмаган парчани ўқийди ва талабадан унинг қисқача мазмунини сўзлаб беришни сўрайди.

Таржимада фикрни бошқа сўзлар билан баён қилишга ўргатиш ҳам муҳим. Бунинг учун талабага қисқача матн берилди ва унинг таржимаси дискка ёзиб олинади. Таржима оғзаки қилинса, яхшироқ бўлади. Кейинчалик талабага инглиз тилига

қилинган тайёр таржима матн берилади ва у йўл қўйган хатолари устида ишлайди, сўнг яна қайтадан текстга қарамай, матнни синхрон таржима қилади. Бу жараён, албатта, тажрибали синхрон таржимон кузатувида бажарилиши лозим.

Синхрон таржимон бўлишни орзу қилган талабаларга қуйидаги машқлар туркумини мустақил равишда бажариш тавсия этилади:

1. Вақтга амал қилиш. Пауза ёки жумла тугагини кутиш, сўнг таржима қилиш. Бу, айниқса, ўзбек тилидан чет тилга таржима қилишда фойдали.

2. Акцентни тушуниш. Турли акцент билан сўзловчи кишилар нутқини тинглаш ва тушунишга ҳаракат қилиш.

3. Замонни тўғри аниқлаш. Инглиз тилидаги матнда замонларнинг ишлатилиши ва мослашишига эътибор бериш.

4. Аниқ ва мажҳул нисбатнинг ишлатилиши. Аниқ нисбатни мажҳул нисбат билан алмаштириш ва уларнинг тартибини аниқлаш.

5. Предлогларнинг ишлатилишига эътибор бериш.

6. Бўлишли гапни бўлишсиз гапга айлантириб таржима қилишга ўрганиш.

7. Сон, сўз туркуми қўлланган матнни тинглаш ва уларни тезда ёзиб олиш.

8. Фикрни сиқик баён (компрессия) қилишга ўрганиш. Дискка ёзиб олинган матнни тинглаш ва нимани ташлаб кетиш, нимани кўшиш, қандай қилиб матнни қисқартириш йўллари излаш.

10. Матнни таржима қилиш ва яна таржима қилиш, кейинги таржимада берилган сўзлар ўрнига унинг маънодошларидан (handsome, beautiful, fine, fair, nice, good looking etc.) бирини қўллаш.

11. Инглизни чалғитиб таржима қилиш. Масалан, қалам ёки ручка олиб, коғозга 1 дан то 100 гача бўлган сўзларни тескари тартибда ёзиб бориш.

12. Атоқли от ва жуғрофий жой номларини эътибор бериб тинглаш.

13. Тахмин қилишга, олдиндан хулоса чиқаришга ўрганиш. Дискдаги ёзувни тўхтатиб, гапни лексик, грамматик ва син-

тактик курилишига мос ҳолда тугатиш. Шу тарзда жумланинг бошланишини олдиндан айтишга ўрганиш.

14. Ташлаб кетилган сўзни аниқлаш ва жумлани тўлдириш.

15. Нутқ тезлигини аниқлаш ва унга риюя қилишга ўрганиш. Магнит тасмасини аввал секин, кейин тез айлантириб таржима қилишга ўрганиш.

16. Таржима жараёнида оҳангнинг ишлатилишига, нафас олиш ва чиқариш пайтларида бир синтагмадан иккинчи синтагмага силлиқ ўтишга ўрганиш.

17. Стандарт бирикмаларни автоматик кўникма даражасига келтириб ўрганиш. Табрик, эътироз билдириш, розилик билдириш, таъзия изҳор этиш кабилар стандарт бирикмалар ҳисобланади.

18. Ёзма таржима билан кўп шуғулланиш. Берилган матнни дастлаб ўзбек тилига, кейин инглиз тилига таржима қилиш ва таржимани аслият билан солиштириш.

Бўлажак таржимон радио ва телевизион дастурларни, фильмларни, сиёсий шарҳ ва маърузаларни, илмий-оммабоп матнларни, бадий фильмларни кўриб, эшитиб таржима қилиб боришни машқ қилиши лозим. Булар диалогик нутқни ҳам таржима қилишга ёрдам беради. Дискдан кўриб, эшитиб таржима қилиш анча осон бўлса, фильмларни синхрон таржима қилиш ниҳоятда оғир кечади. Кейинги ҳолатда фильмнинг бошланиши, давом этиши ёки охирини таржима қилиб бориш энг самарали машқлардан ҳисобланади.

Синхрон таржимон газета ва журналларни, сиёсат ва ижтимоий ҳаётга доир, банк, солиқ ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда ўқиб бориши, оммавий ахборот воситалари ва уларнинг иш юритиш тартиби билан танишиши лозим.

Хулоса

Ҳозирги фан ва техника, ахборот-коммуникацион технологиялар асрида синхрон таржимага бўлган эҳтиёж юқори. Ўтказилаётган кўп тилли анжуманлар нафақат халқаро муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга, балки илм-фан, адабиёт,

санъат ва бошқа соҳаларда фикр, тажриба алмашишга ва турли соҳалар ривожига ҳисса қўшишга йўналтирилган. Синхрон таржиманинг юқорида кўрсатиб ўтилган амалий аҳамияти, ўзига хосликлари ва ўргатиш методлари бўлажак таржимонлар томонидан самарали маълумот сифатида қабул қилиниши зарур.

Мунозара учун саволлар:

- 1. Кўп маънолик ва синонимиянинг синхрон таржимага таъсирини аниқ мисоллар билан изоҳланг.*
- 2. Синхрон таржимада семантик мослашув дейлганида нимани тушунасиз?*
- 3. Ахборот темаси ва ремаси ўртасида қандай боғлиқлик бор?*
- 4. Синхрон таржима жараёнида ситуатив, прагматик, когнитив-тезаурус усулида хулоса чиқариш усулларини қисқача изоҳланг.*
- 5. Синхрон таржимага ўргатишнинг босқичлари ва методик асосларини кўрсатинг.*
- 6. Синхрон таржимон бўлишни орзу қилган талаба қандай машқларни бажариши керак?*
- 7. Бирор матнни синхрон таржима қилишга уриниб кўринг.*

ХУЛОСА

Бугунгача илм-фан соҳасида эришилган кўплаб ютуқларимиз мамлакатимизда илм-фанга, кадрлар тайёрлашга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир. 1992 йилда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва миллий тараққиёт моделининг ишлаб чиқилиши ҳамда унинг босқичма-босқич амалга оширилиши, узлуксиз таълим тамойилларининг шакллантирилиши, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кучли эътибор қаратилаётганлиги ва, айниқса, Президентимизнинг 2012 йилнинг 10 декабрида қабул қилган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Республикамизда таълим тизими самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қадамлардан бўлди.

Таълим тизимидаги ушбу кенг кўламли ўзгариш ва олиб борилаётган ислохотларнинг ҳосиласи ўлароқ юзага келган мазкур дарсликда таржима назариясига доир кўплаб масалалар кўриб чиқилди ва уларнинг самарали ечимлари кўрсатиб берилди.

Таржима асрлар давомида ўзга халқларнинг миллий маданияти, анъана ва урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни идрок этиши, тафаккури ҳамда турмуш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаб келган. Ахборот алмашинуви кенгайган, глобаллашув жараёнлари ҳаётимизга шиддат билан кириб бораётган бугунги кунда миллий адабиётни асраб-авайлаш, маънавий кадриятларни эъзозлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, шунингдек, ҳақаро алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор талаб этилади. Шу боис ҳозирда таржимонларга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда, миллат-

нинг бадий тафаккури, инъикоси бўлмиш бадий асарларни таржима қилиш ишларини кенг миқёсда амалга ошириш долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур дарсликда кўриб чиқилган таржимада муқобиллик муаммоси, прагматик масалалар таржиманинг лексик, грамматик, фразеологик ва стилистик муаммолар ечимини қамраб олган бўлиб, унларда қуйидаги жиҳатлар атрофлича ёритилди:

1) таржимада миллий шакл, мазмун бўёқдорлиги ва колорит (миллий ва тарихий)нинг берилиши;

2) аслият матннинг ўзига хослигини сақлаш муаммоси, яъни бадий таржимада асл миллийлик руҳини беришда тил унсурларига урғу бериб, энг самарали метод ва тамойиллардан фойдаланиш.

Таржимон нафақат аслият ва ўгирилаётган тилларни чуқур билиши, шу билан бирга, у яхшигина тил билимдони, адабиётшунос ва хассос сўз устаси ҳам бўлиши керак. Чунки бу каби хусусиятларсиз таржимага қўл уриш кутилган натижани бермайди;

3) таржима илми ва амалиётига доир ушбу дарслик таълим олдига қўйилган янги талаблар асосида яратилди ва ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимида амалда бўлган стандарт талаблар эътиборга олинди;

4) таржима жараёнида лексиканинг қуйидаги турларига эътибор қаратилди:

а) муқобили бўлмаган лексика (шу жумладан, хос сўзлар);

б) коннотатив маъноли сўзлар;

в) атоқли отлар;

г) сукут (лакуна, матндан тушиб қолган ёки етишмаган ўрин)лар.

Ушбу лексика тилнинг стилистик захирасига тааллуқли бўлиб, кундалик мулоқот, илмий ва амалий соҳаларда долзарб ҳисобланади.

Маълумки, таржимон бир тилда яратилган асарни иккинчи тил воситалари ёрдамида қайта яратади. Бинобарин, унинг бутун ижодкорлиги тил соҳасида намоён бўлади. Дарсликда

кўриб чиқилган бадий таржималардан келтирилган мисоллар ва уларнинг таҳлили айрим хато ва камчиликларни баргараф этиш методларини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон таржимашунос олимлари олдида турган энди-ги энг муҳим вазифалардан бири таржима асарларни илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганишдир. Зеро, таржимашуносларнинг келгусидаги долзарб вазифаларидан биридир.

Мундарижа

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 248 б.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 80 б.

Каримов И. А. Барқамол авлод – Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. 6-т. Т.: Ўзбекистон, 1997. – 312 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 120 б.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 172 б.

Илмий ва ўқув адабиётлар

Алимов В. В. Теория перевода. Перевод в сфере профессиональной коммуникации. – Москва: УРСС, 2004.

Барҳударов Л. С. Язык и перевод. – Москва: МО, 1975. – 190 с.

Бушуй А. М. Сущность языка как проблема общей лингвистики. – Самарканд: СамГИИЯ, 2004. – 90 с.

Виссон Линн. Практикум по синхронному переводу с русского на английский. – Москва, 2000. – С. 200.

Головлева Е. И. Основы межкультурной коммуникации // Учебное пособие. – Ростов-на-Дон: Феникс, 2008. – С. 26

Казакова Т. А. Translation Techniques. Практические основы перевода. Санкт-Петербург, 2001. – 320 с.

Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. – Москва, 1980. – 167 с.

Комиссаров В. Н., Коралова Д. Л. Практикум по переводу с английского языка на русский. – Москва, 1990. – 112 с.

Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. – Москва: ЭТС, 2002. – 410 с.

Латышев Л. К. Технология перевода. – Москва, 2000. – 280 с.

Маслова В. А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 28 с.

Миньяр-Белоручев Р. К. Как стать переводчиком? – Москва: Стелла, 1994. – 144 с.

Миньяр-Белоручев Р. К. Общая теория перевода и устный перевод. – Москва: Воениздат, 1980. – 236 с.

Миньяр-Белоручев Р. К. Теория и методы перевода. – Москва: Московский лицей, 1996. – 190 с.

Мирзаев И. К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ленинград: ЛГУ, 1975. – 21 с.

Мирзаев И. К. Слова-реалии и вопросы художественного перевода. – Самарканд, 1982. – 92 с.

Муминов О., Тургунов Р. Ёзма таржима. – Т., 2008. – 86 б.

Мўминов О. М. A Guide to Simultaneous Translations. – Т., 2005.

Мусаев К. Стилистические вопросы художественного перевода с английского языка на узбекский. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 31 с.

Мусаев Қ. М. Таржима назарияси асослари. – Т., 2005. – 352 б.

Мусаев Қ. М. Бадий таржима ва нутқ маданияти. – Т., 1976. – 354 б.

Раҳимов Ф. Замонавий социолингвистиканинг долзарб масалалари. – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2007. – 108 б.

Раҳимов Ф. Инглиз тили сўзлашув типологияси. – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2008. – 108 б.

Раҳимов Ф. Таржимонлик амалиёти. – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2008. – 38 б.

Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика. – Москва: МО, 1974. – 216 с.

Саломов Ф. Адабий анъана ва бадий таржима. – Т.: Фан, 1980. – 124 б.

Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 102 б.

Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 152 б.

Саломов Ф. Таржима ташвишлари. – Т.: 1983. – 138 б.

Саломов Ф. Тил ва таржима. – Т., 1966. – 103 б.

Салямов Г. Т., Хаитов С. М., Маматов А. Э. Методические рекомендации по курсу «Теория и практика перевода». – Самарканд, 1982. – 38 с.

Сафаров Ш. С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 285 б.

Сидорова Л. И., Тхорик В. И. О ложной эквивалентности фразеологических единиц в переводе // Взаимодействие языков в процессе перевода как фактор межкультурной коммуникации. – Краснодар, 2002. – С. 92–94

Тхорик В. И., Фанян, Н. Ю. Лингвокультурология и межкультурная коммуникация // Учебное пособие. Второе издание. – Москва: ГИС, 2006. – С. 162–165

Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. – Т.: Фан, 1978.

Фанян Н. Ю. О методологии и процессах интеграции в межкультурной коммуникации. Язык и национальные образы мира // Материалы международной конференции (20–21 марта 2001). – Майкоп, 2001. – С. 43–49.

Федоров А. В. Основы общей теории перевода. – Москва: Высшая школа, 1983, - 303 с.

Холбеков М. Таржима назариясининг лингвистик принциплари// Филология масалалари. 2009. 1-сон. – 49–53-бетлар.

Чужакин А. Палажченко П. Мир перевода или Вечный поиск взаимопонимания. – Москва: Валент. 1999. – 192 с.

Чужакин А., Палажченко П. Мир перевода. – Москва: Валент, 1997. – 192 с.

Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва таржима назарияси. – Т., 1972.

Швейцер А. Д. К проблеме лингвистического изучения процесса перевода // Вопросы языкознания. 1970. – № 4. – 216 с.

Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика. – Москва, 1973. – 310 с.

Швейцер А. Д. Теория перевода. Статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 364 с.

Юсупов У. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т.: Akademnashr, 2013. – 283 б.

Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Т.: Тафаккур-Бўстон, 2012.

Фафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Меҳридарё, 2008. – 118 б.

Ashurova D. U. Text Linguistics. – Т.: Tafakkur qanoti, 2012. – 200 p.

Entretien avec Mark Ferro, par Daniel Bermond: La conscience europeene: mythe au realite // Label France. №40. P. 2000.

Malmkjer, Kirsten and Kevin Windle(eds). «The Oxford Handbook of Translation studies» – Oxford: Oxford University Press, 2011.

Munday, Jeveny. Introducing Translation studies «Theories and Applications. Third edition. Abingdon / New York».

Электрон ресурслар

http://avtor-web.com/index.php?option=com_desposition&task=edit_desp&id=2830&lang=ru

<http://education.leeds.ac.uk/edu-mwe/eltwww.htm>

http://npu.edu.ua!/e-book/book/djvu/A/iif_kgpm_Douglas%20Robinson.%20Becomming_a_Translator_.pdf

<http://old.ziyonet.uz/uzc/library/libid/20805>

<http://tpot.ru/index.html>

<http://translationjournal.net/free-translation-e-books>

<http://www.bbc.co.uk/wordservice/learningenglish/>

<http://www.catalunyaonline.com>

<http://www.kwintessential.co.uk/translation/professional-translation.html>

<http://www.langinfo.ru>

<http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>

<http://www.translate.ru/>

<http://www.uz-translations.net>

<http://youreng.narod.ru/teoper.html>

<https://translate.google.com/>
<https://www.freetranslation.com/>
www.bing.com/translator
[www.books.fledu.uz/sites/default/files/books/pdf/Ғафуров%20И.%20Тар-
жимонлик%20мутахассислигига%20кириш.pdf](http://www.books.fledu.uz/sites/default/files/books/pdf/Ғафуров%20И.%20Тар-
жимонлик%20мутахассислигига%20кириш.pdf)
www.granddictionnaire.com
www.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik
www.lexikon-defenetion.de
www.onestopenglish.com
www.translation.com
www.translatordirectory.com
www.ziyonet.uz

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 - м а в з у. Таржима назарияси объекти ва предмети	6
2 - м а в з у. Таржима назариясининг шаклланиш босқичлари ва унинг турлари.....	22
3 - м а в з у. Таржимада муқобиллик муаммоси	52
4 - м а в з у. Таржиманинг прагматик муаммолари	72
5 - м а в з у. Таржиманинг лексик муаммолари.	96
6 - м а в з у. Таржиманинг грамматик муаммолари	100
7 - м а в з у. Таржиманинг стилистик муаммолари	110
8 - м а в з у. Таржиманинг фразеологик муаммолари	116
9 - м а в з у. Таржимада лексик ва грамматик трансформациялар.....	129
10 - м а в з у. Синхрон таржиманинг ўзига хос хусусиятлари	138
11 - м а в з у. Тил ва нутқ семантикасининг синхрон таржимага оид муаммолари	154
Хулоса	168
Фойдаланилган адабиётлар.....	171

Ўқув нашири

Ғанишер Раҳимов
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ

Дарслик-мажмуа

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент–2016

Мухаррир *Жаҳонгир Қўнишев*
Бадий муҳаррир *Асқар Ёқубжонов*
Саҳифаловчи *Ақбар Қўнишев*

Нашриёт лицензияси АИ № 160, 14.08.2009 й.

Босишга рухсат этилди 08.06.2016. Бичими $60 \times 90 \frac{1}{16}$.
Офсет қоғозига босилди. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табоғи. Нашр ҳисоб-табоғи
Адади 400 нусха.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.